

А.С.ТҮХТАЕВ

ЭКОЛОГИЯ

*Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлигининг
Республика таълим маркази ўқувчилар учун
қўлланма сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 2001

Мазкур ўкув қўлланмада экология фани ва унинг мазмунни, вазифалари, тарихи, минтақавий ҳамда маҳаллий экологик муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари, тирик организмлар тарқалган асосий ҳаёт муҳитлари, табиий популяцияларнинг хоссалари, республикамиздаги энг муҳим табиий биоценозлар, экотизимлар ҳамда уларнинг тузилмаси, фаоллик кўрсатиши, биосфера ва ундаги ўзгаришлар, шунингдек, уни барқарорлаштириш масалалари, ижтимоий экология ҳақида умумий маълумотлар баён этилган.

Ўқувчилар учун эслатма. Бўлимларнинг охирида **[!]** белгиси билан асосий экологик тушунчалар келтирилган, ўқувчи ўзини ўзи назорат қилиши учун саволлар **[?]** белгиси билан кўрсатилган, **[*]** белгиси билан ўқувчиларга топшириқлар берилган.

Тақризчилар: биология фанлари доктори, профессор
О.МАВЛОНОВ;
педагогика фанлари доктори, профессор
Э.ТУРДИҚУЛОВ

ТЎХТАЕВ АНВАР СУЛТОНОВИЧ

ЭКОЛОГИЯ

Ўқувчилар учун ўқув қўлланма

Тошкент «Ўқитувчи», «Зиё-Ношир» КШК, 2001

Муҳаррирлар *Ф.Орипова, Ш.Аъзамов*
Бадиий муҳаррир *Ф.Некқадамбоев*
Тех. муҳаррир *С.Турсунова*
Мусаҳиҳ *М.Иброҳимова*
Компьютерда терувчи *М.Хусанова*

ОИБ № 7894

Оригинал макетдан босишга руҳсат этилди 25.09.2001. Бичими 60x90/16. Кегли 10 шпонли. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 9,0. Шартли кр-отт. 9,5. Нашр. т. 7,51. 1000 нусхада босилди. Буюртма №**283**.

«Ўқитувчи» нашриёти қошидаги «Зиё-Ношир» кичик шўъба корхонаси. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 06 — 2001.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг рангли босма фабрикаси. Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86. 2001.

4306020150
ISBN 5-645-03736-7

© «Ўқитувчи» нашриёти,
«Зиё-Ношир» КШК, 2001

КИРИШ

XXI асрда инсониятни хавф остида қолдираётган ҳодисалардан бири экологик вазият ҳисобланади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик норма, табиий бойликларни келгуси авлодларга тежамкорлик билан фойдаланиб етказиш бугунги куннинг долзарб муаммолариидир. Ўрмонлар, сув ҳавзалари, тупроқ, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвон турлари камайиб боришининг олдини олиш учун табиатни ўрганиш ва унинг қонуниятларини эгаллаш лозим.

Экология ўқув қўлланмаси табиат ва жамият ўртасидаги боғланишларни ўрганади, табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий-иқтисодий, гигиеник, техник-технологик, фалсафий ва бошқа муаммоларини ўз ичига олади. Ўқув қўлланма сизларни янги экология фани ва унинг тарихи, муаммолари, вазифаси, хусусан Ўрта Осиё минтақасида вужудга келган экологик муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, тирик организмлар тарқалган асосий ҳаёт муҳитлари ва уларга тирик организмларнинг мослашишлари, табиий популяциялар ва уларнинг хоссалари, биоценоз, экотизимлар ва биосфера, жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, келажакда барқарор ривожланишнинг йўналишлари ҳақидаги маълумотлар билан таништиради. Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар нақадар кескинлашгани ва табиатни сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли экологик билимлар асосида амалга оширилиши мумкинлигига гувоҳ бўласиз.

Ушбу ўқув қўлланманинг бўлимларини Ўрта Осиё минтақаси, жумладан Ўзбекистоннинг табиий ва ижтимоий экологик аҳволини ҳисобга олган ҳолда, иложи борича, маҳаллий материаллар асосида баён этишга ҳаракат қилинди.

Мазкур ўқув қўлланмани нашр этишда яқиндан ёрдам берган Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети ректори профессор Б.Ф.Қодировга муаллиф ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

Ушбу ўқув қўлланма биринчи марта чоп этилаётганлиги сабабли унда баъзи камчиликлар учраши мумкин. Сизлардан мазкур ўқув қўлланма ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларингизни қўйидаги манзилга ёзиб юборишингизни сўраймиз.

*Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.
«Ўқитувчи» нашриёти қошидаги
«Зиё-Ношир» кичик шўъба корхонаси.*



1-бўлим. ЭКОЛОГИЯ ФАНИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

1.1. ЭКОЛОГИЯ ФАНИ НИМАНИ ЎРГАНАДИ

«Экология» сўзи кундалик турмушда кейинги йилларда кўп ишлатилаётганини биласиз. У сизнинг тасаввурингизда сув ва ҳаволарнинг ифлосланиши, сабзавот-полиз экинларидаги нитратлар билан заҳарланиш, дам олиш мумкин бўлган табиатнинг гўзал жойлари, ўрмонлар ва бошқаларнинг ўзгариб бораётганлигини англатади. Баъзан экология жамият, маънавият, оила, инсон саломатлиги тушунчалари билан бирга ишлатилади. Наҳотки экология ана шундай кенг қамровли мазмунга эга бўлса? Унга, яъни экология фани нимани ўрганади деган саволга аниқ жавоб бериш мумкинми? «Экология» тушунчаси иккита юонча сўздан (*ойкос* — уй, бошпана, ватан, макон ва *логос* — фан) ташкил топиб, тирик организмлар ва ҳамжамоаларнинг яшаш шароити ёки ташки мұхит ўртасидаги ўзаро алоқа муносабатларини ўрганади.

Экология мустақил фан сифатида биология фанининг бир соҳаси сифатида XX асрда ажralиб чиққан, аммо унинг мазмуни қадимдан одамларни қизиқтириб келган. Экологиянинг аҳамияти катта эканлиги айниқса кейинги йилларда тушунила бошланди. Бунга табиат билан инсон ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши асосий сабаб бўлди. Инсон ҳаёти учун зарур бўлган сув, тоза ҳаво, озуқа кабиларга бўлган талабни қондириш учун инсоннинг теварак-арофини ўраб турган табиатнинг ўзи қандай тузилган ва у қандай фаоллик кўрсатади деган саволларга жавоб бериш керак эди. Ушбу масалалар билан айнан экология фани шуғулланади.

Ҳозирги давр экология фани янги билимлар билан бойиб, умумлаштирувчи характердаги фан бўлиб қолди, яъни жамият ва инсон ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳаларини талқин қила бошлади. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг тузилиши ўрганилаётганда ҳар бир турнинг яшаш жойига ҳам этибор берилган. Ана шундай маълумотлар туб моҳияти билан экологияга тегишлидир. Хўш, унда экологиянинг биологик фанлар тизимидағи ўзига хос ўрни қандай? Бунинг учун экологиянинг асосий бўлимлари билан танишиб чиқиш лозим.

Табиатда тарқалган айрим ўсимлик ва ҳайвон тури ёки индивид ташки мұхит омиллари таъсирида ҳаёт кечиради. Энг мұхим омил-

лардан бири иқтим ҳисобланади. Барчага маълумки, бирор ўсимлик ёки ҳайвон тури ҳамма жойда учрайвермайди. Айрим турлар сув бўйларида яшаса, баъзилари ўрмонда ўсади. Шунингдек, арктик зонада туяларни ёки чўлда оқ айиқ учратилмайди. Биология курсидан маълумки, иқтим омиллари турларнинг тарқалишида муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, куруқлиқда яшайдиган организмларга тупроқнинг хусусиятлари, сувда яшайдиган тирик организмларга эса сув муҳит сифатида таъсир этади. Экологиянинг айрим организмларга турли табиий омилларнинг таъсирини ўрганадиган бўлими *аутэкология* (*аутос* — юонча сўз бўлиб «ўзи» деган маънони билдиради) деб номланади. Экологиянинг ушбу бўлими маълум ҳудудда тарқалган айрим турларга тегишли индивидлар йиғиндисини ўрганади. Бундай гуруҳлар *популяциялар* деб аталиб (*популус* — лотинча сўз бўлиб «аҳоли» деган маънони билдиради), ҳар бир индивид қўшни индивидлар ва ташқи муҳит билан мулоқотда бўлади. Натижада айрим индивидга ташқи муҳитнинг таъсири эмас, балки индивидлар гуруҳига бўлган таъсир, уларнинг таркиби ва сонининг ўзгариши кабилар келиб чиқади. Шундай қилиб, айрим популяцияларнинг ҳаётини ўрганиш, уларнинг ўзгариш сабабларини аниқлаш кабилар билан *популяциялар экологияси* шугулланади.

Табиатда популяциялар доимо биргаликда яшаб ҳамжамоалар ёки *биоценозлар* (*биос* — юонча «ҳаёт» деган маънони билдиради ва *ценоз* — умумий)ни ташкил этади. Ҳамжамоалар анча барқарор биологик тузилма ҳисобланади. У одатдаги ташқи муҳит ўзгаришлари таъсирида ўзини бошқариш (яъни табиий хусусияти, турлар таркиби) хусусиятига эга. Ҳамжамоаларнинг барқарорлиги унинг таркибига киравчи популяциялар билан белгиланиб қолмай, балки улар ўртасидаги ўзаро алоқа муносабатларнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Ҳамжамоаларни ўрганиш айрим гуруҳдаги организмлар сонининг ўзгариш сабабларини аниқлашда, қишлоқ хўжалиги, овчилик, ўрмон хўжалиги каби соҳаларини тўғри ташкил этиш, юқумли касалликларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, аҳоли яшаш жойларини лойихалаш ва ҳоказоларга ёрдам беради. Биз бунда экологиянинг мураккаброқ бўлими ҳисобланган ҳамжамоалар экологияси ёки *синэкология* (*син* — юонча сўз бўлиб, унинг маъноси «биргаликда» демакдир) ҳақида тўхтадлик.

Ҳамжамоа ташқи муҳитдан ажralган ҳолда фаоллик кўрсата олмайди, чунки популяциялар ўртасидаги ўзаро алоқа боғланышлар, одатда, ташқи муҳитнинг айрим омиллари билан боғланган ҳолда амалга ошади. Ҳамжамоа маълум бир босқичда ўзига хос физик, кимёвий, биологик, географик ва иқтим каби шароитлар йиғиндиси билан тавсифланади. Юқоридаги шароитларнинг кўпчилиги тирик организмларнинг ҳаёт фаолиятини белгиловчилар ҳисобланади.

Масалан, ўрмондаги микроиқлим ўсимликлар таркибига, тупроқнинг хусусияти микроорганизмларнинг фаолиятига, сувнинг тиниқлиги эса унинг зичлиги, майда сув ўтлари ва бошқаларга боғлиқ.

Ҳамжамоалар эгаллаган табиий ҳаёттй фазо биотоп (юонча «биос» — ҳаёт ва «topos» — жой) деб аталади. Биотоп ўз навбатида ҳамжамоа билан биргаликда экологик тизимни ташкил этади. Экотизим жонсиз табиат билан жонли табиат ўртасида барқарор ўзаро алоқа боғланишларни ушлаб туради. Экотизимларни, одатда, атрофимиздаги бизни ўраб турган табиат деб тушунамиз. Турли экотизимлар бир-биридан аниқ чегараланган бўлиши мумкин. Масалан: ўрмон экотизими ва кўл экотизими, аммо бундай чегаралар кўпинча аниқ ажралмайди. Экологик тизим ҳамжамоалар, популяцияларга нисбатан анча мустақил тизим ҳисобланиб, унда фаоллик кўрсатиш учун зарур бўлган барча элементлар мавжуд. Сайёрамиздаги барча экотизимлар йиғиндиси энг йирик экотизимни, яъни *биосферани* («биос» — ҳаёт ва «сфера» — шар) ташкил этади. Биосферада жуда мураккаб жараёнлар боради. Ундаги барча тирик организмлар бир-биirlари билан яқин алоқада бўлиши билан биргаликда, жонсиз табиатнинг барча таркибий қисмлари билан ҳам боғланишда бўлади. Улар сув, ҳаво, ёруғлик, ҳарорат ва бошқалар.

Тирик организмлар фақат ташқи муҳитга боғлиқ бўлиб қолмай, балки атроф-муҳитга жуда катта таъсир кўрсатади. Экология фанининг биосферани ўрганадиган энг мураккаб муҳим бўлими *глобал экология* деб номланади. Экология жуда сертармоқ ҳисобланиб, унинг марказида инсонни ўрганиш туради. Ушбу бўлим *инсон экологияси* деб аталиб, у инсонни ўраб турган табиат ва ижтимоий муҳитлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан бир бутун ҳолда ўрганади.

Жамият тараққиёт қонунларини илмий англаш, инсонни ижтимоий мавжудот сифатида кўрсатиш унинг тараққиётини тўғри белгилаш имкониятини беради. Инсоннинг жамият аъзолари билан биргаликда ўзаро муносабатларда яратган ижтимоий ва рўҳий муҳитлари таъсирини *ижтимоий экология* ўрганади. Шундай қилиб, экология ҳозирги даврда кенг кўламли, яъни табиат, жамият ва инсон ўртасидаги ўзаро алоқа боғланишларни ўрганар экан. Унинг обьектлари эса айрим организмлар эмас, балки уларнинг популяциялари, ҳамжамоалар ёки табиий экологик тизимлар ҳисобланади.


Экологиянинг ғоялари муҳим аҳамиятга эга. Улар бизга атроф-муҳитда ўз ўрнимизни аниқлаш, табиий бойликлардан тўғри ва оқилона фойдаланишга ёрдам беради. Инсон томонидан табиий бойликлардан фойдаланишда табиат қонунларини билмаслик

натижасида қайта тиклаб бўлмайдиган ноxуш оқибатлар келиб чиқади. Бунга мисол қилиб Орол тақдирини кўrsatiш мумкин. Орол фожиаси инсон томонидан Сирдарё ва Амударё сувларидан нотўғри фойдаланиш ҳамда унинг хавфини анча кеч тушуниб етилганлиги натижасида келиб чиқди. Экология фани табиат билан тирик организмларнинг узвий боғланишларини идора этар экан, у шубҳасиз, табиатни муҳофаза қилишнинг илмий асосини ташкил этади.

Бугунги кунда республикамизнинг баъзи вилоятларида нафақат табиатни муҳофаза қилиш, балки нормал ҳаёт шароитини тиклаш муаммо бўлмоқда. Табиий муҳитни тиклаш учун, авваламбор табиат қонунларини билиш зарур. Табиатнинг чегараси йўқ, шунинг учун экология асослари фанини ёки бизнинг умумий уйимиз — Ер куррасига таалуқли асосий қонуниятларни ҳар бир киши билиши керак. Шундай қилиб, экология фани сайёрамиздаги тирикликни сақлаш ва атроф-муҳитнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик учун хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий мұхитта эхтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» деган жумланинг қайд этилиши ҳам мамлакатимизда экологик таълим-тарбияга давлат миқёсида аҳамият бериладиганликгининг яққол ифодасидир.

- !** Экология, аутэкология, популяциялар экологияси, синэкология, биотоп, экотизим, биосфера, глобал экология, ташқи мұхит, атроф-мұхит, инсон экологияси, ижтимайй экология.
 - ?**
 1. Экология фани нимани ўргатади?
 2. Экологиянинг қайси асосий бўлимлари бор?
 3. Ҳазирги вақтда экологиянинг аҳамияти қандай?
 4. Нима учун экология фанини ўрганиш зарур?
 5. Табиатни муҳофаза қилишнинг илмий асоси деганда нимани тушунасиз?
 - *** Экологиянинг асосий бўлимларини ушбу схемага ёзиб чиқинг.



1.2. ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ҚИСҚАЧА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Инсон ҳәёти табиат билан чамбарчас боғланган. У доимо ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, уларнинг ҳәёт тарзи билан қизиқкан, албатта. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳәёти билан боғлиқ хусусиятларни кундалик турмушда ўрганиб борилиши дастлабки экологик билимларни келтириб чиқарган. Қадимги ёзма манбаларда турли ўсимлик ва ҳайвонларнинг номлари ва уларнинг ҳәёти ҳақида маълумотлар келтирилган. Қўлёзмаларнинг муаллифлари тирик организмларга қизиқиб қолмай, балки уларнинг инсон ҳәётидаги аҳамияти, яъни ёввойи ҳайвонлар ва қушларни овлаш, балиқчилик, экинларни зарарли ҳайвонлардан саклаш ва бошқаларга эътибор берганлар. Шубҳасиз, бунинг учун одамлар тирик организмларнинг яшаш мұхитини ҳисобга олишга мажбур бўлганлар. Ҳозирги даврдаги билимларимизнинг шаклланишида қадимги юон олимларининг хизмати катта. Масалан, *Аристотель* (э.ав.384 — 322 й.й.) ўзининг «Ҳайвонлар тарихи» деган асарида сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, шунингдек сузувчи, ҳавода учувчи ва ўрмаловчи каби ҳәётий шаклларни ажратган. Улардан ташқари, организмларнинг яшаш жойлари, ёлғиз ёки гала бўлиб яшаш, озиқланиши ва бошқалар қизиқтирган. Тирик организмларнинг тузилиши ва ҳәёти Аристотелнинг шогирди *Теофраст* (э.ав. 380 — 271 й.й.) ишларида ҳам учрайди. Теофраст ўсимликларнинг яшаш жойларини ҳисобга олиб, уларни ўт, чала бута, бута ва дараҳт каби ҳәётий шаклларга бўлади. Ўрта осиёлик алломалар ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқалар ҳали экология фани дунёга келмаган даврларда табиат ва ундаги мувозанат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш ҳақида қимматли фикрлар айтганлар. *Мұхаммад Мусо ал-Хоразмий* «Билгинки, дарёнинг кўзлари ёшланса, унинг бошига ғам, кулфат тушган бўлади» деб таъкидлаган эди. Буюк аллома сувларни ортиқча сарфлаш ҳозирги кундаги Орол фожиаси каби ноҳӯш ҳодисаларни келтириб чиқаришини назарда тутган бўлса, эҳтимолдан ҳоли эмас. *Абу Наср Форобий* одам аъзосининг тузилиши ва унда келиб чиқадиган ўзгаришлар, яъни касалликлар, овқатланиш тартибининг бузилиши, касалликнинг олдини олиш чора-тадбирлари, шунингдек, табиий ва сунъий танланишлар ҳақида маълумотлар қолдирган. *Абу Райхон Беруний* асарларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг биологик хусусиятлари, уларнинг тарқалиши, ташқи мұхит билан ўзаро алоқаси ва хўжалик аҳамияти ҳақида маълумотлар топиш мумкин. *Абу Али ибн Сино* инсон соғлигини саклаш, парҳез, гигиена тўғрисида, касалликларни, жумладан, асаб касалликларини даволащда жисмоний усуслар яхши натижага беришини айтган. У киши организмига ташқи мұхит таъсири мұхимлигини, айрим касалликлар сув ва ҳаво орқали тарқалиши ҳақида фикрлар баён этган.

XVII—XVIII асрлардаги экологик маълумотлар тирик организмларнинг айрим гурухларини ўрганишга қаратилган эди. *Ж.Бюффон*



Абу Али Ибн Сино
(980—1037)


Жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган қомусчи олим. Унинг асарлари орасида «Тиб қонунлари» шоҳ асарлардан биридир. У тибиёт илмининг қомуси ва ўрта аср тибиёт илми тарихининг олий чўққиси, деб ҳисобланади.

Эрнест Геккель
(1834—1919)

Олмон табиатшуноси... Унинг асосий илмий ишлари ўсимлик ва ҳайвонларнинг (умуртқасизлар зоологияси) тарихий ривожланишига бағишланган.

ишларида ҳайвонларнинг тузилишига ташқи муҳитнинг таъсири, Ж.Б.Ламарк ўсимлик ва ҳайвонларнинг эволюцион ўзгаришларида энг муҳими ташқи муҳит таъсири эканлиги, экологик гояларнинг ривожланишида Ч.Дарвиннинг органик олам эволюцияси ҳақидаги таълимоти илгари сурилган. Немис биологи Эрнест Геккель 1866 йилда фанга «экология» тушунчасини биринчи бўлиб киритди ва унга таъриф берди. Экология мустақил фан сифатида XX асрнинг бошларида вужудга келди. Унинг ривожланишига Г.Ф.Морозов, В.Н.Сукачев, В.Г.Раменский, К.Раункиер, Ч.Элтон, М.С.Гиляров, Н.С.Серебряков, А.Тенсли, Г.Одум, Ю.Одум ва бошқалар катта ҳисса қўшди. Йирик рус олими В.И.Вернадский биосфера ҳақидаги таълимотни яратди ва биосферанинг ҳолати инсон фаолияти билан боғлиқлиги ҳақида холосага келди. Шунингдек, у *ноосфера* тушунчасини фанга киритди. Ўрта Осиёда эса табиатни ўрганган олимлар томонидан биоценозларнинг тузилмаси ва экотизимлар, шунингдек, биоценоз ва ландшафтларнинг биринчи модели яратилди. Экологик-географик ишлар Ўрта Осиёнинг табиати, биомажмуалари, уларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва ҳудудий ажralишлиари, районлаштириш, ландшафтлар харитасини яратишга

қаратилди. Жумладан, Д.Н.Кашкаров ишларида ландшафтларнинг айрим элементлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, бирлиги ҳамда модда ва энергия алмашинуви, намлик, тупроқ ва биотик омилларнинг роли, антропоген омилнинг ландшафтларга таъсири очиб берилди. П.А.Баранов, И.А.Райковалар тоғ ва чўл биоценозлари ҳиқида, тирик организмлар ҳаётida нокулай ҳароратнинг роли, маданий биоценозларни тоғ минтақаси шароитида ташкил этиш масаласини ишлаб чиқди. Д.Н.Кашкаров томонидан бошлаб берилган ишлар унинг шогирдлари Т.З.Зоҳидов ва Р.Н.Мекленбурцев ишларида ривожлантирилди. Т.З.Зоҳидов чўлдаги ҳаёт (биотопларни) нинг ўзига хослигини ва уни майда ҳудудий бирликларга ажратиб ўрганган. Ўзбекистондаги экологик йўналишдаги ишларнинг асосчилари Д.Н.Кашкаров ва Е.П.Коровинлар ҳисобланади. Улар экологик илмий тадқиқотларни режалаштириш ва эколог мутахасисларни тайёрлаш зарурлигини ўртага ташлаган. 1930 йилларда Д.Н.Кашкаров ва Е.П.Коровинлар томонидан «Мұхит ва ҳамжамоалар», «Ўрта Осиё ва Қозоғистон чўлларининг турлари ва улардан хўжаликда фойдаланиш истиқболлари», «Чўлдаги ҳаёт» каби илмий асарлар чоп этилди. Ушбу асарларда экология фани ва унинг вазифалари, услублари ўз аксини топган. Экологик йўналишдаги ишлар кейинчалик ЎрФА Ботаника институти олимлари В.А.Буригин, О.Х.Ҳасанов ва бошқалар томонидан ўсимликларни курсоқчилик иссиқ (чўл) шароитига мослашиши, ўсимликларни ҳамжамоасининг тузилмаси, маҳсулдорлиги, ем-хашакбон ўсимликларнинг орасидан курсоқчилик иссиқ шароитига чидамли турларини танлаш ва уларнинг экологик-биологик хусусиятларни ўрганиб, сунъий яйловлар барпо этишнинг илмий асослари ишлаб чиқилди. ЎЗФА Зоология ва паразитология институтида ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тадбирлари, қишлоқ хўжалик ҳайвонларида учрайдиган юкумли касалликларнинг олдини олиш, қимматли ҳайвон турларининг кадастри ва назорат ишлари олиб борилди. Ушбу илмий ишларга Т.З.Зоҳидов, А.М.Муҳаммадиев,



Данил Николаевич Кашкаров
(1878—1941)

Ўрта Осиёнинг табиати, биомажмуалари ва уларни ўрганиш методларини ишлаб чиқди. У биоценозларнинг моделини яратишга ҳаракат қилаи. Ўрта Осиё эколог-географлар мактабининг асосчиларидан бири ҳисобланади.

зарурлигини ўртага ташлаган. 1930 йилларда Д.Н.Кашкаров ва Е.П.Коровинлар томонидан «Мұхит ва ҳамжамоалар», «Ўрта Осиё ва Қозоғистон чўлларининг турлари ва улардан хўжаликда фойдаланиш истиқболлари», «Чўлдаги ҳаёт» каби илмий асарлар чоп этилди. Ушбу асарларда экология фани ва унинг вазифалари, услублари ўз аксини топган. Экологик йўналишдаги ишлар кейинчалик ЎрФА Ботаника институти олимлари В.А.Буригин, О.Х.Ҳасанов ва бошқалар томонидан ўсимликларни курсоқчилик иссиқ (чўл) шароитига мослашиши, ўсимликларни ҳамжамоасининг тузилмаси, маҳсулдорлиги, ем-хашакбон ўсимликларнинг орасидан курсоқчилик иссиқ шароитига чидамли турларини танлаш ва уларнинг экологик-биологик хусусиятларни ўрганиб, сунъий яйловлар барпо этишнинг илмий асослари ишлаб чиқилди. ЎЗФА Зоология ва паразитология институтида ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тадбирлари, қишлоқ хўжалик ҳайвонларида учрайдиган юкумли касалликларнинг олдини олиш, қимматли ҳайвон турларининг кадастри ва назорат ишлари олиб борилди. Ушбу илмий ишларга Т.З.Зоҳидов, А.М.Муҳаммадиев,

В.В.Яхонтов, М.А.Султонов, Г.О.Олимжонов ва бошқалар раҳбарлик қилди. XX асрнинг иккинчи ярмида ҳозирги давр фанларини «экологлаштириш» бошланди. Бу ҳолат экологик билимларнинг катта аҳамиятга эга эканлигидан юзага келди. Инсон фаолияти атроф-муҳитга салбий таъсир этибигина қолмай, балки унинг ҳёт муҳитини ўзгартирумокда, шу билан бирга, ўзининг яшашига хавф туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам инсоннинг атроф-муҳитга таъсири қандай тарзда бораётганлигини аниқлаш ва экологик тангликнинг олдини олиш, ўзгаришлар чегарасини топиш керак бўлади. Шундай қилиб, экология фани, юқорида такидлаб ўтилганидек, табиий ресурслардан фойдаланишнинг назарий асоси ҳисобланади. Жонли табиатда кузатиладиган хилма-хил жараёнларни ўрганишда тажриба усуслари катта ёрдам беради. Лаборатория шароитида маълум шароит ёки экологик омил таъсирига тирик организмларнинг жавоб реакциялари аниқланади. Тирик организмларнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатини сунъий равишда ўрганиб, табиий шароитда кузатиладиган ҳодисаларни тўлиқ тушуниб олиш мумкин. Аммо экология фани лаборатория тажрибаларигагина асосланиб қолмаган. Шубҳасиз, тирик организмларнинг ташқи муҳит билан алоқасини фақат табиатда чуқурроқ билиб олиш мумкин. Бу иш осон эмас, ҳар қандай оддий муҳит ҳам ўзига яраша қандайдир мураккабликларга эга. Шунинг учун экологияда лаборатория тажрибалари билан табиатда олиб бориладиган кузатишлар муҳим аҳамиятга эга. Тажрибаларни экологлар, кўпинча, математика тилига ўтказишади. Математик таҳлил, яъни *моделлаштириш* табиатдаги ҳодисаларни чуқур билиб олишда организм ва муҳит ўртасидаги муносабатларнинг айрим томонларини ажратиб олиш имконини беради. Математик моделлар табиий ҳодисаларни гахминий акс эттиришини унутмаслигимиз керак. Шундай қилиб, ҳозирги давр экологиясининг келажаги порлоқ, чунки инсониятнинг сайёрамизда яшаб қолиши, кўп жиҳатдан ушбу фаннинг ривожланиш даражаси билан боғлиқ бўлиб қолади.

- 1. Ноосфера, моделлаштириш.
- 2. 1. Инсон табиат билан қандай ўзаро алоқада бўлади?
2. Жамият ривожланиши билан инсоннинг табиатга муносабати қандай ўзгарди?
- 3. Экология фани қачон келиб чиқди?
- 4. Ҳозирги вақтда экология фанининг аҳамияти нимадан иборат?
- 5. Ноосфера тушунчасини фанга ким киритди?
- 6. Ўрта осиёлик алломаларнинг экологик қарашлари қандай бўлган?
- 7. Ўзбекистонда экология фанининг ривожланишига қайси олимлар ҳисса қўшган?
- 8. Экологияда қандай илмий услублардан фойдаланилади?

- 1. Ўрта Осиё ҳалқарининг экологик маънавий мероси ҳақида маълумотлар тўпланди.
- 2. Ҳадис илмидаги инсонни табиат бойликларини тежаб-тергари ва унинг муҳофазасига давлат қўйувчи бандлардан маълумотлар келтиринг.
- 3. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида экология соҳасидаги ишлар билан танишинг.

1.3. ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

Одам пайдо бўлгунча ва унинг табиатга таъсир этгунига қадар табиат унсурлари ўртасида ўзаро уйғун боғланишлар мавжуд эди. Одам пайдо бўлгандан сўнг, яъни у фикрлаш ва ишлаб чиқариш қуролларини яратса бошлагандан кейин табиатдаги уйғунлик бузила бошланди. Инсон томонидан табиатни ўзлаштириш, табиат учун хос бўлган қонуниятларнинг бузилиши одамларни соғлиғигагина эмас, балки уларнинг Ер юзида яшашига хавф туғдира бошлади.

Ҳозирги даврда жамиятдаги ишлаб чиқариш кучларининг тез суръатлар билан ўсиши, табиатдан пала-партиш фойдаланиш ва ўзлаштириш натижасида экологик мувозанат бузилиб, экологик танглиқ юзага келди.

Экологик мувозанатнинг бузилиши атмосфера, ер ости сувлари, денгиз ва океанларнинг ифлосланиши, қаттиқ чиқиндилар, озуқа маҳсулотларидаги заҳарловчи моддалар, шовқиннинг келиб чиқиши, радиоактив моддаларнинг кучли таъсири ва бошқаларда ифодаланади. Инсон табиат ва унинг қонунларини яхшироқ ўрганиб фойдаланиш ўрнига ҳаёт мухитини жадаллик билан буза бошлади ва ифлослантириди.

Экологик тангликлар ўз навбатида авж олиб, сайёрамизнинг баъзи минтақаларида экологик ҳалокатларни келтириб чиқаради. Экологик тангликнинг тинмай кучайиб бориши экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Экологик муаммолар ўз вақтида ҳал қилинмаса, муайян ҳудудга экологик ҳалокат хавфини олиб келади.

Экологик танглик деганда табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳолати тушунилиб, бунда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатларининг номуво-фиқлиги келиб чиқади, яъни биосферанинг ашёвий-экологик имкониятлари ўзгаради.

Экологик ҳалокат табиатдаги ёки инсоннинг табиий жараёнларга кўрсатган фаоллиги натижасида маълум минтақада жуда ноқулай иқтисодий оқибатларни келтириб чиқарувчи ва аҳолининг ялпи нобуд бўлишига олиб келувчи ҳодиса ҳисобланади.

Экологик муаммо деганда инсоннинг табиатга таъсири билан боғлиқ ҳолда табиатнинг ҳам инсониятга акс таъсири тушунилади.

Экологик муаммоларни уч гурухга ажратиш мумкин: 1) умумбашарий; 2) миңтақавиј; 3) маҳаллий. Дунё миңесидаги табиий ва антропоген ҳодисалар **умумбашарий муаммолар** деб қаралади. Ана шундай экологик муаммоларга мисол келтирамиз.

«Атмосферанинг димишиши» ҳодисаси. Кейинги йилларда атмосфера ҳавоси таркибида CO₂ миқдори ортиб бораётганлиги маълум бўлиб қолди. Натижада Ер юзасининг ҳарорати кейинги 100 йил ичидаги 0,5 — 1,0° ортди. Иқлиминг кенг кўламда ўзгаришига атмосферанинг саноат чиқиндилари ва автотранспортлардан чиқаётган газларнинг ортиши сабаб бўлмоқда. Вазият шу зайдада давом этадиган бўлса, XXI асрда Ер юзасининг ҳарорати 1,5 — 4,5° ортиши мумкин.

Озон қатламишининг сийракланиши. Атмосферанинг озон қатлами Ер юзидағи тирик организмларни кучли ультрабинафша нурлардан ҳимоя қиласи. Ультрабинафша нурларни меъеридан ортиқ қабул қилиш тирик организмларга салбий таъсир этади. Ҳозирги даврда фреонлардан кенг фойдаланиш ҳамда азотли ўйтлар, авиация газлари, атом бомбаларини портлатишлар атмосферада етарли миқдорда озон қатлами тўпланишига имкон бермаяпти.

Чучук сув муаммоси. Сувнинг қуруқлик ва биосферадаги аҳамияти ниҳоятда катта. Гидросферада чучук сув жуда оз (2 — 2,5%). Жамиятнинг ривожланиши билан аҳолининг чучук сувга бўлган талаби ортиб бормоқда. Асримизнинг охирига келиб сувдан фойдаланиш 1,5 — 2 марта ортса, чучук сув танқислиги вужудга келади.

Пестицидлардан фойдаланиши муаммоси. Ушбу заҳарли кимёвий моддалар гуруҳи бегона ўтлар, зааркунанда ҳашаротлар ва бошқа ҳайвонлар, ўсимликларда касалликларни келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши курашда фойдаланилади. Пестицидлар тирик табиатга, шу жумладан, одамга жиддий зарар кўрсатади, шунингдек, атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келади.

Ўсимлик ва ҳайвон турлари сонининг қисқариши муаммоси. Ўсимликлар дунёсининг, айниқса Ер юзасида ҳаётни таъминлашда ўрмонларнинг аҳамияти катта. Ҳозирги вақтда дунёдаги ўрмонлар майдони қисқариб бормоқда. Ҳар йили ўртача 3 млрд. м³ ҳажмда ўрмонлар қирқилмоқда.

Аҳоли сонининг ортиши. Аҳолининг сони бугунги кунда дунё бўйича 6 млрд.дан ортиб кетди. Олимларнинг маълумотларига кўра 2025 йилга бориб дунё аҳолиси сони 12 млрд.га этиши, 2050 йилда эса 25 млрд.дан ортиб кетиши мумкин. Ҳўжалик фаолиятининг кенгайиши туфайли табиатнинг инсон қўли тегмаган жойи қолмаяпти. Ҳайвонларнинг асосий кўпайиш худудлари, миграция йўллари, дам олиш жойлари, туёқли ҳайвонлар озиқланувчи яловлар ҳайдаб юборилган, айниқса тропик нам ўрмонларда ҳайвонларнинг қирилиб кетиши кузатилмоқда.



Ҷўлланиш жараёни. Умумбашарий экологик муаммоларнинг яна бири чўллар майдонининг кенгайиб боришидир. ЮНЕП маълумотларига қараганда ҳозирда қурғоқчил ва ёғини кам минтақа-

ларнинг 95% майдони чўлга айланиш арафасида турибди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тезкорлик билан амалга оширилиши ўсимлик ва тупроқ қопламларининг табиий имкониятларидан бир неча баробар ортиқроқ фойдаланишга олиб келди. Бунинг оқибатида уларнинг ҳосилдорлиги камайиб бормоқда. Деҳқончилик қилинаётган унумдор ерларнинг шўрланиши туфайли ҳам ҳосилдорлик камайиб, уларнинг тошлоқ ва қумлок тупроқлардан фарқи қолмаяпти. Яйловларда тўхтовсиз мол боқиш, бута ва дараҳтлардан ёқилғи сифатида фойдаланиш учун уларнинг аёвсиз кесилиши қумли чўлларнинг кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Сугориладиган ерларнинг ҳар йили 6 млн. гектар майдони чўлланишга юз тутмоқда. Инсон таъсирида чўлланиш Осиё, Африка ва Австралияда кучли даражада содир бўлмоқда. Чўлланиш хусусан Ўзбекистон ҳудудида ҳам содир бўлмоқда. Мамлакатимизнинг 70% дан ортиқ ҳудуди чўл ва ҷалачўл минтақаларида жойлашганлиги сабабли, сугориладиган ерларнинг шўрланиши, шамол ва сув эрозияси, яйловларда ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши каби ҳодисалар кейинги йилларда катта майдонларда рўй бермоқда.


Минтақавий экологик муаммолар. Ўрта Осиёдаги экологик муаммолардан энг муҳими Орол ва Оролбўйи экологик муаммосидир. Орол денгизи яқин вақтларгача энг йирик сув ҳавзаларидан бири ҳисобланган. Сугориладиган деҳқончиликнинг ривожланиши натижасида, шунингдек қурғоқчилик йиллари Амударё ва Сирдарё сувларининг Оролга қўйилиши 1970 йилга келиб $37,8 \text{ км}^3$, 1980 йилда эса $11,1 \text{ км}^3$ гача камайиб кетди. 80-йилларнинг бошларида ушбу дарёларнинг денгизга қўйилиши бутунлай тўхтаб қолди. Сувнинг шўрланиш даражаси $9 - 10 \text{ г/л}$ дан $34 - 37 \text{ г/л}$ гача ортди. Ҳозирги кунгача денгиз сатҳининг йиллик ўртacha пасайиши $80 - 110 \text{ см}$. Орол денгизининг қуриган туби йирик чанг-тўзон майдонига айланди. Аҳоли ичадиган сув пестицидлар билан ифлосланган. Кейинги 10 йил ичida аҳоли ўлими 2 марта ортган. Аёлларнинг 80% дан ортиғи камқонлик касаллигига дучор бўлган. Болаларнинг 90% да сийдик таркибидаги тузлар миқдори кўпайиб кетган. Ушбу ҳудудда юқумли касалликлар тез-тез такрорланиб туради.

Орол денгизини сақлаб қолиш мумкинми? Орол сатҳини маълум бир мутлақ баландликда сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли ушбу ҳавзанинг ўзида сув резервларини сақлаб қолишидир. Агар Орол денгизи сатҳи 33 м мутлақ баландликка қадар пасайса, у 2 қисмга бўлинниб, ўзининг денгиз сифатидаги географик номини йўқотади. Шунинг учун денгиз сатҳини ҳеч бўлмаганда $33,5 \text{ м}$ баландликда сақлаб қолиш керак. Бунинг учун Оролга ҳар йили 20 км^3 сув қўйилиб туриши керак. Ҳўш, ана шунча миқдордаги сувни қаердан топиш мумкин? Маълумки, 90% сув сугориш учун сарф бўлади, бу жаҳаёндаги фойдали иш коэффициенти 0,63 га тенг. Агар ушбу кўрсаткични $0,80 \text{ га}$ етказилса, анча сув жамғарилади. Демак, асосий зътиборни сув исрофини иложи борича камайтиришга қаратиш керак. Дастребаки маълумотларга кўра, агар сугориладиган ерлардаги



1-расм. Орол денгизининг қуриши натижасида денгиз тубининг ўзариши.

1 — барханли марза құмлар; 2 — марзали дүңг құмлар; 3 — тақиrlар; 4 — жар эрозияси; 5 — шұрхокларни дефляцияяға бериліши; 6 — тұз түплаши; 7 — әол рельефнинг ташкил топиши; 8 — минераллашув даражаси нисбатан камроқ бўлган қолдиқ кўл; 9 — кўл ботқоқли мажмуди; 10 — 1961 йилга қадар мавжуд бўлган туб оролларнинг шамол тасирига бериліши; 11 — жуда күчли минераллашган қолдиқ кўл.



2-расм. Орол деңгизининг мәйлум қисмларини сақлаб қолиш ва қуриган тубида шамол таъсирининг олдими олиш тадбирлари.

1 — деңгизни сақлаб қолиб, бошқариладиган қисмлари; 2 — деңгизнинг марказида вужудга келадиган бошқарилмайдиган шур қисми; 3 — сувни түсіб туралынан дамбалар; 4 — ташлама иншоотлар; 5 — сувнинг йұналиши; 6 — қорасаксовул ва бошқа турдаги ксерофит ҳамда пісаммофитлардан иборат иҳтазорлар; 7 — қорабароқ, юлғун, қорасаксовул ва бошқа турдаги галофит ҳамда ксерофитлардан иборат иҳтазорлар.

барча каналларни янги лойиҳа асосида қайта қурилса, камида 10 км куб сувни тежаб қолиш мүмкін. Шундай қилиб, Орол мұаммосининг ижобий ҳал қилиниши туб мөхияти билан сув ресурсларидан оқылона фойдаланишни амалға оширишга болғылған. Оролни сақлаш, ахолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини нормал санитария шароитини таъмилаш-урун, Марказий Осиё республикалари билан

биргалиқда қисқа вақт ичіда, йилига 20 — 21 км³ сув Оролға құйиладын миқдорда ягона сув хұжалик сиёсатини ишлаб чиқиши, бунда Оролбүйидеги барча табиий күлларни сақлаб қолиш әထи-
борга олиниши лозим.

Минтақавий экологик муаммолар қаторига адир, тоғ зоналарини хұжалик нұқтаи назардан үзлаشتариш ҳам киради. Ушбу муаммолар тоғ-энергетик, гидротехник, тоғ-кон саноати ва бошқаларнинг қу-
рилиши билан боғлиқ. Шунингдек, Ўзбекистон билан Тожикистан
чегарасидаги Ҳисор водийсіда ҳам жиiddий экологик муаммолар мавжуд. Тожикистондаги алюминий заводининг чиқиндилари Сурхондарё вилоятининг бир неча қишлоқ хұжалиги билан шугул-
ланадын тұманларига катта зарар келтирмоқда.

Маҳаллий экологик муаммолар. Халқ хұжалигининг барча тар-
моқларыда «чиқинди» деб ном олған құшимча маҳсулот ҳосил бў-
лади. Улар, кўпинча, ўз жойида кўп миқдорда чиқарилмоқда ва
табиатни булғаб, ривожланишга халақит бермоқда. Атмосфера ҳа-
воси тутун, ҳар хил заҳарли газлар, саноатда атмосферага чиқади-
ган заррачалар билан ифлосланади. Ҳусусан, Олмалиқ, Ангрен,
Фарғона, Қарши, Навоий, Жиззах, Тошкент, Чирчик, Бекобод,
Самарқанд шаҳарлари бир неча юз ва ўн минг тонналаб чиқинди
чиқаради. Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари олтингугурт оксиди, Тош-
кент шаҳри углерод оксиди, Фарғона углеводородлар, учувчан ор-
ганик бирикмалар билан ифлосланади.

Автомобиль транспорти атмосфера ҳавосини ҳаммадан кўпроқ
ифлослайди, чунки автомобиль ҳаракати одамлар кўп тўплланган
шаҳар, қишлоқ, катта йўлларда кўп бўлади. Тошкент каби йирик
шаҳарларда ҳавонинг ифлосланишида энг фаол омил автомобиль
транспорти ҳисобланади. Шаҳар ҳавосини ифлослантирувчи чиқин-
диларнинг 80% дан ортиғи автомобиль транспортидан чиқади.
Тошкент шаҳри ҳавосининг автомобиль тарнспорти чиқиндилари
билан ифлосланиши маҳаллий экологик муаммо ҳисобланади.
Бундан ташқари, тупроқ ва сув ифлосланишида маълум иф-
лослантирувчи манбалар бўлиб, улар саноат ва қишлоқ хұжали-
гидаги ҳамда майший турмуш соҳасида кўлланиладын мураккаб
кимёвий элементларнинг бирикмалари, саноат ва қурилишдан
чиқкан қаттиқ ва суюқ чиқитлар ҳисобланаб, улар ҳам маҳаллий
экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Шунингдек, ҳар би-
римизнинг ҳовлимиз, уй-жойимиз, маҳалла ва танамизнинг сани-
тария ҳолати ҳам баъзи маҳаллий экологик муаммоларга сабабчи
бўлиши мумкин.

- [!]** Экологик танглик, экологик ҳалокат, экологик муаммолар: умумбаша-
рий, минтақавий, маҳаллий экологик муаммолар.
- [?]**
 1. Экологик танглик қандай келиб чиқади?
 2. Экологик ҳалокат сайёрамиздаги қайси ҳудудларда кузатилмоқда?
 3. Экологик муаммолар неча турға ажратилади?
 4. Орол ва Оролбүй экологик муаммоси қайси турдаги экологик муам-
мога киритилиши керак?

5. Сиз яшаб турган жойда қандай маҳаллий экологик муаммолар мавжуд?
- ★ 1. Оролнинг қуриши натижасида денгиз туби табиий шароитларининг ўзгаришини таҳдил қилинг.
2. Орол денгизининг маълум қисмларини сақлаб қолиш ва қуриган тубида шамол таъсирининг олдини олиш тадбирлари билан танишиб чиқинг.

НАЗОРАТ УЧУН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Экология қандай фанлар қаторига киради.
 - А. Биологик фанлар қаторига киради.
 - Б. Ихтимоий фанлар қаторига киради.
 - В. Тирик организмлар тизими ва уларнинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқасини ўрганади.
 - Г. Табиат, жамият, техникани ўз ичига олган фан.
 - Д. Табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган фан.
2. Экологик муаммоларнинг турлари:
 - А. Маҳаллий. Б. Минтақавий. В. Умумбашарий. Г. Глобал. Д. Барча жавоблар тўғри.
3. Экологияда энг кенг тарқалган услуга:
 - А. Тасвирлаш. Б. Таққослаш. В. Тажриба. Г. Моделлаштириш. Д. Кузатиш.
4. Узбекистондаги қайси экологик муаммони умумбашарий деб қараш мумкин?
 - А. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши.
 - Б. Сув захираларидан нооқилона фойдаланиш.
 - В. Сугориладиган ерлар.
 - Г. Орол ва Оролбўйи.
 - Д. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш.
5. Экология фанига ҳисса қўшган Ўрта осиёлик олимлар:
 - А. Ал-Хоразмий, Жайхоний.
 - Б. Беруний, Бобур, Ибн Сино.
 - В. Самарқандий, Форобий.
 - Г. Султон Балхий, Маҳмуд ибн Вали.
 - Д. Фарғоний, Мотурудий.
6. И.А.Каримовнинг экологик муаммоларга бағишлиланган асари:
 - А. Ўзбекистон буюк келажак сари.
 - Б. Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.
 - В. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли.
 - Г. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли.
 - Д. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида.
7. Ўзбекистонда экологик аҳволни яхшилаш учун фаол иш олиб бораётган жамғарма:
 - А. «Маҳалла» жамғармаси; Б. «Камолот» жамғармаси. В. «Нуроний» жамғармаси. Г. «Экосан» жамғармаси. Д. «Соғлом авлод» жамғармаси.



Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликлар, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
55-моддаси.*

2-бўлим. ТИРИК ОРГАНИЗМЛАРНИНГ ЯШАШ МУҲИТИ

Ушбу бўлимнинг мазмуни:

- тирик организмлар тарқалган сув, ҳаво, тупроқ ва тирик организмлар яшаш муҳити сифатида ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- тирик организмларнинг ташқи муҳитга мослашиши;
- экологияда муҳит тушунчаси, экологик омиллар ва уларнинг таснифи;
- абиотик, биотик ва антропоген омиллар.

2.1. СУВ, ТУПРОҚ, ҲАВО ВА ТИРИК ОРГАНИЗМ- ЛАРНИНГ ЯШАШ МУҲИТИ

Сайёрамизнинг юзаси, яъни қуруқлик ва сувлар ҳамда уларни ўраб турган ҳаво қатламида тирик организмлар тарқалган бўлиб, уни *биосфера* деб қаралади. Биосферада тирик организмларнинг 2 млн. дан ортиқ турлари тарқалган. Ҳар бир тур ўз навбатида бир неча миллионлаб индивидлардан иборат бўлиб, фазода маълум тартибда жой эгаллади. Ҳар бир тур атроф-муҳит билан ўзаро алоқада бўлади. Тирик организмларнинг фаолияти бизни ўраб турган ажойиб ва хилма-хил табиатни ташкил этади. У ерда ҳаётни сақлаб туришга кафолат беради. Биосферанинг чегарасида тўртта асосий муҳитни ажратиш мумкин: 1. Сув. 2. Ер юзаси-ҳаво. 3. Тупроқ. 4. Тирик организмлар ҳосил қилган муҳит.

1. Сув муҳити. Сув кўпчилик организмларнинг яшаш муҳити ҳисобланади. Сувда яшайдиган тирик организмлар ундан ҳаёт учун зарур бўлган (озуқа, сув, газлар) моддаларни ўзлаштиради. Сув муҳитида тарқалган организмлар сувнинг физик-кимёвий хусусиятларига мослашган. Мослашиш хусусиятларини уларнинг ҳаракатланиши, нафас олиши, озиқланиши ва қўпайишларида кўриш мумкин.

2. Ер юзаси-ҳаво муҳити. Эволюция жараёнida сув муҳитидан кейин тирик организмлар анча мураккаб ва хилма-хил бўлган ер юзаси-ҳаво муҳитини эгаллаган, шунингдек тирик организмлар ушбу муҳитда такомиллашиб борган. Ҳаво муҳитидаги тирик организмлар ҳаётига таъсир этувчи омил ҳаво массасининг таркиби ва хоссасидир. Ҳавонинг зичлиги сувга нисбатан анча паст, шунинг

учун ҳам қуруқликдаги тирик организмларда ички ва ташқи скелет, яни таянч түқималар кучли ривожланган. Қуруқликда яшовчи ҳайвонларнинг ҳаракати ҳам жуда хилма-хил, масалан: югуриш, сакраш, судралиш ва учиш. Ҳаво оқими микроорганизмлар, ўсимликларнинг уруг ва спораларини тарқатади.

3. Тупроқ. Тирик организмларнинг фаолияти натижасида қуруқлик юзасининг юқори қатламида минерал моддалар ҳосил бўлади. Тупроқ биосферанинг бошқа таркибий қисмлари билан чамбарчас боғланган ва унинг муҳим мураккаб таркибий қисми ҳисобланади. Тупроқдаги ҳаёт ниҳоятда хилма-хил, баъзи организмларнинг ҳаёти бутунлай тупроқда ўтказади. Иккинчи бир организмлар эса ҳаётининг бир қисмини тупроқда ўтказади. Тупроқ заррачалари орасида жуда кўп бўшлиқлар бўлиб, улар сув ёки ҳаво билан тўлиши мумкин. Шунинг учун тупроқда сувда яшовчи ва қуруқликда нафас олиб яшовчи организмлар учрайди. Тупроқ, айниқса, ўсимликлар ҳаётида катта аҳамиятта эга.

4. Тирик организмлар танаси мухит сифатида. Кўпчилик организмлар бошқа турдаги организмлар учун мухит ҳисобланади. Шубҳасиз, бошқа тирик организмдаги ҳаёт очиқ мухитдагига нисбатан анча барқарорлиги билан тавсифланади. Шунинг учун ҳам бирор ўсимлик ва ҳайвонларнинг танасида яшаётган организм, кўпинча, эркин яшовчи турлар учун зарур бўлган органлар ва органлар тизимини бутунлай йўқотади. Буларнинг ўрнига хўжайнин организмидаги яшаш ва бемалол кўпайиш учун мослашишлар вужудга келади.

- 1. Тирик организмлар қандай мухитларда тарқалган?
 - 2. Сув мухити қандай хусусиятларга эга?
 - 3. Ҳаво мухити қандай хусусиятларга эга?
 - 4. Тупроқ мухити қандай хусусиятларга эга?
 - 5. Тирик организм танасида яшаётган бошқа тур қандай мослашишларга эга буди?
 - 6. Хўжайнин организмни бошқа тур учун қандай экологик қулийликларга эга?
- Сув, ҳаво ва тупроқ мухитларида тирик организмларга қандай омиллар таъсир этади?

Кўйидаги жадвалга энг муҳим омилларни ёзиб чиқинг.

1-жадвал


Яшаш мухити	Асосий омиллар
Сув	
Ҳаво	
Тупроқ	

2.2. ТИРИК ОРГАНИЗМЛАРНИНГ ТАШҚИ МУХИТГА МОСЛАШИШИ

Тирик организмлар муайян муҳитда яшар экан, ушбу муҳитда уларда махсус мослашишлар вужудга келади. Тирик организмларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг ўзгарувчан ташқи муҳит шароитига мослашиш имконини берувчи толерантлиги ҳисобланади. *Толерантлик* (толеранция — юонча сўз бўлиб, чидамлилик) деганда яшаш шароитининг ўзгаришига организмнинг чидамлилиги тушунилади.

Маълумки, биологик жараёнлар ҳар хил шароитларда турлича тезликларда боради. Масалан, муҳит ҳарорати ҳаракатланиш ва фотосинтез каби ҳаётий жараёнларнинг бориш тезлигига таъсир этади. Кўпчилик ўсимликларнинг ўсиш тезлиги сув, карбонат ангидрид, азот ёки водород ионлари каби турли моддаларнинг миқдорига боғлиқ. Ташқи муҳитнинг бирор омилига боғлиқ равиша у ёки бу жараённинг тезлигини ифодаловчи эгри чизиқ ҳар доим қабариқ шаклда бўлади. З-расмда сувнинг ҳароратига боғлиқ ҳолда хон балиқ ҳаракати ўзгаришининг эгри чизиги келтирилган. Ана шундай эгри чизиқлар *толерантлик* эгри чизиги дейилади. Эгри чизиқнинг чўққиси маълум жараённинг бориши учун кулагай шароит эканлигини билдиради. Баъзи бир турлар ва индивидлар учун эгри чизиқ ўткир чўққига эга бўлади. Ушбу ҳолат шундан далолат беради, бораётган жараён тезлигининг максимумга эришиши жуда қисқадир. Синиқ эгри чизиқлар кенг кўламли толерантлиликни билдиради. Кенг доирадаги толерантликка эга бўлган организмлар эври олд қўшимчаси қўйиб номланади. *Эврибионт* — ҳар хил муҳит шароитларида яшашга мослашган организм ҳисобланади. Масалан, ҳароратга нисбатан эвритеrm, намлика нисбатан эвригидриd, шўрланишга нисбатан эвригал ва ҳоказо. Бирор омилнинг тор доирада ўзгаришига мослашган турга *стено* олд қўшимчасини қўшиб номланади. *Стенобионт* — муайян ташқи муҳит шароитини талаб этадиган организм. Масалан, *стенотерм*, *стеногидриd*, *стеногол* ва *стенофаглар* ҳарорат, намлик, шўрланиш ва маълум бир озуқа таркиби билан озиқланишга мослашган.

Балиқлар орасида хон балиқ стенотерм, окун эса эвритеrm организм ҳисобланади. Агар дарё бўйидаги дарахтлар йўқолиб кетиб, сувнинг ҳарорати бир неча даражага кўтарилиб кетса, хон балиқ нобуд бўлади, окун эса яшайверади. Кенг доирада мослашиш чегарасига эга бўлган организмлар Ер юзасида кенг тарқалиш имконига ҳам эга. Аммо бирор омилга нисбатан кенг доирада мослашиш бошқа омилларга ҳам мослашишни ифодаламайди. Ўсимлик ҳароратга нисбатан эвритеrm бўлиши мумкин, аммо намлика




3-расм. Хон балиқнинг ҳаракатланиш жадаллигининг ҳароратта боғлиқ равнишда ўзгариши.

нисбатан стеногидрид ҳисобланади. Шунингдек, бирор ҳайвон хон балиққа ўхша什 стенотерм ва ҳар хил озуқалар билан озиқланувчи эврифаг бўлиши мумкин.

Организм ҳаёт давомида бошқа шароитга тушиб қолса, толерантлик ўзгариши мумкин. Fўза ўсимлигининг вегетация даврида $14 - 16^{\circ}\text{C}$ дан 38°C гача оралиқдаги ҳарорат унинг ўсиши учун қуладайдир. Лекин ёз ойларида ҳарорат 38°C дан ошиб кетиши мумкин. Бунда ўсимликнинг ахволи қандай бўлади? Fўза ўсимлигини ёзниңг жазирама иссиқ қунлари кузатилганда ҳужайранинг иссиқликка чидамлилиги кўрсаткичи $0,8 - 1,0^{\circ}\text{C}$ гача ортади (4-расм). Fўза ўсимлиги мисолида биз ҳарорат кўтарилиб кетган шароитда ҳам у нобуд бўлмай, нисбатан юқори ҳароратга бардош беришининг гувоҳи бўлдик. Организм янги шароитга маълум бир вақтдан сўнг мослашади. Мослашишнинг сабаби физиологик оптимумнинг ёки толерантлик эгри чизигининг ўзгариши ҳисобланади. Ана шундай силжишлар организмнинг мослашишига олиб келади.

Мослашиш (адаптация) деганда организмнинг тузилиши, функциялари ва хулқ-атвори хусусиятларининг унинг ҳаёт тарзига мувофиқлиги тушунилади. Мослашишнинг *морфологик, физиологик* ва *хулқий* кўринишлари мавжуд.



4-расм. Фўза ўсимлиги ҳужайраларининг иссиқликка чидамлилигининг мавсумий ўзгариши:

1 — кундузги соатлардаги ҳужайранинг иссиқликка чидамлилиги ($^{\circ}\text{C}$);
2 — ҳаво ҳарорати ($^{\circ}\text{C}$); 3 — барг япрогининг ҳарорати ($^{\circ}\text{C}$)

Морфологик мослашишларга мисол қилиб сув муҳитида яшовчи организмларнинг сувнинг қаршилигини енгиб юришга мос тана тузилиши, шунингдек сувда осилган ҳолда яшаш кабилар ҳисобланса, ўсимликлар дунёсида чўл шароитида сувни оз сарфлашга мослашиб сифатида барглар ўлчамининг кичрайиши ёки бутунлай бўлмаслиги кабиларни кўрсатиш мумкин (5-расм).

Физиологик мослашишларга ҳайвонларда озуқа таркибига кўра овқат ҳазм қилиш тизимида ферментларнинг маълум турларининг учраши ёки чўлда яшовчи ҳайвонларнинг сувга бўлган талабини қондириш учун ёғларнинг парчаланишидан фойдаланиш кабилар киради.

Хулқий мослашишлар ҳайвонлар учун хос бўлиб, у турли шаклларда намоён бўлади. Масалан, ташқи муҳит билан ҳайвон танаси ўртасида нормал иссиқлик алмашинуви учун уя қуриш, қулай ҳароратли жойни излаб топиш, шунингдек қушлар ва сут эми-



**5-расм. Балиқлар ва бошқа сув мұхитида яшөвчи ҳайвоныларнинг
морфологик мослашиши.**



6-расм. Ҳайвонлардаги хулқий мослашиш.

зувчиларда сутка давомида ва мавсумий кўчиб юришлар маълум. Йиртқич ҳайвонларнинг ўлжа кетидан юриши ҳамда ўлжанинг жавоб реакциялари ҳам хулқий мослашишлар ҳисобланади (6-расм).

Кенг ареалга (турнинг географик тарқалиш зонаси) эга бўлган турлар маълум жойнинг шароитларига жуда яхши мослашган бўлади. Ушбу ҳолат организмларнинг маҳаллий формалар ёки экотиплар ҳосил қилиш хусусиятлари билан боғлиқ. Экотиплар ҳарорат, ёруғлик ва бошқа омилларга турлича чидамлилик чегаралари билан тавсифланади. Организмда борадиган биологик жараёнларнинг жадаллилиги ташқи муҳитнинг икки ёки бир неча омилларига боғлиқ бўлиши мумкин. Бунда организм учун энг кам талаб этиладиган омил ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ушбу қоида немис кимёгари Ю.Либих (1803 — 1873) томонидан аниқланиб, *минимум* қонуни деб ном олган. Олимнинг аниқлашича, асосий озуқа элементларидан бирортасининг ўсимликка етишмаслиги унинг ҳосилдорлигини пасайтириши мумкин.

Организмнинг нормал ҳаёти учун маълум шароит талаб этилади.

Агарда барча шарт-шароитлар қулай бўлиб, улардан бири етарли миқдорда бўлмаса, уни чекловчи омил деб аталади. Чекловчи омил организмнинг ушбу шароитда яшashi ёки яшай олмаслигини белгилаб беради. Масалан, чўл шароитида ҳар қандай организм яшайвермайди. Намликнинг етишмаслиги ва юқори ҳарорат чўлда кўпчилик организмларнинг яшашини чеклади, аксинча, шимолда эса паст ҳарорат чекловчи омил ҳисобланади. Гулли ўсимликларни бошқа жойга иқлимлаштиришда уларни чанглатувчи ҳашаротлар чекловчи омил бўлиши мумкин. Айрим турлар учун чекловчи омилларни аниқлаш амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

- [!]** Толерантлик, эврибионт, стенобионт, эвритерм, стенотерм, эвригидрид, стеногидрид, эвригал, стеногал, эврифаг, стенофаг, мослашиш, адаптация, морфологик мослашиш, физиологик мослашиш, хулқий мослашиш, экотиплар, минимум қонуни, чекловчи омил.
- [?]**
 1. Организмнинг толерантлиги деганда нимани тушунилади?
 2. Эври ва стенобионт организмлар бир-бирларидан нима билан фарқланади?
 3. Организмларнинг мослашиши қандай вужудга келади?
 4. Тирик организмларнинг морфологик мослашишларига мисоллар келтиринг.
 5. Тирик организмларнинг физиологик мослашишларига мисоллар келтиринг.
 6. Ҳайвонларнинг хулқий мослашишларига мисоллар келтиринг.
 7. Биотик омилларнинг чекловчи омил эканлигига мисоллар келтиринг.
- [*]** Эврибионт ва стенобионт экологик хусусиятларга эга бўлган ўсимлик ва ҳайвонларнинг номларини қўйидаги жадвалга ёзинг.

2-жадвал

Эврибионтлар	Стенобионтлар

2.3. МУҲИТ ВА ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР

Экологияда *муҳит* деб тирик организмни ўраб олган табиий курсов ёки теварак атрофдаги ўзаро боғланишлардаги шарт-шароитлар ва таъсирлар йигиндиси тушунилади. Ҳар қандай муҳит физик, кимёвий ва бошқа омиллар билан тавсифланади. Тирик организмларнинг ҳаётига ва географик тарқалишига таъсир этувчи (ижобий ёки салбий) шарт-шароитлар *экологик омил* деб аталади. Экологик омиллар жуда хилма-хил, улар табиати ва тирик организмларга таъсир этишига кўра шартли равишда 3 та асосий гуруҳларга ажратилади: 1) *абиотик омиллар*; 2) *биотик омиллар*; 3) *антропоген омиллар*.

Абиотик омиллар — жонсиз табиатнинг омиллари ҳисобланаб, биринчи навбатда, иқлим омиллари, яъни ёруғлик, ҳарорат, намлик ва маҳаллий омиллар киради. *Маҳаллий омилларга* рельеф, тупроқ хусусиятлари, шўрланиш, оқим, шамол, радиация (нурланиш) ва бошқалар киради. Юқоридаги экологик омиллар организмларга тўғридан-тўғри (ёруғлик, ҳарорат) ёки билвосита (рельеф) таъсир этади. Абиотик омиллардан ҳарорат ва намлик ҳамда ёруғлик (яшил ўсимликлар учун) ҳаёт учун зарур бўлган омиллар ҳисобланади.

Ҳарорат ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Организмда борадиган физик-кимёвий жараёнлар маълум ҳароратлар оралиғида кечади. Шунинг учун ҳам кўпчилик организмлар 0°C – 50°C ҳарорат оралиғида ҳаёт кечира олади. Ҳужайра цитоплазмаси таркибидаги сув 0°C дан паст ҳароратда музга айланади. Юқори ҳарорат эса ҳужайрадаги коллоид эритмаларнинг таркибига кирган оқсилини ивитади. 20 – 30°C ҳарорат кўпчилик турлар учун кулай ҳисобланади.

Моддалар алмашинувининг жадаллигига қараб организмларни 3 хил турга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга тана ҳарорати доимий бўлмаган *пойкилотермлар* ёки совуқ қонли организмлар киради. Мазкур гуруҳга ўсимликлар, барча умуртқасиз ва тубан умуртқали ҳайвонлар киради. Иккинчи гуруҳга эса, аксинча, танаси, доимий ҳароратга эга бўлган *гомойотермлар* ёки иссиқ қонли ҳайвонлар (кўпчилик қушлар, сут эмизувчилар) киради. Оралиқ гуруҳга *гетеротерм* ҳайвонлар кириб, улар ҳароратининг сутка давомида ёки ҳаётининг маълум даврида ўзгариб туриши билан тавсифланади. Уларга юмронқозиқлар, типратиканлар, кўршапалаклар, колибра қушлари, олмахон ва бошқалар киради.

Пойкилотерм ва гомойотерм организмлар ўзига хос мослашишларга эга. Пойкилотерм организм учун озуқа моддалар энергетик материал сифатида эмас, балки қурилиш материали сифатида сарфланади. Шунинг учун ҳам кам озуқа талаб қиласди. Лекин Ер

шарининг кўпчилик қисмидა ҳарорат ноқулай бўлгани учун пойкилотерм организмлар тана ҳароратини идора эта олмайди. Гомоийотерм ҳайвонларнинг тана ҳарорати доимий бўлиши уларнинг бутун Ер шарига тарқалишига имконият беради. Бундан ташқари, ноқулай ҳарорат шароитларида ҳам учраши мумкин. Тана ҳароратини доимий ушлаб туриш учун гомоийотермларга нисбатан кўп озуқа керак бўлади.¹ Одатда, озуқа ҳар доим старли бўлавермайди. Шунинг учун уларда озуқани топиш учун турли мослашишлар вужудга келган. Паст ва юқори ҳароратлар пойкилотерм ва гомоийотерм организмлар ҳаёти учун ноқулай ҳисобланади. Шунинг учун ҳар икки гурухда ҳам ноқулай ҳарорат таъсирини енгиш учун бир қатор мослашишлар келиб чиқсан.

Кўпчилик пойкилотерм организмлар қишида тиним ҳолатига ўтади, ёзда (жазира мақалари) бир оз ҳарорат қулай бўлган жойларни топади. Ўсимликларнинг паст ҳароратда яшашига шакар моддаларнинг тўпланиши ва бошқалар ёрдам беради. Бунда ҳужайранинг сув билан тўйиниши пасаяди ва ҳужайра шираваси концентрацияси ортади. Қишида ҳашаротларнинг танасида глицерин, ёғ каби антифризлар тўпланади.

Гомоийотерм ҳайвонларда ноқулай ҳароратга мослашишнинг асосий йўли тана ҳароратини кимёвий ва физик йўллар билан идора этиш ҳисобланади. Тана ҳароратини кимёвий идора этиш моддалар алмашинуви жадаллигининг ўзгаришига асосланган. Совуқда гомоийотерм организмлар оксидланиш жараёнларини кучайтириш ҳисобига иссиқлик миқдорини оширади. Шимол тулкиларida — 36 °C ҳароратда ҳам уларнинг тана ҳарорати 41 °C да ушлаб турилади. Қизиб кетган ҳолатларда ортиқча иссиқликни организм атрофга тарқатиши керак. Сут эмизувларда ушбу жараён асосан терлаш орқали амалга оширилади. Терлаш вақтида 1 г сувни йўқотиш учун 530 калория энергия сарфланади. Кушларда эса тери безлари бўлмагани учун нафас олишини пасайтириш мұхим аҳамиятга эга.

Тана ҳароратини физик идора этиш иссиқликни ишлаб чиқариш эмас, балки тежашга асосланган. Совуқ иқлимда яшовчи ҳайвонлар иссиқни тежаб сарфлашга мослашиши уларнинг қалин жунлар билан қопланиши ҳисобланади. Уларнинг тана ўсимталари (кулок, дум) иссиқ ўлкалардаги яқин турларга нисбатан калта бўлади. Масалан, шимол тулкиси билан жанубда тарқалган фенек тулкисини таққослаш мумкин. Ушбу қонуният *Аллен қоидаси* деб аталади. Иссиқлик алмашинуви тананинг юзаси орқали амалга ошади. Шунинг учун тана қанча кичик бўлса, иссиқлик шунча тежаб сарфланади. Ушбу нисбат йирик ҳайвонларда кам, майда ҳайвонларда эса кўп. Шундай қилиб, иссиқ ўлкалардаги яқин турларга нисбатан совуқ ўлкалардаги ҳайвонлар йирик бўлади. Ушбу ҳолатни

тасдиқловчи кўп мисоллар келтириш мумкин. Аммо бу ҳолатни ҳар доим ҳам тасдиқлаб бўлмайди.

Кўпчилик гомойотерм ва пойкилотерм ҳайвонлар ноқулай ҳароратдан ўзининг хулқий ҳаракатлари билан сақланади. Хулқий мослашиш сут эмизувчилар ва қушларнинг миграцияси, уялар ва жойларни ўзгартириши, иссиқ кунларда фаоллигини пасайтириш ва бошқаларда кўринади.

- 1. Мұхит, экологик омил, абиотик омил, биотик омил, антропоген омил, пойкилотерм, гомойотерм, гетеротерм.
- 2. Экологияда мұхит тушунчаси?
- 3. Экологик омиллар неча турға бўлинади?
- 4. Моддалар алмашинуви жадаллигига қараб организмлар қандай гурӯҳларга бўлинади?
- 5. Пойкилотерм ва гомойотерм организмларнинг афзаллиги ва камчиликлари нимадан иборат?
- 6. 1. Ҳар хил мұхитларда яшовчи организмларга мисоллар келтириңг.
- 2. Аллен қоидасининг экологик моҳиятини тушунтириб беринг.

2.4. ЁРУГЛИК

Ўсимликларда кечадиган фотосинтез жараёни қўёш нури иштирокида боради. Одам 380 — 750 нм гача бўлган тўлқин узунликдаги кўзга кўринадиган нурларни ажратади. Ўсимликлардаги фотосинтез жараёни 380 дан 710 нм гача тўлқин узунликларида боради ва уни *физиологик фаол радиация* дейилади.

Ҳайвонлар учун ёргулук фазо ва вақтда мўлжал олиш учун зарур. Ёргулук режими ўзгаришига қараб ҳайвонлар ўз ҳаёт жараёнлари ва хулқ-авторини ўзгартиради. Куйидаги жадвалда ёргулук таъсирида ўсимлик ва ҳайвонларда кечадиган энг муҳим ҳаётий жараёнлар келтирилган.

Ўсимликларни ёргулукка бўлган муносабатига кўра 3 гурӯҳга ажратиш мумкин. 1. *Ёргесвар (гелиофит)* ўсимликлар ёргулук етарли бўлган шароитда ўсиб ривожланади. Бундай ўсимликларга дашт, чўл ўсимликлари ўтлоқзорлардаги баъзи турлар, ўрмонлардаги баланд бўйли дараҳтлар киради. 2. *Соясвар (циофитлар)* ўсимликлар кучсиз ёргулук тушадиган жойларда ўсуви ўсимликлардир. Уларга мисол моҳлар, плаунлар, қирққулоқлар ва дараҳтлар орасида ўсуви баъзи бир ўт ўсимликларни кўрсатиш мумкин. 3. Сояга чидамли (гелиофит) ўсимликларнинг кўпчилиги ёргесвар ҳисобланса-да, ёргулук унча етарли бўлмагандა ҳам, ортиқча ёргулукда ҳам нормал ўсиб ривожланадиган турлардир. Уларга кўнгирбош, оқсўхта, қулупной, аргувон, шумрут, қорақарағай ва бошқаларни киритиш мумкин.

1.Фотосинтез	Үсімлік қүёшдан тушаёттан нурнинг тахминан 1—5% ини ўзлаشتіради. Фотосинтез барча тирик организмлар учун озуқа занжирида энергия манбаидир. Хлорофилл тұпланиши учун ҳам ёруғлик зарур.
2.Транспирация (сув буғлатиш)	Күёшдан үсімлікка тушаётган нурнинг 75% ини үсімлікден сувни буғлатишга сарғ бўлади. Бунда сув буғлатиш жараёни тезлашади. Бу ҳол ҳозирги даврда сув муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамиятта эга.
3.Фотодаврийлик	Үсімлік ва ҳайвонларнинг ҳәстини үйғунлаштириш учун муҳим аҳамиятта эга.
4.Ҳаракатланиш	Үсімлікларда кузатиладиган фототропизм ва фотонастиялар үсімлікни етарли ёруғлик билан таъминлашда муҳим аҳамиятта эга. Фототаксис бир ҳужайрали үсімліклар ва ҳайвонларда ўзига хос яшаш жойини танлашда муҳим аҳамиятта эга.
5.Ҳайвонларнинг кўриши	Организмдаги энг муҳим функциялардан бири ҳисобланади.
6. Бошқа жараёнлар	Одамларда Д витаминининг тұпланиши, терининң қорайиши каби ҳимоя мослашишлари. Тик тушаётган қүёш нуридан сақланиш каби хулқий ҳаракатлар.

Ёруғлик ҳайвонларга фазода мүлжал олишда ёрдам беради. Масалан, асаларилар асалышыралар кўп бўлган жойни ахтариб топишида қўёш нуридан фойдаланади. Денгиз ва океан тубларидан яшайдиган ҳайвонлар, қуруқликда яшовчи баъзи бир ҳашаротлар ўз танасидан нур чиқариш хусусиятига эга. Бундай хусусият бошқа тирик организмларда ҳам учрайди. Ҳайвонларнинг нур чиқариши (биолюминесценция) сигнал вазифасини ўтайди. Ушбу сигнал туфайли улар турли ҳәстий жараёнлар (кўпайиш, душмандан ҳимояланиш, душманни чалгитиш, ўлжага ташланиш) ни амалга оширади. Ёруғлик организмларнинг ривожланишига ҳам таъсири кўрсатади. Қўшимча ёруғлик таъсирида сут эмизувчиларда ҳомиладорлик, ҳашаротларда эса жинсий балоғатта етиш тезлашади ва ҳоказолар. Баъзи бир ҳашаротлар кун қисқариши натижасида кўпайиш жараёнини тўхтатади. Кун узайиши билан эса кўпайиш қайта тикланади. Бунинг сабаби ёруғлик давомийлигининг ички секреция безларига таъсири натижасидир.

Ҳайвонлар кундузи, тунда ва гира-ширада фаол ҳаёт кечирувчи турларга ажратилади. Уларнинг фаоллиги йилнинг мавсуми, иқлим шароитлари ва ёруғликнинг ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин. Масалан, чала чўл зоналарида юмронқозиклар жазирама иссиқ кунлари эрталаб ва кечки пайтда фаол бўлиб, кундузги вақтини уяларида ўтказадилар. Худди шунингдек, чўлдаги қушлар ҳам ёзниг жазирама кунлари бошқа жойларга учиб кетадилар.

Шундай қилиб ҳайвонлар ҳам ёруғликка муносабатига кўра икки гурухга, яъни ёруғсевар ҳамда соясевар ҳайвонларга бўлинади. Ҳайвонлар ёруғлик ёрдамида атрофдаги мавжудотларни кўрали ва ён атрофига қараб мўлжал олади. Турли ҳайвонларнинг кўриш органлари турли даражада тараққий этган ва яшаш шароитлари билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Масалан, баъзи чирқилдоқ илонлар инфрақизил нурларни кўра олганлиги сабабли ўлжасини қоронгида ҳам овлайверади. Асаларилар эса ультрабинафша нурларни ажратадилар.

- ! Физиологик фаол реакция, фототропизм, фотонастия, гелиофит, сциофит, биолюминесценция.
- ? 1. Ёруғлик организмлар ҳаётида қандай рол ўйнайди?
2. Ўсимликлар ёруғлик омилига нисбатан қандай экологик гуруҳларга бўлинади?
- * 1. Ҳайвонларда ёруғлик омилига қараб қандай мослашишлар кузатилади?

2.5. НАМЛИК

Куруқликда яшовчи организмларнинг сувга бўлган талаби тупроқ ва атмосфера намлиги ҳисобига қондирилади. Тупроқ ва атмосферадаги намликнинг манбаи атмосфера ёғинлари ҳисобланади. Ер шаридаги атмосфера ёғинларининг йиллик миқдори бир неча 10 миллиметрдан 3000 миллиметрни ташкил этади.

Организмларнинг сув билан тъминланганлигини баҳолаш учун фақат йиллик атмосфера ёғинларининг миқдорини билиш билан кифояланилмайди, чунки ушбу миқдор чўл иқлимини ёки жуда нам иқлимини ифодалаши мумкин. Ер шаридаги турли жойларда атмосфера ёғинлари билан буғланиш нисбати катта аҳамиятга эга. Йиллик буғланиш йиллик ёғингарчилик миқдори йигиндисидан кам бўлган жойлар *арид* (қурғоқчил) областлар деб аталади. Бу ерда яшовчи ўсимлик ва ҳайвонлар учун намлик етарли бўлмайди. Аксинча, ёғингарчиликнинг йиллик миқдори буғланишнинг йиллик миқдоридан ортиқ бўлган жойлар *гумид* (сернам) областлар дейилади.

Климодиаграммалар маълум жойдаги атмосфера ёғинлари билан ҳароратнинг ўзгариши нисбатини ифодаловчи эгри чизиқлардир. Агарда ҳарорат эгри чизиги атмосфера ёғинлари эгри чизигидан юқорида бўлса қурғоқчил, аксинча ҳолат кузатилса нам ёки ортиқча нам шароит ҳисобланади.

Организмларнинг сув билан таъминланишини тавсифлаш учун иқлим шароитларидан ташқари муайян биотопнинг намлик шароитини ҳам билиш керак. Одатда, ортиқча намлик, намлик, кучсиз намлик, куруқ ва бошқа яшаш шароитлари деган тушунчалар ишлатилади.

ЎСИМЛИКЛАР ВА ҲАЙВОНЛАРНИНГ СУВ МАНБАЛАРИ

Ўсимликларнинг сув захираларини тўлдирувчи манба тупроқ намлиги ҳисобланади. Тупроқда асосан уч турдаги намлик кузатилади: гравитацион, капилляр ва боғланған. Гравитацион сув тупроқ заррачалари оралари, йирик бўшлиқларни тўлдириб туради. Капилляр сув тупроқ заррачалари ораларидаги майдага бўшлиқларни тўлдириб, капилляр кучлар орқали ушлаб турилади. Капилляр сувлар тупроқ юзасида буғланиш туфайли намликин юқорига кўтариб юбориши мумкин. Боғланған сув тупроқ заррачалари юзасида адсорбцион кучлар орқали ушлаб турилади. Унинг микдори нисбатан кўп бўлади.

Тупроқдаги намликини ўсимликлар бир хилда ўзлаштиромайди. Гравитацион сув осон ўзлаштирилса, капилляр сув анча қийин ўзлаштирилади. Ўсимликлардаги ҳаёт жараёнлари (сув буглатиш, нафас олиш, фотосинтез) ўсимлик сув билан етарлича таъминланган бўлса, нормал кечади. Кўпинча, тупроқдаги сув етишмайди, бу эса ўз навбатида ҳосилдорликни пасайтиради. Қишлоқ хўжалик ўсимликларидан юқори ҳосил олиш учун қурғоқчил зоналарда ўсимликлар сугорилади. Шўрланған тупроқлардаги ўсимликлар тупроқда сув кўп бўлса ҳам сув танқислигидан зарар кўради. Тупроқ эритмасининг концентрацияси юқори бўлганлиги туфайли ўсимлик сув ўзлаштира олмайди. Бундай тупроқларда фақат шўрга чидами ўсимликлар, яъни *галофитлар* ўсиши мумкин.

Ҳайвонлар учун сув манбай сув ҳавзаларидаги ва озуқа таркибидаги сув ҳисобланади. Чўлдаги аксарият ҳайвонлар (кеми-рувчилар, антилопалар) сув ичмайдилар, улар учун озуқа таркибидаги сув кифоя. Баъзи ҳайвонлар озуқаси таркибида сув бўлмаслиги мумкин. Улар таналаридаги ёғларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган сувдан фойдаланадилар. Ушбу ҳолат ҳашаротлар, чўлдаги қушлар, бир ўркачли туялар учун хос. Сув топиш қийин бўлганлиги учун ўсимлик ва ҳайвонларда қурғоқчил шароитда сувни тежаб сарфлаш учун турли хиллардаги морфологик ва физиологик мослашишлар вужудга келган.

ОРГАНИЗМЛАРНИНГ НАМЛИККА МУНОСАБАТИГА КЎРА ЭКОЛОГИК ГУРУҲЛАРИ

Организмларнинг сувга бўлган талаби, ҳар хил намлик шароитларда яшаши ҳамда мослашишларига кўра тўрт асосий гуруҳга ажратилади: 1. Сувда яшовчи (ўсимликлар — гидрофитлар, ҳайвонлар — гидрофиллар). 2. Ортиқча намликда яшовчилар (гигрофитлар, гигрофиллар). 3. Ўртача намликда яшовчи (мезофитлар, мезофиллар). 4. Курғоқчил шароитда яшовчилар (ксерофитлар, ксерофиллар).

Сувда яшовчи организмлар доимо сувда ҳаёт кечирадилар, уларга нуфар, рдестлар, сув ўтлари каби гидрофитлар, қисқичбақасимонлар, балиқлар, денгиз сут эмизувчилари каби гидрофилларни кўрсатиш мумкин. Гигрофитлар ва гигрофиллар сув сарфини чекловчи мослашишларга эга эмас. Улар бироз сув йўқотишга бардош бера олмайдилар. Гигрофилларга нам тропик ўрмонлардаги ўт ўсимликлар ва эпифитлар шунингдек, нина баргли ўрмонлардаги ўт ўсимликлар, сув бўйларидағи ўсимликлар ҳамда шоли каби маданий ўсимликлар киради. Гигрофил ҳайвонлар сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг вояга етган индивидлари, кўпчилик қорин оёқли моллюскалар, ёмғир чувалчанглари, тупроқ фаунасининг вакиллари киради. Мезофитлар ўртача намлик шароитида яшаши билан ажралиб туради. Улар қурғоқчил ва нам мавсумларининг алмашинишига чидайди. Мезофитларга ўтлоқзорлардаги ўсимликлар, ўрмонларнинг ўт қоплами, ўртача иқлим зоналаридаги дараҳт-буталар ҳамда маданий ўсимликлар (галла, сабзавот, резавор мева, манзарали ўсимликлар) киради. Мезофилларга асосан, ўртача иқлимда яшовчи ҳайвонлар киради. Ксерофитлар ва ксерофиллар сувни ўзлаштириш ва ушлаб туриш учун морфоанатомик ва физиологик мослашишларга эга. Ксерофитларга чўл ва дашт ўсимликлари (саксовул, шувоқ, янтоқ, бетага, чалов), ксерофил ҳайвонларга эса кўпчилик ҳашаротлар, ўргимчаксимонлар, судраблиб юрувчилар, сут эмизувчилар киради.

Биотик омиллар тирик организмларнинг ўзаро таъсири этишининг барча кўринишлари (масалан, ўсимликларнинг ҳашаротлар ёрдамида чангланиши, рақобат, бир организм томонидан иккинчи сини истеъмол қилиш, паразитлик) ва уларнинг ташки муҳитга таъсиридан иборат. Биотик ўзаро алоқа муносабатлар мураккаб ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Ушбу муносабатлар сизларга биология курсидан маълум бўлиб, баъзи бир биотик муносабатлар ушбу дарсликнинг кейинги бўлимларида ёритиб борилади.

- Арид, гумид, климодиаграмма, галофит, гидрофит, гидрофил, гигрофит, гигрофил, мезофит, мезофил, ксерофит, ксерофил.
- ? 1. Ер шарининг турли жойлари атмосфера ёғинлари миқдорига кўра қандай номланади?
2. Климатограммалар нимани ифодалайди?
3. Ўсимлик ва ҳайвонлар сувни қандай йўллар билан ўзлаштиради?
4. Ўсимлик ва ҳайвонлар намлигига нисбатан қандай экологик групчларга ажратилиди?
- ★ Биология курсидаги маълумотлардан фойдаланиб, қўйидаги экологик групчларнинг мослашиш томонларини ёритиб беринг.

4-жадвал

Экологик групчлар	Мослашиш турлари		
	Морфологик	Физиологик	Хулқий
Гидрофит Гидрофил			
Мезофит Мезофил			
Ксерофит Ксерофил			

2.6. АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАР

Антрапоген омиллар ҳозирги вақтда табиатдаги энг кучли омиллардан бири ҳисобланади. Инсон тирик организмларга бевосита таъсир этиб ёки яаш шароитини ўзгартириб, уларнинг тарқалишига ёки қирилиб кетишига сабабчи бўлиши мумкин. Антрапоген омил деганда инсоннинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ булатган таъсирлар тушунилади.

Инсон табиатга қўрсатадиган кучли таъсири орқали абиотик ва биотик шароитларни ўзгартиради. Буларга сув иншоотлари, қурилишлари (сув омборлари, гидроэлектр станциялари), тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш (сугориш, қуритиш, шўрини ювиш), минерал ўғитлар, пестициidlар ва бошқалардан фойдаланиш натижалари киради.

Инсон камида 70 млн. йил давомида таркиб топган дунё манзарасини бир неча 10 йилда ўзгартириб юборди. Унинг тирик организмларга салбий таъсири натижасида Ер юзида кўплаб ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолиб кетди.

Инсоннинг онгли ёки онгсиз равища ўсимлик ва ҳайвон тур-

ларини Ер шарининг бир жойидан иккинчи жойига олиб бориши, баъзи ўсимлик ва ҳайвонлар таркибини ўзgartириб юборди. Инсоннинг таъсири натижасида уй сичқонлари, каламушлар, пашшалар, сувараклар, ўсимликлардан қоқиёт, фумай, мачин, оқшўра, итузум, жағ-жағ ва бошқалар жуда кўпайиб кетди.

Инсон томонидан ўсимлик ва ҳайвонларнинг яшаш шароитлари ўзgartирилди. Натижада муайян жойда яшаётган ўсимлик ва ҳайвон жамоалари йўқ бўлиб ёки уларнинг шароити кескин ўзгариб кетди. Масалан, тоғ ўрмонларида дараҳтларни кесиб ташлаш, уларнинг остида яшаётган соясевар ўсимликларни яшаш имконидан маҳрум қилди. Бундан ташқари ҳаёти дараҳтлар билан боғланган (озикланувчи, уя қурган) қушларнинг йўқолишига ҳам олиб келди. Худди шунингдек, яшаш шароитларининг кескин ўзгариши (ерни ҳайдаш, фойдали қазилмаларни ковлаб олиш, чиқиндиларни ташлаб қўйиш, ўтлоқзорларни ўриб ташлаш, у ерларда уй ҳайвонларини сурункасига боқиши кабилар), баъзи турлар учун қулай шароит вужудга келтирса, иккинчи бир турларнинг яшаш имкониятидан маҳрум бўлишига олиб келди. Табиий ҳолдаги ландшафтлар ва жамоалар эгаллаган майдонлар қисқариб кетмоқда ва уларнинг ўрнини инсон таъсиридаги ландшафтлар ва жамоалар эгалламоқда.

Фан ва техниканинг ривожланиши билан кимёвий бирикмалар миқдори ва ҳажми ортиб борди, натижада атмосфера, сув ҳавзалари, тупроқ ва Ер ости сувларининг ифлосланиши кучайиб кетди. Ифлослантирувчи моддалар табиий моддаларнинг айланиш жараёнларини ўзgartириб юборди. Натижада жамият олдида ушбу мушкул ҳолатдан қутулиш йўлини излаш зарурияти пайдо бўлди.

Шундай қилиб, экологиянинг янги бир соҳаси яъни, *ижтимоий экология* вужудга келди. У инсониятнинг табиатга хавфли таъсирининг олдини олиш билан шуғулланади. Унинг асосий мақсади жамиятнинг табиат билан сифат жиҳатидан янги ривожланиш босқичига йўналтиришдан иборат.

1957 йили П. Дансеро экологиянинг учта қонунини яратди:

1-қонун. «Инсон биосфера» тизимида ўзаро боғланишларнинг қайтмаслиги. Агарда инсон фаолияти таъсири табиий ресурсларнинг қайта тикланишига имкон бермаса, табиий ресурсларнинг тикланадиган қисми (ўсимлик, ҳайвонлар ва бошқалар) тикланмайдиган ресурсларга айланиб қолиши мумкин. Тарихдан бизга маълумки, Стеллер сигирларининг назоратсиз ов қилиниши уларни биологик тур сифатида табиатдан бутунлай йўқолиб кетишига олиб келган. Бундай мисолларни бошқа ҳайвон турлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Умуман, кейинги 400 йил мобайнида Ер юзида 160 дан ортиқ сут эмизувчилар ва қушларнинг турлари йўқолиб кетди.

2-қонун. Биосферанинг қайта тикланиши. Биосфера ва унинг таркибий қисмларига антропоген омиллар таъсири тұхтатилганидан сүңг у үз ҳолатини (мувозанат ва барқарорлантириш) тиклашта ҳаракат қиласы. Бунга мисол қилиб қаровсиз ётган қишлоқ хұжалик ерларини секин-аста сукцессиялар натижасыда ёввойи табиат ҳолатындағы қайтишини күрсатиш мүмкін.

3-қонун. «Инсон биосфера» тизиміда үзаро боғланишларнинг тескари боғланиши. Инсоннинг хұжалик фаолияти натижасыда табиий мұхитни бузадын қар қандай үзгаришлар унинг үзігінде ақс таъсир этиб нохуш оқибаттарни келтириб чиқаради. Ушбу қонунни тасдиқловчи мисол сифатида Орол деңгизи ва бөшқаларни күрсатиш мүмкін.

- 1. Антропоген омил, ноосфера, ижтимоий экология.
- 2. Экологик омиллар орасыда антропоген омилнинг роли қандай?
- 2. Инсон табиаттаға қандай таъсир этмоқда?
- 3. Инсоннинг тирик организмларға нисбатан онгли ва онгсиз таъсирларининг натижасы қандай?
- 4. XXI асрда инсоннинг табиаттаға таъсирі қандай бўлиши керак?
- 5. П.Дансеронинг экологик қонунларининг мөхияти нимада?
- 1. Ҳозирги даврда инсоннинг атроф-муҳиттаға таъсирини баҳоланг.
- 2. Матъумотлардан фойдаланған ҳолда яшаётган жойингиздаги Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»ига киритилган ўсимлик ва ҳайвон турларини аниқланг ва уларнинг ҳолати билан қизиқиб кўринг.

1-АМАЛИЙ МАШЕУЛОТ

Маҳаллий атроф-муҳиттинг ҳолати

Машгулоттинг мақсади. Ўқувчиларни маҳаллий атроф-муҳит мұаммосига жалб қилиш ва аҳолининг ушбу мұаммога мұносабатини аниқлаш.

Машгулоттинг бориши. Синф ўқувчилари бир неча кичик гурӯҳчаларга бўлинадилар. Ҳар бир ўқувчи учун мактаб атрофи ёки микрорайоннинг харита схемаси берилади. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ учун маҳаллий атроф-муҳитдан маълум майдонни ажратиб олишни таклиф этади. Машгулотни бошлашдан аввал ўқувчиларни атроф-муҳиттинг асосий таркибий қисмлари билан таништириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчиларга қуйидаги топшириқ берилади. Ҳозир биз саёҳатга чиқамиз. Саёҳат давомида адашиб қолмаслик учун сизларга

компас* ёрдам беради. Компас атроф-муҳитнинг асосий томонларини кўрсатади. Сиз иложи борича ҳар бир томоннинг бошқа томонларга ва инсон ҳаётига қандай таъсир этаётганлигини тўлиқ ўрганишга ҳаракат қилинг.

Харитага бемалол атроф-муҳитнинг айрим ҳолатларини тавсифловчи ҳар хил белгиларни тушириш мумкин. Саёҳатчилар кузатиш натижаларини плакат шаклида расмийлаштирадилар. Плакатлардаги маълумотларга қараб ўқувчилар атроф-муҳит муаммоларининг қайси томонларини аниқлаганликлари муҳокама қилинади. Ўқувчилар саёҳат давомида қандай ижобий ва салбий ҳолатларга дуч келдилар?

Сиз аниқлаган маҳаллий атроф-муҳит муаммолари ҳақида турли ёшдаги инсонлардан сўраб, уларни ташвишлантирувчи масалаларни ўрганинг. Ниҳоят маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари билан ўз ишларингиз натижасини таққосланг.

СУВ ҲАВЗАСИГА ЭКСКУРСИЯ

Т о п ш и р и қ:

1. Сув ҳавзасидаги майдада сувда яшовчи ҳайвонларни (ҳашаротлар, моллюскалар, қисқичбақасимонлар ва бошқалар) тутинг.
2. Уларнинг сув муҳитига мослашиш томонлари билан танишиб чиқинг.
3. Сув юзасида яшовчи ўсимлик ва ҳайвонлар қандай мослашиш хусусиятларига эга.
4. Сув қатлами ва тубида яшовчи тирик организмлар сувга қандай мослашган?
5. «Сув ҳавзалари ҳайвонлари» деган мавзуда коллекция тайёрлаш учун ҳайвон намуналарини йиғинг.

* Компаснинг атроф-муҳит томонлари:

ТАБИАТ — қанчалик ўзгарган, неча турдаги организмлар учрайди. Сув ва ҳаво муҳитларининг сифати қандай?

ЖАМИЯТ — аҳолиси ва унинг ўзига хос хусусиятлари борми?

ИҚТИСОДИЁТ — ишлаб чиқариш, савдо қанчалик ривожланган. Нима ишлаб чиқарилади?

СИЁСАТ ВА БОШҚАРИШ — ҳокимият табиатни муҳофаза қилишга нисбатан қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқсан?

НАЗОРАТ УЧУН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

- 1. Тирик организмлар тарқалган асосий ҳаёт мұхитлари нимадан иборат?**
 - А. Сув, тупроқ, тирик организм.
 - Б. Ер юзаси, сув, ҳаво, қүёш.
 - В. Тирик организм, сув, ҳаво минераллар.
 - Г. Ер, қүёш, ой, тупроқ.
 - Д. Қуёш, сув, ҳаво, коинот.
- 2. Ҳаётни белгилаб берувчи омиллар мажмуди нимадан иборат?**
 - А. Минерал тузлар, рельеф.
 - Б. Ҳарорат, сув, ёруғлик.
 - В. Рельеф, тупроқ, сув.
 - Г. Ҳарорат, минерал тузлар, сув.
 - Д. Тупроқ, сув, ёруғлик.
- 3. Мослашишнинг асосий турларини аниқланг.**
 - А. Кенг ва тор доирада мослашиш.
 - Б. Кимёвий, физикавий мослашиш.
 - В. Морфологик, физиологик, хулқий мослашиш.
 - Г. Биокимёвий, морфологик, хулқий мослашиш.
 - Д. Юқоридаги жавобларнинг барчаси түгри.
- 4. Төгнинг юқори қисмидаги чекловчи омилни аниқланг.**
 - А. Ультрабинафша нурлар микдори.
 - Б. Кислород танқислиги.
 - В. Босимнинг пасайиши.
 - Г. Ҳароратнинг пасайиши.
 - Д. Сувнинг етишмаслиги.
- 5. Абиотик омилларни күрсатинг.**
 - А. Эдафик, фитоген, биотик.
 - Б. Рельеф, зооген, микробиоген.
 - В. Тарихий, кимёвий, микоген.
 - Г. Иқлим, тупроқ, рельеф.
 - Д. Микоген, фитоген, тупроқ.
- 6. Биотик омил нима?**
 - А. Тирик организмларнинг таъсири.
 - Б. Инсоннинг тирик организмларга таъсири.
 - В. Ўлик табиатнинг омиллари.
 - Г. Баҳорда дарёларнинг тошиши.
 - Д. Тупроққа ўғит солиш.
- 7. Антропоген омилни аниқланг.**
 - А. Дараҳтлардан баргларнинг тўкилиши.

- Б. Ҳайвонларнинг кўчиб кетиши.
В. Инсоннинг атроф-муҳитга таъсири.
Г. Яйловларда ҳайвонларнинг ўтлаши.
Д. Одамнинг паразитлар билан касалланиши.
- 8. Янтоқ ўсимлигининг қурғоқчил иссиқ шароитга морфологик мослашиши қандай?**
- А. Сувни кўп буғлатиши, ер ости сувлари билан боғланиши.
Б. Паст бўйли бўлиши, кучли қизиб кетмаслиги.
В. Илдиз тизими яхши ривожланган, барглари тиканларга айланған.
Г. Барглари қисқарган, сувни кам буғлатади.
Д. Сув ўтказувчи тўқималари яхши ривожланган.
- 9. Туяning қурғоқчил иссиқ шароитга физиологик, биокимёвий мослашиши нимадан иборат?**
- А. Баланд бўйли, бўйни узун, думи калта эканлиги.
Б. Оёқларининг қумда юришга мослашиши, жунларининг калталиги.
В. Сув захиралари сақловчи тўқималарининг бўлиши.
Г. Метаболитик сувни ажралиши, бурун бўшлиғида сувни ушлаб қолиши.
Д. Пода бўлиб яшаш, ўзига хос ҳулқий хатти-ҳаракатлар.
- 10. Қўйида келтирилган тана ҳарорати доимий бўлган ҳайвонларни аниқланг?**
- А. Күшлар. Б. Ҳашаротлар. В. Сут эмизувчилар. Г. Моллюскалар.
Д. Одамлар.
- 11. Ўсимликларнинг шўр тупроқда яшашга мослашишига сабаб нима?**
- А. Сувни кўп талаб этиши.
Б. Баргларининг йирик бўлиши.
В. Ҳужайранинг осмотик босимининг юқори бўлиши.
Г. Илдиз тизими яхши ривожланганлиги.
Д. Ўт ўсимлик каби ҳаётий шаклда бўлиши.
- 12. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари атмосфера ҳавосининг ифлосланиш муаммосини қандай чора-тадбирлар ёрдамида ҳал этиши мумкин?**
- А. Кўкаlamлаштириш. Б. Янги технологияга ўтиш. В. Саноат ишлаб чиқаришини қисқартириш. Г. Автотранспорт қатновини камайтириш. Д. Аҳолини противогаз билан таъминлаш.



3-бўлим. ТАБИЙ ПОПУЛЯЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ

Ушбу бўлимнинг мазмуни:

- Популяцияларнинг хоссаси ва тузилмаси.
- Популяцияларнинг ўзгариши.
- Популяциялар сонини бошқариш.

3.1. ПОПУЛЯЦИЯЛарНИНГ ХОССАСИ ВА ТУЗИЛМАСИ

Популяция одатда бир турга мансуб бўлган индивидлар йигин-дисидан иборат бўлиб, улар бир-бирлари билан осон чатишадилар ва маълум шароитда ўз ҳаётларини бошқариб турадилар. Популяцияларнинг келиб чиқиши, тузилиши ва хулқ-автори ҳам ўхшаш бўлади. Масалан, кўлда яшаётган сазан балигининг барча индивидлари ёки тоғ ўрмонларини ҳосил қилган арча дарахти популяцияларни ҳосил қиласди. Популяцияларни ўрганиш заараркунандалар, табиатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишда ва бошқаларда муҳим амалий аҳамиятга эга. Популяцияларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг қайта тикланиш хусусиятидир. Популяцияларнинг бу хусусияти бизга популяциянинг ўзгаришлари ва уни олдиндан айтиб бериш ёки уларнинг сонини бошқариш каби имкониятларни беради. Эколог олимлар бирор экотизимнинг фаолиятини ўрганар эканлар, унинг жонсиз ва жонли таркибий қисмларининг популяцияларини ҳар қандай экотизимнинг асосий таркиби сифатида қарайдилар. Чунки популяцияларнинг фаолияти туфайли ушбу экотизимда ҳаёт давом этиши мумкин. Сизларга ботаника курсидан маълумки, қуруқликда яшил ўсимликлар ўз танасини қоёш нури энергияси, тупроқдаги сувда эриган минерал моддалар ҳисобига қуради. Ўсимлик гуруҳлари (популяциялар) фаолияти туфайли биомассанинг ортиши, шунингдек, ҳайвонлар популяциялари ҳаёти учун зарур озуқа миқдорининг ҳам сарф бўлиши кузатилиди. Ўсимлик билан озиқланган ҳайвон ўз навбатида бошқа йиртқич ҳайвонга ўлжа бўлади ва ҳоказо. Шундай қилиб, организмларнинг популяциялардан иборат занжири келиб чиқади. Ҳамжамоага ташқаридан қабул қилинган энергия аста-секин ўзлаштирилди. Ана шундай мураккаб тизимларнинг фаолиятини тушуниб олиш учун фақат айрим турларнинг биологик хусусиятларинигина эмас, балки уларнинг популяцияга оид характеристикасини билиш ҳам муҳимдир. Бунга популяциянинг зичлиги, тарқалиш сони, ўсиш тезлиги, ҳаётининг давомийлиги, янги авлодлар қолдириш кабилар кириб, улар популяциянинг *демографик кўрсаткичлари* деб аталади.

Популяциянинг гуруҳли ҳаёт тарзи туғилиш, нобуд бўлиш (ўлиш), ёш тузилмаси, индивидларнинг сони (мўллиги) каби ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқаради. Ҳар бир организм туғилади, қарийди ва ўлади, лекин айрим индивидга нисбатан туғилиш, нобуд бўлиш, ёш тузилмаси каби кўрсаткичларни кўллаб бўлмайди.

Популяцияларнинг мўллиги маълум майдондаги индивидларнинг сонини ҳамда популяциянинг гуруҳли организмлар эканлигини

ифодалайди. Популяциядаги индивидлар мүллигининг мезони унинг умумий сони ёки биомассаси бўлиши мумкин. Лекин ушбу кўрсаткични кўпчилик ҳайвонлар популяциясига тадбиқ қилиб бўлмайди. Катта сув ҳавзаларида яшаётган балиқлар, тупроқ қатламида яшовчи организмлар популяциялари, шунингдек қийин шароитлар ва миграциялар вақти номаълум бўлган ҳолатларда популяцияларда индивидлар сонининг камайиши ёки ортиши унинг зичлигини аниқ ифодалайди.

Популяциянинг зичлиги деганда маълум майдон бирлигига тўғри келувчи индивидлар сони тушунилади. Масалан, 1 га ўрмондаги 500 дараҳт, 1 м³ сувдаги 5 млн. хлорела ҳужайралари ёки 1 га сув ҳавзасидаги 200 кг балиқлар. Популяциянинг зичлиги, одатда маълум вақт оралиғида унинг сон жиҳатдан ўзгаришини ифодалайди. Мўлликнинг мезони фазо бирлигига нисбатан эмас, балки вақт бирлигидаги кўрсаткичи ҳам бўлиши мумкин. Масалан, 1 соат давомида рўйхатга олинган қушлар ёки 1 сутка давомида овланган балиқлар миқдори бундай ҳолатдаги нисбий кўрсаткич — (зичлик кўрсаткичи) сон индекси деб аталади.

Популяциянинг тузилмаси индивидларнинг маълум ҳудудда тарқалиши, жинс ва ёш нисбатлари, хулқий ва генетик ҳусусиятларини ифодалайди. Популяциянинг индивидлари бир-бирларидан ёши, жинси, тараққиёт циклиниң турли босқичлари, гала, пода колония, оила ва бошқаларга мансублиги билан фарқ қиласди.

Популяциянинг жинс тузилмаси турли ёшдаги эркак ва урғочи индивидларнинг сон жиҳатидан ўзаро нисбатидир. Популяциядаги жинслар нисбати бир томондан жинсий хромосомаларга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан унга маълум даражада ташқи муҳит ҳам таъсири мумкин. Экологик нуқтаи назардан, популяциядаги жинслар нисбати бирор томонга силжиши ушбу жинснинг популяциядаги мавқеига боғлиқ. Масалан, паразит чувалчанглар ва жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротларда эркак жинс фақат оталаниш жараённида иштирок этгани учун жинслар нисбати урғочилар томон силжиган. Сут эмизувчилардан туёқлиларда ҳам ана шундай нисбат кузатилади. Моногам йиртқич сут эмизувчилар ва қушларда эркак жинс болаларга ҳамда урғочи жинсга озуқа топишда иштирок этади. Шунинг учун уларда жинслар нисбати тенг.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, популяциядаги жинслар нисбати генетик қонуниятларга боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки маълум даражада ташқи муҳит таъсирига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, ўрмон чумолиларида ҳарорат 20 °C дан паст бўлганда фақат эркак чумолилар, юқори ҳароратда эса, урғочи чумолилар ривожланган. Айрим жинсли ўсимликларда уруғчи ёки чангчи гулларни келиб чиқиши озуқа захирасига боғлиқ бўлиши мумкин.

Популяциянинг ёш тузилмаси организмларнинг ўртача ҳаёт кечириш даври ва ҳар хил ёшдаги индивидларнинг сони ва биомас-саларининг нисбатларини ифодалайди. Бундай нисбат *популяциянинг ёй гурухлари* сони бўйича ёки ёши бўйича *тақсимланиши* деб аталади. Популяциянинг ёш тузилмаси организмлар нобуд бўлиш жадаллигига боғлиқ. Индивидлар сони популяциянинг тарқалиши ва туғилиш кўрсаткичларига ҳам боғлиқ бўлади. Маълум бир популяциянинг ёш тузилмасида вақт ўтиши билан сезиларли ўзгаришлар кузатилади. Ўсимлик ва ҳайвонлар популяциясининг ёш тузилмаси-нинг таҳлили ва ёшларга ажратиш бир хил эмас. Ўсимликларнинг тараққиёт даврида тахминан 10 га яқин ёш ҳолатлари ажратилиб, уларни 4 даврга бирлаштирилади: тиним даври (уруг), вегетатив даври (ёш ўсимлик), генератив даври (мева ҳосил қилган) ва сенил даври (қариллик). Индивидларнинг ушбу ҳолатларининг нисбати *популяциянинг ёш спектри* дейилади.

Ҳайвонлар популяциясининг ёш тузилмаси турларнинг кўпайиш хусусиятлари ва индивидлар умрининг узун-қисқалигига боғлиқ бўлади. Популяцияда бир авлод ёки икки, уч ва кўп авлодлар бўлиши мумкин. Мураккаб ҳар хил ёшли популяцияларда бир неча авлодларнинг ёш гурухларини учратиш мумкин. Бундай популяциялар анча барқарор бўлади. Популяция ёш тузилмасининг таҳлили унинг келгуси авлодлари ва йиллар бўйича овланадиган балиқлар ёки овчилик хўжаликлари ҳамда баъзи бир зоологик ишлар учун ёрдам беради.

Популяциянинг фазовий тузилмаси популяция майдонидаги айрим индивидлар ва гуруҳчаларнинг тарқалиш характеристини ифодалайди. Одатда, тур ва айрим популяциялар ичida индивидлар бир текис тарқалмайди, чунки яшаш шароити, яъни озуқа ресурслари, бошпана кабилар нотекис тақсимланган бўлади. Бундан ташқари, популяцияни ташкил этувчи организмларнинг биологик хусусиятлари, ҳаракатчанлиги ва агрегирлик даражаси кабилар муҳим рол ўйнайди. Популяциялар фазовий тузилмасини топографик усулда ифодалаш мумкин. Индивидлар уч турда: бир текис, тасодифий ва тўда-тўда бўлиб тарқалади. Индивидлар бир текис тарқалганда улар бир-бирига нисбатан бир хил масофада жойлашади. Табиатда бундай тарқалиш тури кам учрайди. Тасодифий тарқалишда индивидлар бир-биридан ҳар хил масофада жойлашади. Бундай жойлашиш популяциянинг зичлиги кам бўлган муҳитда учратилади. Табиатда тўда-тўда тарқалиш тури кўп учрайди. Бунда индивидлар тўда бўлиб, бир-биридан турлича масофада жойлашади. Тўда-тўда тарқалиш нотекис муҳит таъсири натижасида, яъни муҳитнинг айрим жойларида қулай шароит бўлиши шунингдек, ноқулай омиллар билан бирга учрайдиган жойлар учун характерлидир.

Популяциянинг этологик тузилмаси. Этология (юонча «ethos»-характер) ҳайвонлар хатти-ҳаракати (хулқи)нинг биологик асоси ҳақидаги фандир. У экология фани билан чамбарчас боғланган. Этология фанининг натижаларидан қишлоқ хўжалиги, ҳайвонлар оламини муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда фойдаланиш мумкин. Ҳайвонларнинг хулқи уларнинг ҳаёт кечириш тарзи билан боғлиқ. Одатда, ҳайвонлар ёлғиз ва биргаликда ҳаёт кечиради. Ҳайвонларнинг биргаликда яшашининг бир неча шакллари маълум.

Индивидларнинг жинсий мойиллиги, ота-оналар билан янги авлод ўртасидаги боғланишлар, ҳудудий умумийлик, насл учун қайгуриш натижасида оила деб аталган ҳайвонларнинг биргаликда яшаш шакли келиб чиқади. Отa-оналар жуфти қисқа ёки узоқ вақтгача, баъзи турларда эса умрининг охиригача бирга бўлиши мумкин.

Ҳайвонларнинг анча йирик бирлашмалари колониялар, галалар ва подалар ҳисобланиб, уларнинг шаклланишида популяциялардаги хулқий муносабатлар янада мураккаблашади.

Колониялар ўтроқ ҳаёт кечирувчи ҳайвонларнинг биргаликдаги яшаш шаклидир. Улар узоқ вақт ёки кўпайиш олдидан бирга яшави мумкин. Колонияни ташкил этувчи индивидлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ниҳоятда хилма-хилдир. Энг оддий кўринишлардан бири хемотаксис асосидаги тўпланиш, мураккаброқ шаклдагиси эса бир-бирлари билан келишиб (хабар бериб) бирор-бир ҳаётий функцияни бажаришдан иборат.

Галалар бир турга кирувчи баъзи гуруҳ ҳайвонларининг бирон-бир биологик жиҳатдан фойдали ҳаракатни амалга ошириш учун вақтинчалик бирлашиши ҳисобланади. Галалар душмандан сақланиш, озуқа топиш, миграция каби функцияларни бажаришни енгиллаштиради. Гала бўлиб яшаш балиқлар, қушлар ва сут эми-зувчилар орасида учрайди.

Подалар галаларга нисбатан ҳайвонлардаги анча узоқ муддат давомида доимий бирликда яшаш шаклидир. Подалар одатда, тур учун хос бўлган барча функцияларни, яъни озуқа топиш, йиртқичлардан сақланиш, кўпайиш, миграция ва болаларни боқиши кабиларни амалга оширади. Подалардаги ҳайвонларнинг гуруҳли хулқий хатти-ҳаракатлари «хукмдор» ва «итоаткор» асосидаги ўзаро муносабатлардан ташкил топади.

- [!]** Популяциянинг қайта тикланиши, популяциянинг демографик кўрсаткичи, сони, зичлиги, ёш тузилмаси, ёш спектри, сон индекси, фазовий тузилмаси, этологик тузилмаси.
- [?]** 1. Популяцияларни ўрганишнинг амалий аҳамияти нимадан иборат?
2. Чўлда саксовул, шувоқ, илоқ, қандим, янтоқ кабилар ўсади:
адирда эса так-так, тоғ райҳони, қўзикулоқ, лолақизғалдоқ, кабилар

учрайди. Ҳар икки шароитда неча тур ўсимлик ва нечта популяциялар бор?

3. Популяциянинг демографик кўрсаткичи нима?
4. Популяциянинг тузилмаси нимани ифодалайди?
5. Ҳайвонлар популяцияси сонининг ўзгаришини олдиндан айтиб бериш хўжаликда қандай аҳамиятга эга?

* Кузатишлар натижасида ёнгоқзор ўрмонида ёнгоқ дарахтларининг умумий ҳажми 5000 м³ эканлиги аниқланди. Бунда 1 га майдонда 40 та ёнгоқ, 100 та дўлана, 120 та камхастак, қолгани эса наъматак эди. Кузатиш майдонида ёввойи чўчқалар подаси яшайди. Бир кун давомида 5 та ҳайвон қайд этилди.

Популяциянинг умумий сонини ифодаловчи битта чизиқ, зичлигини 2 та чизиқ билан чизинг. Ушбу мисолда ўсимлик ва ҳайвонлар мўллигини характерловчи зичлик кўрсаткичи нима билан фарқ қиласи?

3.2. ПОПУЛЯЦИЯЛарНИНГ ЎЗГАРИШИ

Популяциянинг ўзгариши вақт бирлигига асосий биологик кўрсаткичларнинг ўзгариш жараёни ҳисобланади. Популяциядаги энг муҳим ўзгаришлар унинг сони, биомассаси ва тузилмаси кабилардан иборат. Шундай қилиб, популяциянинг ўзгариши энг муҳим биологик ва экологик ҳодисадир.

Популяциянинг ўзгариши ўсиш, туғилиш, нобуд бўлиш, ҳаётчанлик, маҳсулдорлик, популяциядан чиқиб кетиш (иммиграция) ҳамда популяцияга қўшилиш (эммиграция) кабилар билан тавсифланади.

Туғилиш ва маҳсулдорлик индивидларнинг кўпайиши ҳисобига популяция сонининг ортишини билдириб, унинг кўрсаткичи маълум вақт оралиғида янги туғилган индивидлар сонидан иборат бўлади. Туғилиш 2 хил бўлиши мумкин: максимал ва экологик. Максимал туғилиш идеал шароитда назарий ҳисобланган янги индивидларнинг ҳосил бўлиш тезлигини билдиради, бунда кўпайиш жараёнига ташқи омиллар таъсир этмайди. Популяциядаги туғилиш кўйидаги формула билан аниқланади. $B = \frac{\Delta N_o}{\Delta t}$

Ушбу формулада $\Delta N_o = Nn_2 - Nn_1$, яъни бошлангич ва кейинги ҳисобларга кўра индивидлар сонининг ортишини t билдиради. Δt эса $=t_2 - t_1$, яъни иккита муддат орасидаги фарқ, B – туғилиш кўрсаткичи.


Максимал туғилиш урғочи индивиднинг қанча миқдорда авлод қолдиришини билдиради. Бу *физиологик маҳсулдорлик* дейилади.

Экологик туғилиш популяциянинг индивидлар сонининг ортиши тезлигини ташқи муҳит таъсирида ўзгаришини билдиради. Ушбу кўрсаткич ташқи муҳитнинг таъсиirlари ва популяциянинг таркибига кўра ўзгариб туради.

Маълум популяциядаги бир вақтда туғилган индивидлар кузатиб борилса, уларнинг ҳаёти давомида бир қисмининг нобуд бўлиши ҳисобига популяция сони камайиб бораётгандиги кўринади. Ушбу жараён нобуд бўлиш деб аталиб, у популяциянинг ёки айрим индивидлар гуруҳининг нобуд бўлишини ифодалайди. Баъзан, ҳаёт шароитлари қулай бўлса ҳам, организмларнинг нобуд бўлиши кузатилади. Бунда минимал нобуд бўлиш, яъни физиологик сабабларга кўра айрим организмларнинг ўлишига олиб келади. Ташқи муҳит шароитлари (озуқа ресурслари, ифлосланиш, абиотик омилларнинг ноқулайлиги) таъсирида ҳам нобуд бўлиш кузатилади. Кўпчилик организмларда нобуд бўлиш тезлиги ҳаёт давомида ўзгариб туради. Одатда, организмлар тараққиётининг бошлангич даврида нобуд бўлиш юқори бўлиб, кейинчалик пасаяди ва қариганда тезлашади. Популяцияда индивидлар сони камайишига эмиграция ҳам таъсири этади. Эмиграция ҳодисаси маълум бир популяциядаги индивидларнинг бошқа популяцияларга чиқиб кетишидир. Бу ҳодиса одатда, ушбу популяцияда индивидлар сонининг ортиб кетиши натижасида келиб чиқади.

Ҳаётчанлик деганда популяциядаги индивидларнинг туғилиши билан нобуд бўлиши ўртасидаги фарқ тушунилади Ҳаётчанлик ва маҳсулдорлик асосида популяциялар учун ҳаётчанлик жадвали тузилади. Ҳаётчанлик жадвалини тузиш учун популяциядаги индивидларнинг ёшлари маълум бўлиши керак. Ўртача иқлим зоналарида ўрмон дарахтлари ёшини йиллик ҳалқалар, нина баргли ўсимликларда новла ҳалқалари, балиқлар ёшини тангачалардаги йиллик ҳалқалар, қушларда калла суюгининг ҳаво бўшлиқлари ҳажми даражасини аниқлаш, сут эмизувчиларда эса тишларнинг емирилиши ва бошқа белгилар асосида аниқлаш мумкин.

Ҳаётчанлик жадвали ўрнига график усулдан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда ҳаётчанлик фоиз ҳисобида олиниб 1000 та туғилган индивидларга нисбатан яшаб қолган индивидларнинг сони кўйилади. Натижада ҳаётчанлик эгри чизиги келиб чиқади. Ҳаётчанлик эгри чизигининг бир неча турлари мавжуд (7-расм).




7-расм. Ҳаётчанлик эгри чизиқлари.

Популяциянинг ўсиши. Популяциядаги туғилиш, нобуд бўлиш, ёш тузилмаси каби кўрсаткичлар ёрдамида унинг ўсиши ҳақида тўлиқ маълумотлар олиб бўлмайди. Шунингдек, популяциянинг ўсиши ҳақида маълумот олиш учун унинг индивидлар сонини тиклаш ҳамда ўзгаришлар сабабини аниқлаш керак бўлади. Популяциядаги индивидлар сонининг ортиши турлича бўлиши мумкин. Одатда, икки турдаги популяциянинг ўсиши кузатилади. Маълум вақт ўтиши билан популяция сонининг ортиб боришини ифодаловчи эгри чизиқ ҳар икки турнинг ўсишидаги фарқларини аниқ кўрсатиб беради. 8-расмда j-симон ва s-симон эгри чизиқлар ифодаланган бўлиб, улардан биринчисида популяция зичлиги ўсишини чекловчи омиллар таъсир этгунга қадар ортиб бориши, иккинчисида эса дастлаб популяциянинг ўсиши секин, сўнгра тезроқ, кейин эса ташқи мұхитнинг қаршилиги туфайли янада секинлаб боришини кўрамиз. Кейинчалик мувозанатлашиб, популяция индивидлари бир хил сонда ушлаб турилади.

Популяция сонининг ўзгариб туриши. Популяцияда ўсиш тугандан сўнг, унинг сони доимий кўрсаткич асосида ўзгариб туради. Кўпинча бундай тебраниб туриш ҳаёт шароитлари, мавсумий ва йиллик ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади. Баъзи бир популяциялар сонининг ўзгариб туриши циклик характерга эга бўлади. Циклик характердаги ўзгаришлар популяцияни идора этиш механизмлари таъсири натижасида амалга ошади. Популяция сонининг мавсумий ўзгаришини таҳлил қилиш учун ёз фаслини олиш мумкин. Ёз фаслида ўрмонларда күшларнинг кўпайиб кетиши, далаларни эса бегона ўтлар босиши, шаҳар ва ҳовлиларда чивинлар кўпайиб кетиши кузатилади. Буларнинг барчаси ёзниң иссиқ даври билан чамбарчас боғлиқ.

Баъзан йилдан-йилга баъзи бир күшлар (шаҳардаги чумчуқлар) ёки балиқлар сонининг ўзгариши иқлим шароитлари ёки атроф-мұхитнинг ўзгаришлари билан боғлиқ бўлиб, популяция сонининг тасодифий ўзгаришларини ифодалайди.



8-расм. Популяция ўсиш тезлигининг эгри чизиги.


Чигирткалар популяциясида ўзига хос циклдаги ўзгариш кузатилади. Чигирткаларнинг Евросиёга ёпирилиб келиши ҳақида қадимдан маълумотлар бор. Чигирткалар асосан чўл ва қурғоқчил районларда кенг тарқалган. Чигиртка популяциясининг сони ниҳоятда ортиб кетиши билан чигирткаларнинг ташқи қиёфасида ўзгариш бошланади. Индивидлар орасида яхши учадиган узун қанотлилар пайдо бўлиб, экин майдонларига кириб бориб, йўлда учраган барча ўсимликларни еб кетаверади. Шу боис, халқимиз орасида баъзан «чигиртка ёғди» деган гаплар ҳам эшитилиб туради.

- [!]** Туғилиш, маҳсулдорлик, максимал туғилиш, экологик туғилиш, иммиграция, эммиграция, нобуд бўлиш, ҳаётчанлик, ҳаётчанлик эгри чизиги, популяциянинг ўсиши, популяциянинг динамикаси, популяциянинг циклик ўзгаришлари.
- [?]**
 1. Биология курсидан организмларнинг максимал туғилишларига мисоллар келтиринг.
 2. Нима учун баъзи бир турларнинг маҳсулдорлиги юқори бўлади?
 3. Турларнинг нобуд бўлишига қандай омиллар таъсир этади?
 4. Ҳаётчанлик эгри чизиги нимани билдиради?
 5. Популяциянинг динамикаси қандай тушунилади?
 6. Популяция сонининг ўзгариб туриш сабаблари нимада?
- [★]**
 1. Балиқлар популяциясининг туғилиш ва нобуд бўлишига таъсир этувчи омилларни санаб чиқинг. Қуйидаги жадвалга юқоридаги жараёнларни тезлаштирувчи (+) ва секинлаштирувчи (-) графаларни тўлдиринг!

5-жадвал

Жараёнлар	Уларнинг ўзгариш сабаблари (омиллари)
Туғилиш (+)	
Туғилиш (-)	
Нобуд бўлиш (+)	
Нобуд бўлиш (-)	

2. Қуйидаги маълумотлардан фойдаланиб, мусичанинг ҳаётчанлик эгри чизигини чизинг. Популяциянинг бошланғич сони 2000 бўлиб, нобуд бўлиши қуйидагича: биринчи йили 40%, иккинчи йили 20%, учинчи йили 15%, тўртинчи йилдан бошлаб нобуд бўлиш барқарорлашади ва унинг йиллик қўрсаткичи 20%ни ташкил этади.



3.3. ПОПУЛЯЦИЯЛАР СОНИНИНГ БОШҚАРИЛИШИ

Популяциянинг сони ёки нобуд бўлиши кабилар маълум омиллар таъсири натижасида ўзгариши мумкин. Популяциялар эгаллаган майдон ва уларнинг ўзгаришлари ўрганилганда насллар алмашинганда энг муҳим ўзгаришга сабабчи бўлган омилни аниқлашга ҳаракат қилинади. Кўпчилик ҳолатларда ушбу омил нобуд бўлишга таъсир этади.

Баъзан популяциялар сонининг ўзгариб туриши тасодифий ҳол ҳам бўлиши мумкин. Популяциялар сонининг камайишига таъсир этувчи омил нобуд бўлишнинг ортишига ёки маҳсулдорликни пасайиб кетишига олиб келади. Ушбу омиллар популяциянинг зичлиги ортиб кетганда анча самарали таъсир этади. Баъзан ана шундай омиллар озуқанинг етишмаслиги ёки душманлар популяцияси сонининг ортиб кетиши кабилар бўлиши мумкин. Популяциянинг маҳсулдорлигига таъсир этувчи бошқарувчи механизмларнинг ичida ҳайвонлар популяциясидаги ҳудудий хатти-ҳаракатлар яхши ўрганилган ҳисобланади. Ҳудудий хатти-ҳаракатлар балиқлар, судралиб юрувчилар, қушлар, сут эмизувчилар ва жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротларда кенг тарқалган. Айниқса, қушларда ушбу хусусият яхши ўрганилган. Эркак қуш ёки эркак ва урғочи қушлар жуфти ўз яшаш жойларини чегаралаб олади, ҳамда ўз майдонини бошқа индивидлардан ҳимоя қиласди. Улар майдон эгаси эканликларини сайраш ёки маҳсус ҳолатлар (керилиш) билан намойиш қиласдилар. Баъзан чакирилмаган меҳмон билан чинакам «жанг» ҳам бўлиб, меҳмон майдондан чиқиб кетишига мажбур бўлади. Бир турга мансуб индивидларга тегишли ҳудудлар тўлиқ эгалланмаса-да, лекин қушларнинг болаларини ва ўзларини озуқа билан таъминлайди. Популяция сонининг ортиши билан улар эгаллаган майдон торлик қила бошлайди. Унда янги қушлар учун жой етишмайди. Ниҳоят,

баъзи бир қушлар учун ўз майдонини чегаралаш имкони ҳам қолмайды, оқибатда, улар кўпаймайди. Каламушлар билан ўтказилган лаборатория шароитидаги тажрибаларда популяциянинг зичлиги маълум бир даражага етгандан сўнг қулаги шароит бўлишига қарамасдан маҳсулдорлик тезда пасайиб кетади. Бунда каламушларда гормонал ўзгаришлар содир бўлиб, бу уларнинг жинсий органларига таъсири этади. Каламушлар бир-бирлари билан қўшила олмайдилар, бепуштилик, бола ташлаш, ота-оналарнинг ўз боласини еб қўйиш каби ҳолатлар кузатилади. Ота-оналарнинг ёш авлод учун қайфуришлари сусаяди, натижада ёш болалар ўз уяларини эрта ташлаб кетишга мажбур бўладилар. Бу ҳолат ўз навбатида уларнинг яшаб кетиш имкониятларини пасайтириб юборади. Ҳайвонларнинг агресив хусусиятлари кучайиб кетади. Юқоридаги ҳолатни фақат лаборатория шароитида эмас, балки табиатда кўпчилик сут эмизувчилар популяциясида кузатиш мумкин. Биз кўриб чиқсан мисоллар популяциялар сонини ички бошқариш механизmlари, деб қаралади. Улар организмларда шароитга қараб автоматик равища келиб чиқади. Шундай қилиб, популяциялар сонига таъсири этувчи барча омилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчиси популяциянинг зичлигига боғлиқ бўлмаган омиллар; иккинчиси популяциянинг зичлигига боғлиқ бўлган омиллар. Иккинчи гуруҳдаги омиллар одатда бошқарувчи ёки зичликни бошқарувчи деб аталади.

Абиотик омилларнинг (иқлим) таъсири кўпинча популяциянинг зичлигига боғлиқ бўлмайди. Аксинча, биотик омиллар (рақобат, йиртқичлик, паразитлик) одатда зичликка боғлиқ бўлади.

Популяциянинг зичликка боғлиқ бўлган омиллари популяциялар сонининг ортиб кетишини олдини олувчи энг муҳим механизмлар ҳисобланади. Бу эса ҳар доим ҳам бошқарувчи механизмлар популяциялар сонини барқарорлаштириб туради, деган гап эмас. Бошқарувчи омилларнинг турли хил таъсирларининг кўринишлари популяциялар сонининг циклик ўзгаришларида, яъни популяциянинг динамикасида кузатилади.

- Популяциянинг зичлигига боғлиқ бўлган омиллар, зичликни бошқарувчи омиллар, популяциялар сонини бошқариш.
- 1. Популяциянинг сонини камайишига қандай омиллар таъсири этади?
- 2. Популяциянинг зичлигига қандай омиллар таъсири этади?
- 3. Популяциянинг маҳсулдорлигига таъсири этувчи омил ҳақида гапириб беринг?
- 4. Популяция сонига таъсири этувчи омиллар неча гуруҳга бўлинади?
- 1. Заарли ҳашаротларнинг биологик хусусиятлари ва ҳаёт тарзига асосланиб, популяциялар сонининг камайиш йўлларини аниқланг.
- 2. Турли ҳайвонларнинг ҳудудий хатти-ҳаракатлари, яъни майдонининг чегаралаш (огоҳлантириш)ларига мисоллар келтиринг.

2-АМАЛИЙ МАШЕУЛОТ

Турларнинг хилма-хиллиги керакми?

Машгулотнинг мақсади. Ўқувчиларда табиатга нисбатан қадриятларни шакллантириш, атроф-муҳитдаги ўзаро алоқа боғланишлар ҳақидаги тушунчани ривожлантириш, биологик хилма-хилликни сақлаш муҳим эканлиги ҳақидаги тушунчаларни шакллантиришга ёрдам беради.

Машгулотнинг бориши. Синф ўқувчилари 3 — 4 тадан бўлиб, бир неча кичик гуруҳчаларга бўлинадилар. Куйидаги саволларга жавоб бериш таклиф этилади. Агарда сизда Ер юзидағи тирик организмларни бирор-бир турини йўқотиш имкони бўлса, нима қиласар эдингиз? Нима учун ушбу тур йўқолишга маҳкум этилган? Ушбу саволларга ҳар бир гуруҳ ўз муносабатини билдиради. Кейин саволларнинг акси, яъни турларни сақлаб қолиш зарурлиги ҳақида маълумотлар ёзиш сўралади.

Куйидаги келтирилган иккита мақола мазмуни билан ҳар бир гуруҳни танишиб чиқиши таклиф этилади.

1-мақола. Ҳозирги даврда ўсимлик ва ҳайвон турларининг камайиб кетиши муаммоси жуда бўрттириб юборилмоқда. Агарда «Қизил китоб» га назар ташласак, кўпчилик турлар кам миқдорда кичик майдонларда тарқалган бўлиб, бирор атроф-муҳит ўзгаришларига жуда сезгир турлардир. Бунинг устига уларнинг популяциялари унча кўп эмас. Ушбу турларнинг сайёрамизда яшаб қолиши шарт эмас. Инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида уларга жиддий зарар етиши мумкин.

Масалан, Орол денгизидаги ноёб ҳайвон турларини олайлик. Улар орасида жуда кўп балиқлар, моллюскалар, қисқичбақалар ва бошқа ҳайвонлар бор. Уларнинг қирилиб кетиши денгизга жиддий зарар етказмайди ва умуман сайёра учун ҳеч қандай хавф эмас.

Айрим турлар йўқолган жойда улар ўрнини бошқа турлар эгаллайди. Ҳар бир жойнинг эндемик турлари бор. Аммо уларнинг экотизимлардаги роли қай даражада?

Турларнинг йўқолиши табиий ҳол. Улар орасида экотизимлар ҳаёти учун муҳим бўлган турларни сақлаб қолиш керак. Ҳар бир чуволчанг ёки ўргимчак учун қайфуришнинг ҳожати йўқ.

2-м а қ о л а. Турларнинг ҳаёт кечиришга ҳаққи бор-йўқлигини

ҳал қилиш инсонга берилмаган. Яшаш имконияти уларга анча аввал, яъни пайдо бўлганларидан бошлаб берилган ҳамда ҳозирги давргача улар яшаб келмоқдалар. Қадимдан инсон қандай жамиятда яшшидан қатъи назар ўсимлик ва ҳайвон турларини ҳаётдан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Инсон пайдо бўлгандан бери табиат билан бирга яшайди. Табиат унга бошпана, озиқ-овқат, кийим кечак ва барча тирикчилик учун керак бўлган неъматларни беради. Инсон ўзи учун фойдали турларни аниқлаб бормоқда. Масалан, бундан икки юз йил аввал мөгор замбуруғларини одамлар ҳаётида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳеч ким билмас эди. Бугунги кунда антибиотик моддаларсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Биз ҳали кўпчилик турларни ҳаётимизда қандай рол ўйнашини яхши билмаймиз. Шунинг учун сайёрамизда маълум бўлган ҳар қандай тур яшши ва муҳофаза қилиниши керак. Биз ўсимлик ва ҳайвон турларисиз яшай олмаймиз.

1- ва 2-мақолалар ўқиб чиқилганидан сўнг ўқувчилар (ўз фикр ва мулоҳазаларига кўра) икки гуруҳга ажратилади. Ҳар бир ўқувчи нима учун у ёки бу мақолага ҳамфикр бўлганини изоҳлаб беради.

Маълум вақт мобайнода ўқувчиларга ўз фикр-мулоҳазаларини ҳимоя қилиш учун навбат берилиб, ҳар икки томон ўз фикрларини узил-кесил айтиб бўлганларидан сўнг фикри ўзгарган ўқувчилар қарши фикрдаги гуруҳга ўтиши мумкин.

Машгулот натижаси сифатида мактаб шароитига мос келадиган «Биологик хилма-хилликнинг Конвенцияси», яъни биологик хилма-хилликни сақлаш зарурлиги шартлари ишлаб чиқилади.

НАЗОРАТ УЧУН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Популяциянинг тузилмасини аниқланг.
 - А. Жинс, фазовий, ёш.
 - Б. Фазовий, ёш, генетик.
 - В. Физиологик, морфологик, биокимёвий.
 - Г. Хулқий, биокимёвий, фазовий.
 - Д. Биокимёвий, фазовий, морфологик.
2. Ҳайвонларнинг биргаликда ҳаёт кечириш шаклларини айтинг.
 - А. Симбиоз, оила, колония, гала

- Б. Микориза, колония, ёлғиз, пода.
 - В. Паразит-хұжайин, гуруұли, колония.
 - Г. Гала, колония, симбиоз, оила.
 - Д. Оила, колония, гала, пода.
3. Популяцияларда индивидлар сонининг ўзгариши қандай күр-
саткичларга боелиқ?
- А. Туғилиш, нобуд бўлиш.
 - Б. Қирилиш, эмиграция.
 - В. Иммиграция, ўсиш.
 - Г. Ўсиш, ўсиш даражаси.
 - Д. Юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри.
4. Ҳайвонлар популяциясида гомеостаз қандай кўринишда амалга
ошади?
- А. Касалланиши.
 - Б. Рақобат.
 - В. Каннибализм.
 - Г. Зичликни камайтириш.
 - Д. Зичликни ошириш.



4-бўлим. БИОЦЕНОЗ, БИОГЕОЦЕНОЗ ВА ЭКОТИЗИМЛАР

Ушбу бўлимда сизлар энг муҳим табиий экотизимларга тегишли тушунчалар ва уларнинг фаолият кўрсатиши кабиларни билиб оласиз:

биоценоз, биогеоценоз, экотизимларнинг таркиби ва асосий хусусиятлари;

ўлкамиздаги баъзи бир табиий биоценозларнинг ҳолати ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш;

экотизимлардаги энергия оқими ва моддаларнинг айланиши ҳамда тирик организмларнинг ушбу жараёнлардаги роли;

сунъий экотизим — агрофитоценозларнинг ўзига хос хусусиятлари.

4.1. БИОЦЕНОЗ ВА УНИНГ ТУЗИЛМАСИ

Биоценоз (лотинча «биос» — ҳаёт, «ценоз» — умумий) ёки ҳамжамоа дейилганда бир хил муҳитга мослашиб олган бир жойда яшайдиган организмлар йифиндиси тушунлади. Биоценоз ҳам популяция каби ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, буларга турлар таркиби, озуқа тўрининг тузилмаси, биомасса ва унинг маҳсулдорлиги кабиларни кўрсатиш мумкин. Биоценозларнинг катта-кичилги ҳам ҳар хил бўлади. Ўрмон, чўл, дашт, кўл каби йирик ландшафтлар катта биоценозлар ҳисобланиб, чумолилар уяси, ботқоқликлардаги моҳлардан иборат дўнгликлар ёки дараҳт танасидаги биоценозлар ва бошқалар кичик биоценозларга мисол бўлади. Биоценоз тузилмасини систематик жиҳатдан бир-биридан фарқланадиган турли гурухлардаги организмлар, уларнинг энергия ва моддаларнинг ҳаракатдаги роли, ҳолати, шунингдек фазода эгаллаган ўрни ва белгиларига кўра қараш ҳам мумкин.

ТУРЛАР ТАРКИБИ

Биоценознинг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг турлар таркибидир. У айрим турлар популяцияларининг миқдори нисбатни ифодалайди. Биоценозда одатда, турлар кам бўлиб, аксинча, у кўп сондаги индивидларга ёки катта биомассага эга бўлади. Ҳамжамоалар ўрганилганда асосий эътиборни энг кўп сонга эга бўлган турларга қаратилади, чунки муҳим экологик жараёнлар (биологик моддаларнинг тўпланиши, кимёвий элементларнинг айланиши) ушбу турларнинг популяциясига боғлиқ бўлади. Аммо, кам учрайдиган стенобионт турлар кўпинча энг яхши ташқи муҳит кўрсаткичи,

яъни индикатор бўлиб хизмат қиласи. Ана шундай турларнинг экотизимда йўқолиб бориши ушбу экотизимларга ифлосланиш ёки бошқа нокулай омиллар таъсир этаётганидан дарак беради.


ТУРЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Экологик хилма-хилликнинг белгиси ҳисобланган турлар жамоада қанчалик кўп бўлса, ташки мухит ҳам шунчалик ранг-баранг бўлади. Турларнинг хилма-хиллиги ҳамжамоанинг барқарорлигига ҳам боғлиқ. Турлар қанчалик кўп бўлса ҳамжамоанинг ўзгарувчан ташки шароитга мослашиш имкониятлари ҳам кенгаяди. Нам тропик ўрмонлардаги биоценозлар турларга бой ҳисобланса, куртоқчилик ва совуқ вилоятлардаги биоценозларда турлар кам учрайди. Майдон бирлигига тўғри келадиган турлар сони *биоценознинг турларга тўйинганлиги* деб аталади. Ушбу кўрсаткич ҳам турли биоценозларда турлар таркиби каби ўзгариб туради.

МОРФОЛОГИК ТУЗИЛМАСИ

Ҳамжамоанинг муҳим экологик хусусиятларидан бири ҳисобланган морфологик тузилма, унинг фазовий тузилишини ифодалайди. Бундай хусусият кўпинча ўсимликлар жамоасига хос хусусият бўлиб, шу билан бирга у ерда тарқалган ҳайвонлар учун ҳам тааллуқлидир. Ҳамжамоанинг турлар таркиби билан бирга уларни ўрганишда *биоморфологик спектри* ҳам катта аҳамиятга эга. Биоморфологик спектр ҳамжамоадаги организмларнинг *ҳаётий шакларининг* таркиби ва нисбатини билдиради. Масалан, ўрмон биоценозларида дараҳт-буталар ҳукмронлик қилса, ўт ўсимликлардан ташкил топган биоценозларда кўп йиллик ўтлар, куртоқчилик вилоятларда эса бутачалар, чала бутачалар ва бир йиллик ўтлар ҳукмронлик қиласи. Ҳукмронлик қилувчининг ҳаёт шаклларга қараб ҳамжамоанинг қандай ўсимликлар типига мансублигини аниқлаш мумкин. Ҳамжамоада турли ҳаётий шакллар ва турларнинг биргаликда яшаси уларнинг фазода турлича жой эгаллашига олиб келади. Бу ҳолат ўз навбатида ўсимликлар жамоасини горизонтал ва вертикал таркибий қисмларга ажратади. Уларнинг ҳар бири модда ва энергиянинг тўпланишида ва ўзгаришларида алоҳида рол ўйнайди.

Қаватлилик дейилганда ҳамжамоадаги турларнинг тупроқ юзасига нисбатан ҳар хил баландликларда қаватма-қават жойлашганилиги тушунилади. Қаватлилик айниқса, ўртача иқлимли ўрмон биоценозларида яққол кўзга ташланади (9-расм). Ўрмонларда одатда 3 — 5 қаватлилик кузатилади. 1 — 2 қаватлар биринчи, иккинчи ва



9-расм. Ўрмон биоценозининг қаватлилиги:

1 — ер ости қаватлилиги; 2 — тупроқ юзаси қаватлилиги; 3 — паст бўйли буталар; 4 — баланд бўйли буталар; 5 — дараҳтлар.

учинчи даражалардаги дараҳтлар 3-қават буталар, 4-қават ўт ва бутачалар, 5-қават моҳ ва лишайниклар қавати. Ўт ўсимликлардан ташкил топган фитоценозларда 2 — 3 ва 4 қаватлилик кузатилади.

Ҳамжамоадаги ҳар бир қават ўзининг микроКлимига эга бўлиб, ўзига хос ёруғлик, ҳарорат, намлик ва ҳаво таркиби ҳамда ҳаракатига эга бўлади. Кўпчилик ҳайвонлар ҳамжамоанинг бирор-бир маҳсус қаватлилиги билан боғланган бўлмаса-да, умуртқасиз ҳайвонлар кўпинча тупроқнинг ўсимлик илдизи билан боғлиқ ер ости қаватларида яшashi мумкин. Ҳашаротлар тупроқда яшовчи, тупроқ юзасида яшовчи, моҳлар қаватида яшовчи, ўт ўсимликлар қаватида яшовчи ва бошқа турларга ажратилади. Күшлар орасида тупроқ юзасига, буталарга, дараҳтларга уя қурувчилар, дараҳт танаси ва шоҳларидан бошпана куришда фойдаланиш ҳолларига кўпгина мисолларни келтириш мумкин.

Ҳамжамоанинг горизонтал бўйича ажралиши унинг айрим таркибий қисмлари, яъни микрогуруҳчаларни келтириб чиқаради. Улар ҳаёт шароитининг бир хил эмаслигидан дарак беради. Буни тупроқ юзасида яхши кузатиш мумкин. Масалан, дараҳтлар тагида ўт босиб ётган жойлар ёки очик жойлар кузатилади. Ҳамжамоадаги ранг-баранглик ва қаватлилик кабилар бир неча омилларга боғлиқ

бўлиши мумкин. Улар ҳамжамоаларда экологик мувозанатнинг бузилганлигини билдиради. Ҳамжамоанинг биоморфологик спектри ва фазовий тузилмалари ушбу яшаш жойида хилма-хил экологик ўринлар, ташқи муҳитнинг ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш, шунингдек ҳамжамоанинг нисбатан барқарорлиги ва антропоген омилнинг таъсир даражасини ифодалайди.

Трофик тузилмаси. Ҳар қандай ҳамжамоани трофик тўрлар сифатида тасаввур қилиш мумкин, («трофо» — юонча сўздан олинган бўлиб, озиқланиш демакдир). Озуқа тўри, одатда бир неча озиқ занжирларидан иборат бўлади. Ҳар бир озуқа занжирлари ўз навбатида айрим каналлар деб қаралса, улар орқали модда ва энергия ўtkaziladi.

- Турлар таркиби, морфологик тузилма, трофик тузилма, трофик тўр, қаватлилик, индикатор турлар, ранг-баранглик, озуқа занжiri.
- 1. Биоценоз қандай ўзига хос хусусиятларга эга бўлади?
- 2. Ўлчамига кўра биоценозлар неча хил бўлиши мумкин?
- 3. Биоценозда турлар таркиби (хилма-хиллиги) қандай аҳамиятга эга?
- 4. Биоморфологик спектр нимани билдиради?
- 5. Биоценозда қаватлилик тузилмаси қандай келиб чиқади?
- 6. Биоценознинг трофик тузилмасини қандай тушунасиз?
- Куйидаги жадвалга ёнгоқзор ўрмони биоценози мисолида қаватлилик тузилиши бўйича учрайдиган қушлар турларини номланг ва жойлаштиринг

7-жадвал

№	Турларнинг номи	Эгаллаган қаватлилиги
1		
2		
3		
4		

2. Нима учун ҳамжамоа қанчалик мураккаб бўлса, у шунчалик барқарор бўлади? Нима учун турлар сони кам бўлган сунъий ҳамжамоаларда масалан, пахтазорда ялпи зааркунанда ҳашаротлар, бегона ўтлар кўпайиши ва касалликлар кузатилади?

4.2. БИОЦЕНОЗЛАРДАГИ ОРГАНИЗМЛАР ЎРТАСИДАГИ ЭКОЛОГИК МУНОСАБАТЛАР

Тирик организмлар биргаликда яшар экан, уларнинг ўзаро турлича экологик алоқаларда бўлиши ҳам табиийдир. Бундай алоқалар натижасига кўра бирор организм учун уларнинг фойдали ёки заарли эканлиги ҳақида хуоса чиқариш мумкин. Агарда алоқалар икки организмдан бирига фойдали бўлса, қўшув белгиси билан (+), аксинча заарли бўлса, айирув белгиси билан (—), ҳар икки организм учун бефарқ бўлса, нол (0) билан белгиланиб, уларнинг экологик алоқаларини қўйидагича таснифлаш мумкин (8-жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики, организмлар ўртасидаги алоқалар ҳар икки организм учун фойда келтирса, *мутуалистик* муносабатлар келиб чиқади. Бундай муносабатлар *симбиотик* муносабатлар, деб ҳам аталади. Ўзаро фойдали экологик муносабатларга лишайниклар танасидаги сув ўтлар билан замбуруугларни, дуккакли ўсимликлар илдизизда яшовчи тугунак бактерияларнинг биргаликдаги ҳаёти кабиларни кўрсатиш мумкин.

8-жадвал

Экологик муносабатларнинг турлари

Экологик алоқаларнинг турлари	A – организмга таъсир натижаси	Б – организмга таъсир натижаси
Мутуализм	+	+
Комменсализм	+	0
Йиртқичлик	+	–
Паразитлик	+	–
Нейтралитет	0	0
Антибиоз	0	–
Рақобат	–	–

Ҳайвонот оламида эса моллюска чиганоғи ичига кириб яшовчи қисқичбақа билан актини, яъни чумолилар инига кириб яшовчи баъзи қўнғизларни, тимсоҳ билан трохилус деб аталган қуш ўртасидаги алоқаларни мисол қилиб олиш мумкин.

Организмлардан бири қандайдыр фойда күриб, бу ҳол иккинчи организм учун унча зарар келтирмаса *комменсализм* туридаги алоқа келиб чиқади. Масалан, үсимликларнинг эпифит ҳаёт кечириши, ҳайвонлар томонидан мева ва уруғларнинг тарқалиши, акула терисига ёпишиб олган ва ундағи озиқ қолдиқлари билан озиқланаб ҳаёт кечириувчи прилипала балиғини ва бошқа күргина мисолларни келтириш мүмкін.

Организмлар ўртасида кенг тарқалған экологик муносабатларнинг мұхым тури *йиртқычлық* ҳисобланади. Бунда бир тур иккинчи бир турни йўқ қиласи, яъни еб қўяди. Бундай муносабатлар ҳайвонлар ўртасида кўпроқ кузатилиб үсимликлардан ҳашаротхўр үсимликлар (непентес, росянка ва бошқалар) ҳамда баъзи бир йиртқич замбуруғларнинг муносабатларида намоён бўлади.

Бир тур (паразит) иккинчи организмдаги (хўжайнинг) озуқа моддалари ёки унинг тўқималари ҳисобига ҳаёт кечиради. Паразитнинг ташқи мұхит билан бўлган муносабати асосан хўжайнинг организм орқали амалга ошади. Паразит тур хўжайнинг организмнинг маҳсус мұхитида яшайди. Шунинг учун ҳам у, бир томондан экологик фойдали бўлса, иккинчи томондан, тараққиёт даврини ўтказиш учун қийинчилик тутдиради. Үсимликлар орасида паразит турлар чирмовуқ ва шумғия хўжайнинг организмдаги озуқа моддалар билан озиқланади. Паразитлар бир хўжайнинли, икки ва кўп хўжайнинли бўлади. Одам аскаридаги, занги замбуруғи, безгакни қўзгатувчи плазмодийлар икки хўжайнинли паразитлардир.

Антибиоз ҳодисаси дейилганда экологик муносабатда бир организм ажратган заҳарли модданинг иккинчи организмга таъсир этиши тушунилади. Бунга мисол қилиб бактерияларнинг антибиотик моддаларни ажратишини кўрсатиш мумкин. Антибиотик моддалар ўргимчак ипларида, балиқлар увилдиригининг қобиқларида кўп бўлади.

Нейтраллик, бунда икки организмнинг бирга яшашидан уларнинг ҳар бири на фойда, на зарар кўради. Масалан, ўрмонда яшовчи күёнлар билан лосларнинг бир-бирига ҳеч қандай фойдаси ҳам, зарари ҳам йўқ.

Рақобат озуқа, яшаш жойи яқин бўлган турлар ўртасидаги экологик муносабат ҳисобланаб, бундай муносабатлар ҳар икки турнинг зарар кўришига олиб келади. Рақобат турлар ичida ва турлараро бўлиши мумкин. Тур ичидаги кураш кучли бўлиб, унинг асосида табиий танлаш ва тур ҳосил бўлиш каби жараёнлар ётади.

- [!]** Мутуалистик, симбиоз, комменсализм, йиртқичлик, паразитлик, нейтраллик, антибиоз, рақобат.
- [?]**
1. Бир-бirlарига ижобий ва салбий таъсир этувчи қандай организмларни биласиз?
 2. Лишайниклар организмларининг бир-бирига таъсир этиши нуқтаи назардан қандай организм?
 3. Паразит ҳаёт кечирадиган турлар учун экологик қулайлик ва нокулайликлар нималардан иборат?
 4. Рақобатнинг қандай кўринишлари учрайди ва уларга мисоллар келтиринг?
- [*]**
1. Қишлоқ хўжалиги зааркуннадаларига қарши курашда инсон амалда йиртқичлик ва паразитлик муносабатларидан қандай фойдаланади. Сизга маълум бўлған кураш чоралари ва усулларини айтиб беринг, мисоллар келтиринг. Бундан қандай хulosага келиш мумкин.
 2. 9-жадвалда баъзи бир ўсимлик ва ҳайвонларнинг номлари келтирилган. Сиз уларнинг номларини табиатдаги экологик ролларига кўра жадвалга жойлаштиринг.

9-жадвал

Табиатдағы роли	Ўсимлик ва ҳайвоннинг номи
Йиртқичлар	
Комменсаллар	
Паразитлар	

Пантера, аскарида, акула, шумфия, прилипала балифи, бурга, канда, чирмовуқ, хон қизи, ўргимчак, ҳўқиз солитери, ниначи, росянка, салаб (орхис), актиния, рафлезия, сиртлон, лишайник, трипонасома, непентес (ҳашаротхўр ўсимлик).

З-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

«Дараҳтлар» ва «қушлар» (ўйин)

Машгулотнинг мақсади. Атроф-муҳитдаги ўзаро алоқа боғла-нишларни тушуниб олишга ёрдам бериш.

Машгулотнинг бориши. Ўйин кўчада ёки кенг майдонда (спорт майдончаси ёки дам олиш жойларида) ўтказилади. Синф ўқувчи-лари учта тенг гуруҳчага бўлинади. Бир гуруҳнинг вакиллари «дараҳтлар» ролини ўйнайди. Ўйин қатнашчилари ўрмон ҳосил қиласидар. Қолган иштирокчиларнинг барчasi «қушлар» ролини ўйнайдилар. Улар ўрмонда учиб юрадилар. Ўқувчиларнинг ролга киришиб кетишларига бироз вақт беринг.

«Кушлар» берилган топшириқ бўйича дараҳтлардан ўзларига уя куришлари ва тунаш жойларини топишлари керак. Ҳар бир дараҳт иккита шохга эга бўлиб, унга фақат иккита қуш кўниши мумкин.

Ўйиннинг кейинги босқичида тонг отиб, қушлар дараҳтлардан учиб кетадилар. Дараҳтларнинг бир қисми кесиб ташланганлиги маълум қилинади ва 1 — 3 ўқувчи (дараҳтлар ролидаги) ўйиндан чиқиб кетади. Қушлар бепарво учаверадилар, аммо улар яна дараҳтларга жойлашишлари керак.

Вақт етарли бўлса, ўйинни битта дараҳт ва иккита қуш (ғолиблар) қолгунча давом эттириш керак.

Ўрмонда жой етмай қолган «қушлардан» сўранг, улар ўзларини қандай ҳис қилаяптилар? Ушбу ўйин қушларнинг ҳақиқий ҳаётига ўхшайдими? Қандай ўхшашилик ва фарқлар бор?

Баъзи бир қушларнинг бир кўзини боғлаб қўйиб ўйинни давом эттириш таклиф этилиши мумкин. Бунда табиатда ҳайвонларнинг яшаб қолишига қандай шароитлар ёрдам беришини муҳокама қилинг.

4.3. ТАБИИЙ БИОЦЕНОЗЛАР

Ўзбекистон ҳудуди табиий географик тузилиши жиҳатидан текислик ва тоғли қисмларга ажратилади. Шунга биноан, экологик шароитлари, ўсимлик ва ҳайвонлари таркибига қараб 5 та асосий биоценозлар ажратилади:

1. Текисликдаги чўл биоценозлари.
2. Тоғ олди, чала чўллар ва даштлар.
3. Дарё ва дарёбўйи биоценозлари.
4. Ботқоқлик ва сув босган жойлар.
5. Тоғ биоценозлари.

Ҳар бир биоценоз хилма-хил табиий компонентларга эга бўлиб, унда ўсимлик ва ҳайвонларнинг маълум бир ҳамжамоасининг яшashi ва фаолият кўрсатиши таъминланган.

Текисликдаги чўл биоценозлари. Тупроқ хусусиятлари ва унинг юзасининг тузилиши, гидрологик режими, микроиклими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кабиларга кўра қўйидаги турларга бўлинади: қумли, гипсли, шўрхок ва гилли.

Кумли чўл биоценозлари республикамиз текислик қисмининг 27% ини ташкил этиб, у йирик Қизилқум, Каттақум массивларидан иборат. Кумли чўллар иқлими ниҳоятда қурғоқчил ва кескин континенталлиги билан характерланади. Қиши ойларининг паст ҳарорати — 36—32 °C, ёзги ўнкори ҳарорат эса 46 — 47 °C ни ташкил этади. Йиллик ўртacha ҳароратнинг тебраниши 12 — 14 °C. Йиллик ёғингарчилик миқдори жуда кам, 75 — 100 мм дан ошмайди. Ўзбекистоннинг қумли чўлларида тахминан 320 тур гулли ўсимликлар маълум бўлиб, 200 га яқин тури қумда яшовчи *псаммофитлар* ҳисобланади. Псаммофит дараҳт ва буталардан саксовул, қуёнсуяк, қизилча, черкез, сингрен кабиларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг илдиз тизими кучли тараққий этган бўлиб, қумнинг кўчиб юришига мослашган. Қум кўчиш пайтида очилиб қолган илдизлардан янги бачки илдизлар чиқади. Бундан ташқари ривожланиш фазаси эрта бошланади. Чунки ёзning жазира мақоми иссиқ кунлари улар ёзги тиним даврига ўтади. Чала бута ва бутачаларга шувоқ, бўритикон ва мингбошлар киради. Псаммофитлар қопламида ўт ўсимликлар алоҳида ўринни эгаллади. Айниқса, бир йиллик ўтлар кўп учрайди, улар куз, қиши, баҳорда, ёз ва кузда вегетация қилувчи ва қисқа вегетация қилувчи эфемерларга бўлинади. Учма, қўшоёқ, арпафон, ёввойи ўсма, сариқбош каби эфемерлар апрел-май ойлари гуллаб уруғлайди. Тараққиёт даври узоқ давом этадиган (баҳор — ёз — куз) кўчма қумларда қумарчиқ, ошиқўт, сарисоғон кабилар тарқалган. Кўп йиллик ўт ўсимликларга илоқ, майдаселеу, эркакслеу, урғочиселеу, ёввойи пиёзлар, бойчечак, лола, коврак, сассиққурай, чойчўп кабиларни мисол қилиб олиш мумкин.

Кумли чўл фаунаси 200 га яқин турдан ташкил топиб, улардан 16 тур судралиб юрувчилар, 150 тур учувчи ва уя қурувчи қушлар ҳамда 22 тури сут эмизувчилар ҳисобланади. Энг характерли псаммофил турлар — шалпангқулоқ ва юмaloқ бош калтакесаклар, калтакесак ва баъзи бир қўшоёқлар, кемирувчилар орасида юмон-қозиқлар кенг тарқалган. Қушлар орасида эса 50 га яқини қумли чўл шароитига мослашган турлар бўлиб, улар саксовулзорларга уя қурадилар. Бундан ташқари қумли чўллар қушларнинг миграция вақтида дам олиб ўтиши (қўниб ўтиш) ва 30 дан ортиқ турдаги шимолда яшовчи қушларнинг қишлишига хизмат қиласи. Қумли чўллардаги ҳайвонлар турли йўллар билан чўл шароитига мослашган: уларнинг баъзилари ноқулай ҳароратдан «қочиб» кутулса (тошбақа ёзги уйқуга кетиб), бошқа ҳайвонлар (дашт агамаси,



10-расм. Күмли чўл биоценозлари.

юмалоқбош калтакесак, тўрсимон калтакесак) ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартиради, яъни дараҳтларнинг шохларига чиқиб олади. Чўл иқлими шароити ҳайвонларнинг ташқи тузилишига ҳам таъсир этган. Жумладан, юмронқозик, катта ва қизил думли қум сичқонларининг орқа томони қалин туклар билан қогланган. Тувалоқнинг бармоқлари остида мугуз қавати яхши ривожланган. Жазира маассиқ ва қурғоқчиликка судралиб юрувчиларнинг қаттиқ тангачалари ва қалқонлари яхши мослашган. Кундузги калтакесакларда уларнинг қорин бўшлиғида жойлашган органларини юқори ҳароратдан ҳимоялаш учун қора рангдаги ички қобиқ бўлади. Баъзи бир судралиб юрувчиларнинг орқа оёқларида узун бармоқлар ва тирноқлар

бўлиб, уларнинг ёnlаридан мугуз ўсимталар ўсиб чиқади. Булар товоннинг таянч юзасини оширади ва тез югуришига ҳамда қумга ботиб кетмаслигига имкон беради. Кўшоёқларнинг орқа оёқларида узун туклар бўлиб, улар панжа юзасини оширади. Юмронқозиқларда эса панжа ёnlаридан узун қаттиқ туклар ўсиб чиқади, бундан ташқари уларнинг бармоқлари ва тирноқлари анча узун бўлади. Шунингдек, ёғ қатламлари ҳам ҳайвонларни (қиши кунлари) оч қолганларида уни енгишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, қумли чўл биоценозида (10-расм) тирик организмларнинг ҳаётини чекловчи омиллар бу атмосфера ёғинларининг камлиги, яъни курғоқчилик ҳамда ўсимлик ва ҳайвонларнинг танасида намлики йўқотишни кучайтирувчи шамоллар уларга салбий таъсир этади.


Кумли чўлда унинг табиий бойликларидан комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини тез суръатларда ривожлантириш, яйлов чорвачилигининг бекиёс даражада ўсиши кейинги чорак аср мобайнида унинг қиёфасини кескин ўзгартириб юборди. Саноат тармоқлари, агросаноат комплекслари, турли маъданларни қазиб олиш кенг миқёсда ўсиши билан бирга табиий бойликлардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида қумли чўлларда нохуш ҳодисаларнинг келиб чиқиши ҳоллари кўпайиб бормоқда. Кўйлар сонининг кўпайиши, яйловлардан оқилона фойдаланиш қоидалигига риоя қилмаслик, маҳсулдорликни борган сари камайтириб юбормоқда.

Бургулаш ишларига қудуқлар сувларини кўп ишлатиш сув сатҳининг пасайиб кетишига маълум даражада таъсир кўрсатмоқда.

Фойдаланишдан чиқиб қолган яйлов массивларида қўй боқилишининг чекланиши ушбу жойларда ўсимликларнинг қайта тикланишини яхшилайди, яйловлар дам олади, маҳсулдорлик ошади. Хуллас, аввалги табиий шароит қайта тикланади.

Яйловлар минглаб қудуқлар таъсирида ҳам кўплаб зарар кўрмоқда. Ҳар бир бургуланётган қудуқ Қизилқумда 1 гектардан ҳам кўпроқ майдонни топтайди ва қуритади, кейинчалик уларнинг қайта тикланиши учун камидә 10 йил керак бўлади. Қумли чўлларда экологик вазият гидротехник иншоотлар қурилиши натижасида ҳам бузилади. Қумли тупроқ тарқалган жойларда ўзандан қазиб олинган қум тўкилганда, шамол уларни икки томонга тўзитади.

Кейинги йилларда қумли чўлларда яйловлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида 120 минг гектар ҳаракатдаги қум ўзлаштирилди. 30 минг гектар ерда механик тўсиқлар ўрнатилди ва ушбу яйловларда қандим, черкез каби қумни мустаҳкамловчи ўсимликлар экилди.



11-расм. Чүл биоценозидаги организмлар ўртасидаги озуқа боғланишлар түри.

- !** Псаммофитлар, псаммофиллар, эфемерлар.
- ?**
 - Күмли чүллар иқлеми қандай хусусиятга эга?
 - Псаммофит экологик гурухға қайси үсимлик турлари киради?
 - Псаммофил экологик гурухға қайси ҳайвон турлари киради?
 - Эфемерлар қурғоқчыл ва иссиқ шароитдан «қочувчи» үсимликлар гурухы дейилади. Буни изоҳлаб беринг!
 - Чүл биоценозидаги ҳайвонларнинг нокулай шароитта мослашишларига мисоллар көлтириңг?
 - Чүлга инсон фаолиятининг таъсири қандай?
 - Чүлдеги экологик вазиятни яхшилаш мумкинми?
- *** 11-расмда чүл биоценозидаги түрли хил организмлар рақамлар билан белгилаб қўйилган. Стрелкалар ёрдамида доира ичига олинган рақамлардан фойдаланиб, айрим озуқа занжирларини тузинг.
Топшириқни бажариш учун намуна.

4.4. ТОҒ БИОЦЕНОЗЛАРИ

Рельеф, иқлим ва бошқа хусусиятларга кўра тоғ биоценозлари тоғ олди чала чўллари, тоғ ўрмон арчазорлари, субалп ва алп ўтлоқзорлари биоценозларига ажратилади.

Тоғ ўрмон биоценозлари 218,2 га майдонни ташкил этиб, денгиз сатҳидан 800—1000—2500—2800 м гача бўлган баландликларни ташкил этади. Минтақанинг рельефи жуда мураккаб, унинг асосий ўсимликлар қоплами дараҳт-буталардан иборат бўлиб, улар дашт ўтлоқзорлари ёки яланг очиқ қоялар бўйлаб тарқалган. Тупроғи асосан кўнғир, баъзан сернам жойларда кўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари учрайди. Йиллик ўртacha ҳарорат 8 °C дан 10—12 °C гача ўзгариб туради. Йиллик ёғингарчилик миқдори 400 — 600 мм.

Йирик тоғ ўрмонлари кўпроқ Фарбий Тяншаннинг Угом, Писком, Чотқол ва Қоржантоғ тизмаларида тарқалган. Ўрмон ҳамжамоасининг флористик тарқибини 47 турдаги дараҳтлар ва 96 турдаги буталар ташкил этади. Ўзбекистон тоғ ўрмонлари тоғ жинсларининг таркиби ва яшаш шароитларига кўра икки гуруҳга ажратилади: 1. Ёнбағирлардаги ўрмонлар. 2. Водий ўрмонлари.

Реликт ўрмонлар ёнгоқзор, чинор ва оддий хурмозорлардан иборат. Тоғ ўрмонларида намлиқ етарли бўлгани учун асосан

10-жадвал

№	Доминант турлар	Субдоминант турлар	Ассектатор турлар	Ноёб турлар
1	Ёнгоқ	Дўлана	Писта	Ширач
2	Олма	Туранғил	Заранг	Лола
3	Тоғолча	Тубулғи	Зирк	Ўзбекистон чиннигули
4	Кўнғирбош	Наъматак	Учқат	
5	Так-так	Иргай	Маймунжон	
6		Камхастак	Дастарбош	
7		Шилви	Кийикўт	
8			Қизилмия	
9			Эрмон	
10			Кўкўт	
11			Ўлмасўт	
12			Оқсўхта	

мезофит дараҳат буталари сони күпчиликни ташкил этади. Туб тоғ жинслари ва тошлоқ қояларда эса тиканли ўт ўсимликлар ва тоғ ксерофитлари ўсади.

Ёнгоқзор ўрмонларида 232 турдаги ўсимликларни учратиш мүмкін, уларни 48 оила ва 167 түркүмга мансублиги аниқланган. Булардан ташқари ёнгоқ дараҳти танаисида синузия ҳосил қилувчи мохлар, лишайниклар ва паразит ҳолда яшовчи пүкак замбуруғлари қайд этилган. 10-жадвалда ёнгоқзор ўрмонларидаги турларнинг сифат таркиби келтирилган.

Тоғ биоценози учун баъзи қушлар: оқ қанотли қизилиштон, зағизғон, чуғурчиқ, бухоро читтаги, қумри, катта қумри, говкаптар, жаннат ва кулранг узун қўйруқ, мойқутлар, қора қарға, зарғалдоқ, ялтирибуш саъва, ваҳмақуш; сут эмизувчилардан — бўрсиқ, ёввойи чўчқа, ўрмон олмахони; судралиб юрувчилардан эса туркистон ва ҳимолай агамаси, чўл яланг кўзи, Ўрта Осиё қора илони ва қалқонтумшуклар характерлидир. Ҳар бир тур ҳайвон яшаш тарзига кўра биоценоздан ўрин олган. Шу билан биргаликда бошқа организмлар билан экологик алоқа — боғланишларда бўлади. Натижада ҳайвонлар ҳам қаватлилик бўйича жой олади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ёнгоқзор ўрмонларда 5 та ер устки қаватлилик ажратилса, бундан ташқари ер ости қаватлилик ҳам мавжуд. Фарғонадаги ёнгоқзор ўрмонлари тагидаги 1 m^2 тупроқ қатламида 31000 та умуртқасиз ҳайвонлар мавжудлиги аниқланган. Бу ерда ёмғир чувалчанглари ўзига хос ўрин эгаллайди. Улар ўсимлик қолдиқлари билан озиқланиб тупроқ хусусиятларини яхшилайди. Тупроқ қатламини юмшатишда чумолилар, ерқазирлар ва кемирувчилар ҳам катта рол ўйнайди. Уларнинг тупроқ остидаги фаолияти тупроқни сув ва ҳаво режимларини яхшилашга ёрдам беради.

Тоғларнинг ўртача баландликлардаги ёнбағирлари асосан арчазорлар, қуйироқ қисмида ёнгоқзор, бодомзор, олмазор, дўланазор, пистазорлар, турли хил бута ва баланд ўт ўсимликлари билан қопланган. Тоғли ўрмонларнинг кўпчилик қисми сийраклиги, баъзи жойларда эса уларнинг бутунлай йўқолиб кетганлиги маълум. Шунинг учун тоғ ёнбағирларида ўйдим чукурликлар ҳамда тик жарликлар вужудга келган, кўп жойларда тупроқлар ювилиб кетган. Нураш ҳодисаси натижасида тоғ жинслари очилиб қолган.

Тоғ ёнбағирларида дараҳатзорлар, яъни сунъий ўрмонзорлар вужудга келтириш йўли билан сел ва сурилма ҳодисаларнинг олдини олиш борасида республикада қатор ишлар олиб борилмоқда. Кейинги йилларда тоғ ёнбағирлари терассаларга бўлинниб, турли хил

дарахтлар экиш йўли билан ўрмонзорлар, ёнгоқзорлар ҳамда мевали боғлар яратилмоқда. Шунингдек, кучли селларнинг олдини олиш мақсадида сойлар ва дарёларнинг маълум қисмларида селхоналар барпо этилмоқда.

Тоғ ёнбағирларининг ўртача баландликларида экологик мувоза-нат оғир аҳволда. Чунки ушбу ерларда эрозия, суримла, сел каби фалокатли ҳодисалар тез-тез бўлиб туради. Тоғ жинсларининг тупроқ-ўсимлик-сув компонентлари орасидаги ўзаро экологик боғланиш бузилган. Ушбу боғланишни қайта тиклаш учун ёнбағирларни терассалаш йўли билан режали равишда турли мевали ва мевасиз дараҳтзорларни ташкил қилиш, турли тоғ мелиоратив тадбирларини амалга ошириш керак.

- ! Реликт ўрмонлар, синузия, доминант тур, ассектатор тур, ноёб тур, эрозия, мелиорация.
- ? 1. Тоғ ўрмон биоценозининг ўзига хос ҳусусиятлари нималардан иборат?
 - 2. Тоғ ўрмонларида қандай экологик гуруҳлардаги ўсимликлар учрайди?
 - 3. Ёнгоқзор ўрмонида сифат жиҳатидан фарқланувчи қандай турлар ажратилади?
 - 4. Ёнгоқзор ўрмонларида қандай сут эмизувчилар учрайди?
 - 5. Ҳайвонлар ўрмон биоценозида неча қаватлилиқда жойлашади?
 - 6. Ўрмонларнинг ҳолатини яхшилаш борасида инсоннинг ижобий таъсиrlари нималардан иборат?
- ★ Кўлланмадаги матн маълумотларидан фойдаланиб, ёнгоқзордаги ўсимлик ва ҳайвон турларини қаватлиликлар бўйича қўйидаги жадвалга жойлаштиринг.

11-жадвал

Ўсимликлар		Ҳайвонлар	
Қаватлилик	Ўсимлик турининг номи	Қаватлилик	Ҳайвон турининг номи
I		I	
II		II	
III		III	
IV		IV	
V		V	

4.5. ДАРЁ ВА ДАРЁ БҮЙИ БИОЦЕНОЗЛАРИ

Улар республикамизда Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг атрофи ҳисобланиб, унинг таркибига тўқайлар киради. Тўқайлар Амударё, Сирдарё, Сурхандарё, Зарафшон ва Чирчик бўйларида узун тор ёки оролчалар шаклида сақланиб қолган. Тўқайларнинг умумий майдони 1660 минг гектарни ташкил этади. Тўқайзорларнинг флористик таркибига 285 тур юксак ўсимликлар (улар 35 оила ва 105 туркумга мансуб) киритилган (12-расм).

Тўқайзор биоценозларида асосан жингил, туранғил, тол, чақанда, юлғун каби буталар; оқ нилуфар, ажриқ, тарвузпалак, қамиш, савағич каби кўп йиллик ўтлар учрайди. Тўқайзорлар деганда дараҳт буталар ва қалин ўт ўсимликлар қопламидан иборат ўсимликлар ҳамжамоаси тушунилади. Тўқайзор биоценози ҳам маълум қаватлилик ҳосил қиласиди. Кўйида тўқайзор биоценозининг қаватлилик тузилиши билан танишамиз.

I қаватлилик — туранғил, жийда, толлар.

II қаватлилик — юлғун, жингил, бутасимон тол.

III қаватлилик — қамишлар, ширинимия, савағич, янтоқ.

IV қаватлилик — замбуруғлар ва моҳлар.

Тўқайзор намликка бой бўлғанлиги учун у ерда амфибиялар кенг тарқалган. Судралиб юрувчилардан одатда, яланг кўз, сариқ илон ва нисбатан қуруқ жойларда калтакесаклар учрайди. Тўқайзорларда чипор илон, сув илони, қора илонлар бўлиши табиийдир. Тўқай учун энг характерли күш тустовуқдир. Бундан ташқари қора қарға, загизғон, майда чумчуқсимонлар учрайди. Кўккўтон, қоравойлар колониялар ҳосил қиласиди. Калхат, тош қирғий ва бошқа күшлар тўқайзорларга ин қиради. Сут эмизувчилардан асосан йиртқичлар—тўқай мушуги, чиябўри, бўрсик, тулки; кемирувчилардан — қум сичқон, каламуш, каспий дала сичқони; туёқлилардан эса тўнғиз ва бухоро буғуси яшайди.

Хулоса қилиб айтганда, биз юқорида танишиб чиққан биоценозлар мураккаб ҳаёт жараёнларига эга бўлиб, уларнинг ҳаёти ташқи муҳит омилларининг ўзаро таъсиrlари асосида назорат қилинади ва бошқарилади. Шу билан бирга биоценозлар таркибига кирган организмлар бир-бирига ҳам таъсир этади. Биоценознинг барча таркибий қисмларининг ўзаро алоқаси атроф-муҳитни ўзгартиради.

Тўқайлардан хўжалик эҳтиёжлари учун оқилона ва унумли фойдаланиш мумкин. Бунинг учун тўқайларга терак, қайрагоч, шумтол, тут шунингдек шўрга чидамли бўлган бошқа ўсимликларни экиш тавсия этилади. Булардан ташқари, намга чидамли қоратол, оқтол ва мирзатераклар экиш мақсадга мувофиқ. Тўқайзорлардан чорва моллари учун ем-хашак тайёрлашда, хилма-хил қурилиш



12-расм. Дарё бўйи (тўқайзор) биоценозлари.

материалларини олишда самарали фойдаланиш мумкин. Катта-катта майдонларнинг ўзлаштирилиши натижасида бугунги кунда тўқайзорлардан бўшаган ерлардан маданий ўсимликларни етиштиришда фойдаланилмоқда. Келажакда тўқайларга мевали дараҳтлар экиш режалаштирилган.

- 1. Тўқайзор деганда қандай ўсимликлар ҳамжамоаси тушунилади?
- 2. Тўқайзор биоценозининг флористик таркиби қандай?
- 3. Тўқайзор биоценозида неча қаватлилик ажратилади ва ушбу қаватлиликларда жойлашган турларни айтиб беринг?
- 4. Тўқайзор учун хос бўлган ҳайвонларни санаб беринг?
- 1. Дарслидаги матн маълумотларидан фойдаланиб, тўқайзорда учрайдиган ўсимлик ва ҳайвонларни экологик гурухларга ажратинг.
- 2. Тўқайзор тупроқларида шўрланиш вужудга келади. Шўрланиш қандай экологик ўзгаришлардан келиб чиқади ва қандай оқибатларга олиб келади. Жавобингизни мисоллар билан изоҳлаб беринг.

4.6. ЭКОТИЗИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ


Ҳар қандай тирик организмлардан иборат бўлган ҳамжамоа жонсиз табиат билан биргаликда фаолият кўрсатиши экотизимни ташкил этади. Экотизимларга чўл, ўрмон, ўтлоқзор ёки ҳовузлар мисол бўла олади.

Ҳавузларда гидробионтлар билан биргаликда сувнинг физик хоссалари ва кимёвий таркиби, ҳовуз туби рельефининг хусусиятлари, грунтнинг таркиби ва тузилмаси, шунингдек сув юзасига тушаётган қўёш нури ва атмосфера ҳавоси кабилар экотизимнинг таркибий қисмлари ҳисобланади (21-расмга қаранг).

Экотизим жуда кенг тушунча. У табиий (масалан, ўрмон, тўқай, чўл) ҳамда сунъий мажмуаларга (масалан аквариум, пахтазор, иссиқ хона, космик кема) нисбатан ишлатилади.

Шунинг учун эколог олимлар табиий экотизимлар ҳақида гап боргандা биогеоценоз атамасидан ҳам фойдаланадилар. Биогеоценоз Ер юзасининг маълум қисмида тарихан таркиб топган, тирик организмлар (биоценозлар ва абиотик мұхит) йиғиндиқсиздан иборат (13-расм). Биогеоценознинг чегаралари унинг таркиби ҳисобланган ўсимликлар ҳамжамоаси билан белгиланади. Ҳар бир биогеоценоз ўзига хос модда ва энергия алмашинуви тури билан тавсифланади.

Экотизимда моддалар алмашинишини таъминлаш учун маълум миқдорда анерганик моддалар захираси ва бажараётган иши жиҳатидан уч хил экологик гуруҳни ташкил этувчи организмлар бўлиши зарур. Биринчи гуруҳга яшил ўсимликлар киради. Улар қуруқликдаги ҳар қандай биоценознинг асосий таркиби ва энергия



13-расм. Биогеоценознинг схемаси.

манбаи сифатида хизмат қиласы. Бундай автотроф организмлар *продуцентлар* деб аталади. Продуцентлар ассимиляция жараёнида түппланган энергияни бошқа организмларга берувчилардир. Фотосинтез қилувчи организмлар қүёш энергияси иштирокиде органик моддаларни синтез қилиб, ёруғлик энергиясини боғланган кимёвий энергия сифатида фамлады.

Сув ҳавзаларидағи экотизимларда, яғни денгиз, океанлар ва күлларнинг юқори қатламларида яшовчи майда бир ҳужайралы организмлар ва сув ўтлари продуцентлар сифатида фаолият күрсатади.

Куруқлиқда катта ўрмонлар ва яйловларни ташкил этувчи юксак ўсимликлар дастлабки органик модда түплашда катта ўрин эгаллады.

Иккинчи гурухға ҳайвонлар киради. Улар ўсимликлар түплаган органик моддани истеъмол қилувчилар ҳисобланади ва *консументлар* деб аталади. Консументлар ўз навбатида I, II, III тартибларда бўлиши мумкин. Биринчи тартибдаги консументларга продуцентлар билан озиқланувчи ўтхўр ҳайвонлар киради. Ўтхўр ҳайвонларга ҳашаротларнинг кўпчилик вакиллари, сут эмизувчилар орасида кемиравчилар, туёқлилар ва башни бир судралиб юрувчилар ва қушлар киради.


Сув ҳавзалари экотизимларида ўтхўр ҳайвонлар, одатда моллюскалар ва майда қисқичбақасимонлар ҳисобланади. Уларнинг вакиллари сувдаги майда сув ўтларини фильтрлаш усули билан озиқланади.

Иккинчи тартибдаги консументлар ўтхўр ҳайвонлар билан озиқланади. Булар учинчи тартибдаги ҳайвонлар билан бирга ўтхўр ҳайвонлар деб қаралади. II ва III тартиблардаги консументлар йиртқичлар бўлиши мумкин. Шунингдек, ўлакса билан озиқланувчи ёки паразит ҳайвон бўлиши мумкин.

Ўсимлик қолдиги ва ҳайвон жасади ўзида энергия сақлады. Нобуд бўлган ўсимлик ва ҳайвонлардаги органик модда микробиорганизмлар, яғни сапрофит ҳолда яшовчи бактериялар ва замбуруғлар таъсирида парчаланади. Бундай организмлар *редуцентлар* деб аталади.

14-расмда биосферада мавжуд бўлган иккى хил ҳамжамоанинг соддалаштирилган тузилмаси келтирилган. Улардан бири қуруқлиқдаги ўтлоқзор, иккинчиси эса сув муҳитидаги, яғни ҳовуз, кўл ва денгиз бўлиши мумкин. Ушбу экотизимлар бир-бирларидан организмларнинг таркиби (бактериялардан ташқари) билан кескин фарқ қиласы.

Куруқлиқдаги экотизимда автотрофлар одатдаги йирик юксак ўсимликлар ҳисобланса, сув ҳавзасида эса автотроф организмлар




14-расм. Куруқлик ва сув биогеоценозларининг умумий тузилмасини тақдослаш:

I — органик модда ҳосил қиласидаган ўсимликлар: a — юқори ўсимликлар; b — сув ўтлар; II — органик маддаларни истеъмол қиласидаган ҳайвонлар: a — ўсимликтар; b — этхўллар; III — аралаш озиқланадиган ҳайвонлар

сифатида микроскопик сув ўтлари, яъни фитопланктонлар қатнашади. Шундай қилиб, трофик даражаларни ифодаловчи трофик тўрининг таркиби продуцентлар ва I, II, III тартиблардаги консументлар ва бошқа йиртқичларнинг барчаси ҳамжамоанинг *трофик тузилмасининг кўрсаткичи* ҳисобланади.


Экологик тизимларнинг энг муҳим таркибий қисмлари 15-расмда кўрсатилган. Бунда ҳар бир трофик даражада айрим блок сифатида қаралиб стрелкалар модда ва энергиянинг йўналишини билдиради.

Ўсимлик ва ҳайвон организмлари тузилиши учун зарур бўлган кўпчилик маддалар (углерод, азот, фосфор, кальций) бир блокдан иккинчисига ўтиб туради. Юқори трофик даражаларда турган организм қуий даражадаги организм билан озиқланади. Ниҳоят, редуцентлар таъсирида барча маддалар абиотик мұхитга қайтади. Экотизимларда ана шундай маддаларнинг кўчиб юриши, *моддаларнинг айланиси* дейилади (16-расм).



15-расм. Озуқа занжирі.

- Экотизим, биогеоценоз, гидробионт, фитопланктон, продуентлар, консументлар, редуентлар, трофик түзилма құрсақчи, маддалар айланиши.
- 1. Экотизим нима?
2. Биогеоценоз экотизимдан қандай хусусияти билан фарқланади?
3. Экотизимнинг асосий таркии қысмларини санаб беринг?
4. Продуентлар қандай организмлар бўлиши мумкин?
5. Консументларнинг экотизимдаги роли қандай?
6. Редуентларнинг экотизимдаги роли нимадан иборат?
7. Маддалар айланишини сиз қандай тасаввур қиласиз?
- 1. Қўлланмадаги 15-расмда озуқа занжирі схематик равишда берилган бўлиб, унда продуентлар, үтхұрлар, этхұрлар ва парчаловчилар иштирок этган. Куйидаги организмлар қайси трофик даражаларга мансуб?




16-расм. Табиятда азотнинг айланиши.

2. Автотрофлар (1), бир йиллик ўтлар (2), гетеротрофлар (3), қўйлар (4), балиқлар (5), делфинлар (6), консументлар (7), арилар (8), буталар (9), фитопланктонлар (10), бўри (11), парчаловчилар (12), микроблар (13). Ҳар бир организм учун мос келган рақамларни қўйидаги тартибда жойлаштириб чиқинг!

Продуцентлар.....
 Ўтхўрлар.....
 Этхўрлар
 Парчаловчилар

3. Ҳамжамоада энергия оқимининг йўналишини 17-расмда кўрсатилган организмлар бўйича стрелкалар орқали ифодаланг.



17-расм. Ҳамжамоада энергия оқимининг йўналиши.

4.7. ОЗУҚА ЗАНЖИРЛАРИ ВА ЭНЕРГИЯНИНГ САРФЛАНИШИ

Продуцентлар тўплаган маҳсулот ва ундаги энергия биоценоз таркибидаги бошқа организмлар ўртасида озуқа занжири орқали тақсимланади. *Озуқа занжирни* деб ҳар бир организм ўзидан кейинда турган организм учун озуқа бўлиб хизмат қилиши тушунилади. Ушбу занжирдаги организмлар айрим бўғинларни ташкил этади. Экотизимларда озуқа занжири 2 турга ажратилади. 1. Сарфланиш. 2. Парчаланиш. Сарфланиш озуқа занжиринда бошлангич бўғин яшил ўсимлик ҳисобланса, парчаланиш занжирни эса организмларнинг ўлик қолдиқларидан бошланади. Биоценозда бир неча озуқа занжирлари шаклланади. Озуқа занжиридаги организмлар одатда бир-

бирлари билан ўзаро боғланиб кетган ҳолда озуқа түрини ҳосил қиласи.

Биоценозда озуқа занжирлари ва тўридан ташқари трофик даражалар ҳам ажратилади. Трофик даражса бир хил озиқланиш характеристига эга бўлган организмларни бирлаштиради. Одатда, биоценознинг ер устки қисмидаги трофик даражалар қуйидагича: I — ўсимлик; II — ўтхўр ҳайвон; III — майда йиртқичлар; IV — йирик йиртқичларга ажратилади.

Энергиянинг трофик даражаларининг биридан иккинчисига ўтиш жараёнини кўриб чиқайлик. Организм қабул қилган озуқани ҳазм қилиб ўлаштиради. Лекин озуқани бир қисми (ҳазм бўлмаган) организм ахлати орқали ташқарига чиқариб юборилади. Энергиянинг асосий қисми организмнинг ўсиши ва ривожланиши учун сарф бўлади, қолган қисми нафас олиш ва бошқа жараёнларда чиқиб кетади.

Озуқа занжирларига доир мисоллар табиатда кенг тарқалган ўтхўр ҳайвонларнинг ўсимликларни истеъмол қилиши, гўнгхўр ва ўлаксаҳўр ҳашаротлар ҳамда чиритувчи микроорганизмларнинг ҳайвон чиқиндилари ва ўлаксалари билан кун кўришлари ҳаммага маълум. Лекин табиий шароитда озуқа занжирлари мураккаб ва кўп бўғинли бўлади. Организмлар орасида ҳам гўштхўр, ўтхўр ва ҳар хил озуқани истеъмол қиласидан турлар оз эмас. Озуқа занжирларининг бошланиши сифатида яшил ўсимлик иштирок этган қуйидаги мисолни кўрсатиш мумкин:




Трофик занжирлар фотосинтез қилувчи организмдан бошланса, *сарфланиш занжири* деб аталади (18-расм). Биогенозлардаги энергетик жараёнларни ўлчаш учун биомасса калорияга айлантирилади. Консументлар, продуцентлар билан озиқланиши натижасида ўзгарган органик моддалар энергияси организм танасида органик моддалар ҳосил қилишга, бир қисми нафас олишга ҳамда озуқа топиш учун ҳаракатларга, душманлардан яширинишларга ва бошқаларга сарф бўлади. Тахминий ҳисобларга кўра, трофик занжирларда энергиянинг бир организмдан иккинчисига ўтишида унинг 30%и йўқолиб кетади. Агарда ўсимлик организмнинг энергияси 1000 Ж калорияга teng бўлса, ўтхўр ҳайвон томонидан ўзлаштирилгандан сўнг 100 Ж қолади.

Ўлик органик моддалар парчаланиши натижасида озуқа занжирига қўшилади. Ушбу озуқа занжиринида ҳам ўзига хос трофик даражалар мавжуд: I трофик даражаси — ўсимлик, ҳайвон қолдиқлари



18-расм. Сарфланиш занжири.



19-расм. Парчаланиш (детрит) занжири.

ва органик моддалар қолдиги; II трофиқ даражасы — майдада ва ўртача катталиктаги ҳайвонлар, сапробофаг ва сапрофитлар; III трофиқ даражасы — иккинчи трофиқ даражасы ҳисобига ҳаёт кечириувчи йиртқичлар ва паразитлар; IV трофиқ даражасы — учинчи трофиқ даражасы ҳисобига ҳаёт кечириувчи йиртқичлар ва паразитлар.

Шундай қилиб, экотизимларда трофиқ даражалардан бир бүндан иккинчисига тұхтосыз энергия оқып тұради. Агарда озуқа занжири үсімлік қолдиклары, ҳайвон жасады ёки чириндилдерден бошланса, *парчаланиш (детрит)* занжири деб аталади. Масалан:



Парчаланиш озуқа занжирида энергия оқымы сарфланиши озуқа занжиридең боради (19-расм).

Турли экотизимларда энергия оқымынинг сарфланиш занжири орқали ўтиш құвваты ва тарқалиши турлича бўлади.

- ! Озуқа занжири, озуқа түри, трофиқ даражалар, сарфланиш занжири, детрит занжир.
- ? 1. Озуқа занжири деб нимага айтилади?
2. Озуқа занжири неча хил бўлади?
3. Трофиқ даражалар неча турга ажратилади?
4. Трофиқ даражаларда энергия ёки маҳсулот қандай ўзгаради?
5. Детрит занжир сарфланиш занжиридан нима билан фарқ қиласди?
- * 1. Экотизимнинг фаоллик кўрсатиши учун ташқаридан энергия қабул қилиб туриши шартми? Жавобингизни атрофлича изоҳлаб беринг.
2. Нима учун трофиқ даражаларнинг умумий сони 3—4 дан ошиб кетмайди. Жавобингизни табиатда кузатган тажрибалар асосида мисоллар билан тушунтиринг.

4.8. ҲАМЖАМОАНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИ

Популяцияларнинг энг муҳим фаоллик ҳусусиятларидан бири ўз-ўзидан тикланиши эди. Ҳудди шунингдек, ҳамжамоаларнинг муҳим фаоллик кўрсаткичи унинг айрим таркибий қисмларининг (автотроф ва гетеротроф, трофиқ даражалар айрим турларнинг популяциялари) яъни, биомасса ҳосил қилинни ҳисобланади. Ушбу ҳусусият *маҳсулдорлик* тушунчаси билан бөлглиқ бўлиб, қишлоқ хўжалиги ёки бошқа экотизимларга нисбатан ишлатилади.

Биомассанинг ҳосил бўлиш тезлиги маҳсус кўрсаткич ҳисобланаб, экологияда маҳсулот миқдори билан аниқланади. Популяциянинг маҳсулоти вақт бирлиги мобайнида унинг биомассасининг ортишини ифодаловчи қийматдир. Трофик даражаларнинг маҳсулоти бўлса, ушбу трофик даражага эгаллаган барча популяциялар маҳсулотининг йифиндиси ҳисобланади. Маҳсулот ҳақида гап кетганда кўйидагиларни ҳисобга олиш даркор:

1. Янги биологик моддаларни синтез қилиш, организмнинг ўсиши ва янги индивидларнинг туғилиши ҳисобига ҳосил бўлади; ҳар икки ҳолатда ҳам маълум миқдордаги моддалар ва энергия сарф бўлади. Автотроф организмлар ушбу ресурсларни қўёш нури энергияси ва минерал моддаларнинг захирасидан ўзлаштиради. Гетеротроф организмлар учун эса ресурс сифатида олдинги трофик даражаларда турган организмлар хизмат қиласди.

2. Янги моддаларни тўплаш узлуксиз давом этадиган жараён, шунинг учун маълум вақт оралиғида организмларнинг умумий маҳсулорлиги ҳисобланганда айни вақтда яшаб турган индивидлар билан бирга ушбу давр орасида нобуд бўлган индивидлар ҳам ҳисобга олинади. Чунки улар нобуд бўлмагандан ҳамжамоада маҳсулотни ҳосил бўлишида иштирок этган бўлур эди.

3. Соғ маҳсулорлик ёки ҳақиқий биомассанинг тўпланиш тезлиги организмлар томонидан ўзлаштирилган озуқаларга нисбатан доимо умумий энергиядан кам бўлади, чунки унинг бир қисми нафас олишга ёки организмларнинг нобуд бўлишида сарф бўлади.

4. Маълум трофик даражанинг ҳақиқий маҳсулорлиги навбатдаги трофик даражадаги организмларни озуқага бўлган талабини қондирса, ҳамжамоада барқарорлик ҳолати сақланади. Аксинча, ушбу трофик даражадаги умумий захира биологик моддалар секин-аста емирилиши ҳисобига камайиб боради.

5. Қуий трофик даражалардан юқори трофик даражаларга ўтган сари энергия ҳам, маҳсулорлик ҳам камайиб боради.

Маҳсулорликни одатда, энергетик эквивалентларда (масалан, бир суткада 1m^2 майдонда Жоуль ёки калория) ёки қуруқ органик модда (масалан бир йилда 1 га майдонда килограмм ҳисобида) миқдори билан ифодаланади. Ўсимликлар (продуцентлар) тўплаган биомасса тезлиги **бирламчи маҳсулорлик** дейилади. Фотосинтез жараёни натижасида ҳосил бўлган ҳақиқий **бирламчи маҳсулорлик** (ўсимлик массасининг ҳақиқий ортиши) доимо умумий энергиядан кам бўлади. Ўсимликлар тўплаган бирламчи маҳсулот гетеротроф организмлар (ҳайвонлар, замбуруғлар, бактериялар) учун озуқа ҳисобланади. Гетеротрофлар тўплаган биомассанинг тезлиги **иккиласмчи маҳсулорлик** деб аталади.

Маҳсулорлик экотизимларнинг **унумдорлигини** тавсифлайди.

Шунинг учун ҳам экотизимларнинг унумдорлигини аниқлаш экологик илмий тадқиқотларнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Эманзор ўрмонларида йиллик тўпланган органик моддаларда 9 миллиард ккал потенциал энергия йигилади. Тўпланган органик моддаларнинг деярли ярми ўсимликларнинг нафас олиши учун кетади. Ўсимликларнинг ер устки қисмларида органик моддалар йилига 5—6 тонна (1 гектарда), ер остики қисмларида эса 3—4 тоннага кўпаяди, жами тўпланган йиллик бирламчи биомасса 10 тоннани ташкил этади. Ушбу массанинг 4 тоннаси барглар, гул, мевалар ва бошқаларга тўғри келади. Ўрмонда ўсимликларни истеъмол қиласиган ҳайвон турлари ўсимлик турларига нисбатан анча кўп бўлади, аммо уларнинг биомасса йигинидиси ниҳоятда кам. Масалан, туёқлилар (буғу, кийик, ёввойи чўчқалар) биомассаси гектарга 2 кг, кемирувчилар ва сутэмизувчилар ҳамда майдага ҳайвонларники 5 кг, күшлар биомассаси эса 1—3 кг ни ташкил этади.


Озуқа занжирларининг кейинги бўғинларида биомасса тобора камайиб боради. 1 т ўсимлиқдан ўрта ҳисобда 10 кг ўтхўр ҳайвон танаси ҳосил бўлиши мүкин. Озуқа занжирининг асоси ҳисобланган ўсимлик массаси ўтхўр ҳайвонларнинг умумий массасидан доимо бир неча баробар кўп бўлади. Шундай қилиб, табиатда экологик пирамида ҳосил бўлади. Дастрлаб экологик пирамида Ч.Элтон томонидан тузилиб, у *сонлар пирамидаси* деб аталган (20-расм). Пирамидалар ҳар бир озуқа занжиридаги биомасса ва унинг эквиваленти ҳисобланган энергия нисбатларини яхши ифодалайди ва амалий мақсадларда ундан фойдаланилади. Куруқликдаги экотизимларда биомасса пирамидалар қоидаси қўлланилади.

Барча экотизимлар учун эса бирламчи ва иккиламчи маҳсулдорликнинг нисбатлари, яъни маҳсулотлар пирамидаси қоидаси характеристидир. Сонлар, биомассалар ва маҳсулотлар пирамидалари график тарзида яхши ифодаланиши мумкин. Унда ҳар бир трофик даражадаги вақт бирлигига тўпланган биомасса кейингисидан кўп бўлади.

Турли экотизимларнинг маҳсулдорлиги бир хил эмас. Маҳсулдорлик бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, биринчи навбатда иқлим омилларига боғлиқдир. Энг маҳсулдор экотизимлар қирғоқлар бўйи, сув босиб турувчи ўтлоқзорлар ҳисобланади.

10 йил давомида дунё бўйи экотизимларнинг маҳсулдорлиги ва уларга таъсир этувчи омиллар ҳақида умумий маълумотлар тўпланди. У маҳсулдорликнинг биологик асослари ва инсониятнинг фаравонлиги учун хизмат қиласиган халқаро биологик дастур асосида ўтказилди.

Куруқ ва сув ҳавзаларнинг маҳсулдорлиги ҳақида илмий маълумотларни тўплашдан мақсад сайёрамизда аҳоли сонининг тез ортиб



20-расм. Соңлар пирамидаси.

бораётгандылык билан юзага келдиган мұаммоловар ва уни ҳал этиш ҳамда биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш тизимини ишлаб чиқышдан иборат.

- ! Мәхсүлдорлик, соф мәхсүлдорлик, умумий мәхсүлдорлик, бирламчи мәхсүлдорлик, иккіламчы мәхсүлдорлик, экологик пирамида, соңлар пирамидаси.
- ? 1. Үмумий ва соф мәхсүлдорлик бир-биридан нима билан фарқланади?
2. Бирламчи мәхсүлдорлик қайси тирик организмлар томонидан түпленади?
3. Иккіламчы мәхсүлдорлик деганда қайси турдаги организмлар түплаган биомасса тушунилади?
4. Табиий экологик пирамидалар қандай ҳосил бўлади?
- * 1. Ўтлоқзорда 1 сутка давомида 1 m^2 майдонда 1 граммга яқин соф мәхсүлот түпленади. Агарда биринчи ўрим 1 ой аввал ўтказилган бўлса, иккинчи ўримдан кейин эса 1 га майдондан чорва моллари учун фермер қанча ем-хашак тайёрлаши мумкин?
2. Сув ҳавзаларида биомассалар пирамидаси куруқликтагига нисбатан тескари күринишда бўлади. Жавобингизни сув ҳавзалари ҳамжамоасининг атрофлича таҳтил қылган ҳолда изоҳлаб беринг.

4.9. ЭКОТИЗИМЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Бирор ҳамжамоани бир неча йил давомида кузатиш орқали унинг ўзгаришининг гувоҳи бўлиш мумкин. Демак, табиятда ҳамжамоаларнинг бири иккинчиси билан алмашиниш ҳодисаси кузатилиди. Ҳамжамоаларнинг алмашинишига табиий омиллар, яъни иқлим, тупроқ ёки ўсимликлар ҳамда инсон фаолиятининг таъсири сабабчи бўлади.


Ҳамжамоалар маълум вақт оралиғида ўзгаради. Бунда уларнинг турлар таркиби, айрим турларнинг мўллиги, трофик тузилмаси, маҳсулдорлиги ва бошқа кўрсаткйчлари ўзгаради (21-расм). Гап бу сенса организм мўллигининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган мавсумий ўзгаришлар ҳақида эмас, балки мавсумий ҳодисаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда муайян шароитда ҳар хил турларнинг популяцияларининг секин-аста пайдо бўлиши ва йўқолиши ҳақида боряпти. Ушбу жараён экологик сукцессия («сукцедо» — кетма-кетлик деган маънони билдиради) деб аталиб, экотизимларда кузатиладиган қонуният ҳисобланади. Сукцессия жараёнида ҳамжамоалар томонидан организмларнинг турлар таркиби, уларнинг ўрнидан қатъи назар ўз-ўзидан бошқарилади. Ҳамжамоада организмларнинг биомассаси мувозанатлашган ҳолатда бўлиши мумкин. Мувозанатлашган ҳолатнинг қўйидаги турлари мавжуд.

1. Ёпиқ ҳамжамоа учун хос бўлган мувозанатлашган тур. Бунда ташқаридан ҳеч қандай қўшимча маҳсулот ўзлаштирилмайди, балки ҳамжамоанинг маҳсулоти бутунлай ўзида қолади.

2. Оқар сувлардаги баъзи экотизимлар учун хос бўлиб, органик моддалар автотрофлар фаолияти натижасида тўпланиб қолмай, балки ташқаридан оқим орқали ўзлаштирилади. Бунда мувозанатланиш ташқаридан қўшилиб турган органик моддалар ҳисобига содир бўлиб, умумий нафас олиш * ҳамжамоанинг умумий маҳсулотига тенг бўлади.

3. Қишлоқ хўжалиги экотизимларида аксинча, маҳсулотнинг бир қисми доимо олиб турилади. Шунинг учун ҳам бундай экотизимларда маҳсулот олиб чиқиб кетилгандан сўнг қолган маҳсулот миқдори умумий нафас олишга тенг бўлганда мувозанатлашиш содир бўлади. Агарда умумий нафас олиш умумий бирламчи маҳсулдорликдан кам бўлса, экотизимда органик моддаларнинг тўпланиши, аксинча бўлса, моддаларнинг камайиб кетиши кузатилади. Ҳар икки ҳолат ҳам ҳамжамоанинг ўзгаришларига олиб келади. Экотизимда ресурслар ортиқча бўлганда ҳар доим уни ўзлаш-

* «Умумий нафас олиш» — энергиянинг сарфланиш йиғиндиси



21-расм. Ҳовуз ҳамжамоаси тузилмасидаги ўзгаришлар ва янги биогеоценознинг ҳосил бўлиши.

тирадиган организмлар топилади. Ресурслар етишмаганда эса маълум турлар қирилади. Ана шундай ўзгаришлар экологик сукцессияларнинг моҳиятини ташкил этади. Ушбу жарайённинг энг муҳим хусусияти ҳамжамоанинг ўзгаришини доимо мувозанатлашган ҳолатга йўналтиришга қаратилади.

Ташлаб қўйилган майдонда ўрмон ҳамжамоасининг шаклланиши дастлаб автотроф организмлар пайдо бўлиши билан борадиган сукцессияга мисол бўлади. Бундай ўзгариш *автотроф сукцессия* дейилади. Ҳамжамоада йиллар ўтган сари организмларнинг турлар таркиби ўзгариб органик моддалар тўпланиб боради. Автотроф сукцессия табиатда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади.


Органик чиқинди моддалар билан ифлосланган дарёда кузатиладиган сукцессияда ортиқча органик моддалар гетеротроф организмлар томонидан фаол ўзлаштирилишини кўриш мумкин. Ушбу ўзгаришда органик моддаларнинг тўхтовсиз камайиб бориши кузатилади. Ана шундай ўзгаришлар *гетеротроф сукцессия* ҳисобланади.

Сукцессиянинг ҳар бир босқичи маълум турлар ва ҳаётий шакллардан, доминантлардан иборат ҳамжамоа ҳисобланади. Сукцессиянинг айрим босқичлари *серияларни* ташкил этади. Ҳамжамоанинг мувозанатлашган ҳолати эса *климакс* дейилади.

Сукцессиянинг ҳаёт йўқ жойда (яланғоя, тош-шағал, денгиз туби, қумли ётқизиқлар ва бошқалар) кузатилиши *бирламчи сукцессия* деб аталади. Бирламчи сукцессияга тошларда ёпишқоқ ва пластиинкасимон лишайникларнинг ривожланиши, кейинчалик тупроқ ҳосил бўлиши билан секин-аста моҳлар ва ўт ўсимликларнинг ривожланиш жараёни мисол бўлади.

Қуруқликда учрайдиган бирламчи сукцессия

Ҳамжамоа сериялари



климакс ҳамжамоа

Иккиламчи сукцессия аввал мавжуд бўлган ҳамжамоанинг ўрнида иккинчи бир ҳамжамоанинг ривожланиши ёки алмашииши натижасида пайдо бўлади.

Тўқайзорларнинг таркиби доимий бўлмай, балки динамик равишда ўзгариб туради ва бир гуруҳ ўсимликлар иккинчи гуруҳ ўсимликлар билан алмашинади. Дастреб тўқайлар дарё бўйларида сув сатҳининг пасайиши натижасида тол, юлғун ва турангил каби турларнинг ўса бошлаши натижасида вужудга келган. Эрта баҳорда дарё суви қуюқ лойқа масса ҳосил қилиб оққанда шамол ёрдамида тарқаладиган уруғ ва меваларнинг униши кузатилади. Одатда, биринчи навбатда сохта қамиш, қамиш, қўфа, кендер, илон-чирмовиқ, шакарқамиш ва туронғил, тол ва юлғун кабилар ўса бошлайди. Бу турлар аралаш ёки алоҳида турлардан иборат толзорлар, юлғунзорлар ва бошқа гуруҳларни ҳосил қиласиди. Кейинчалик ўтсимон формалар ҳосил бўлиб, юриб бўлмас даражадаги чангизорлар вужудга келади. Сув ва қум орқали эса жийда ва чингил каби тиканли ўсимликларнинг мева ва уруғлари келиб қўшилади. Орадан 20—30 йил ўтгач ўт ўсимликлар йўқолиб кетади, тупроқ юзаси ярим чириган барглар ва майда шохлар билан қопланади. 30—40 йилдан кейин эса айрим дараҳтлар курий бошлаб, тупроққа қуёш нурлари яхши туша бошлайди.

Натижада тупроқ қизийди ва нами қочади. Ер ости сувлари юқорига шиддат билан кўтарилиши натижасида шўрланиш вужудга келади. Тупроқ шароитининг ўзгариши дараҳтларнинг камайиши ва йўқолишини тезлатади. Очиқ жойларда энди янтоқ, туятовон, ажриқ, эркакқамиш, келин супурги, қорабаргўт, қиёқ ва бошқа янги турлар ўса бошлайди. Дараҳтларнинг қуриши юлғун ва чингил каби турларнинг яхши ўсишига олиб келади. Юлғунлар илдиз бачкилар ёрдамида тез кўпаяди. Бундан кейинги шўрланиш чингил ва юлғунларнинг ҳам йўқолишига олиб келади. Ана шу вақтдан бошлаб ўтсимон турлар ҳам тугай бошлайди. Натижада тўқай ўрнида яланғоч шўрхок ер пайдо бўлади.

Иккиламчи ҳамжамоалар турларнинг хилма-хиллиги, трофик тузилмаси такомиллашганлиги энергиянинг уйғунлашган оқими, физик омиллар ҳатто, баъзи бир кимёвий ифлосланишларга ўш ҳамжамоаларга нисбатан анча чидамли бўлади. Шундай қилиб, инсон мўл ҳосил олиш учун сукцессиянинг дастребки босқичларини сунъий равишда бошқариши мумкин. Климакс босқичидаги ҳамжамоаларда соф йиллик маҳсулдорлик асосан нафас олишга сарф бўлади. Шу билан бирга климакс босқичидаги ҳамжамоалар физик омиллар таъсирига чидамли бўлиб, ушбу хусусият муҳим аҳамиятга эга. Инсон табиий ёки сунъий ҳамжамоаларнинг ўзгаришларини бошқариши лозим. Афсуски, биз экологик ўзгаришлар

оқибатларини кўпинча кеч тушуниб етамиз. Шаклланган экотизимлардаги ўзгаришларни эколог мутахассислар томонидан аввалдан айтиб бериш даражасига етиб боришимиз керак.

- ! Экологик сукцессия, умумий нафас олиш, автотроф сукцессия, гетеротроф сукцессия, ҳамжамоалар сериялари, климакс, бирламчи сукцессия, иккиласми сукцессия.
- ? 1. Организмларнинг умумий нафас олиши умумий маҳсулдорлик миқдорига тенг бўлмаса ҳамжамоада мувозанатлашиш ҳолати бўладими? 2. Сукцессия ўзгаришларининг асосий хусусияти ва йўналишларининг моҳияти нимада? 3. Қандай турдаги сукцессияларда экотизимдаги энёргия оқими пасайиб кетади? 4. Тўқайзор ҳамжамоасида кузатиладиган серияларни санаб беринг. 5. Экологик сукцессияларнинг аҳамияти қандай?
- * 1. Табиий яйловларда кузатиладиган сукцессияларни адабиётлардан фойдаланиб тасвирлаб чиқинг.
2. Куйидаги маълумотларнинг қайсилари экологик сукцессиялар ҳисобланади. Тўғри ҳисоблаганингизни доира ичига олиб кўйинг.
A. Сукцессия жараёнида ҳамжамоанинг турлар таркиби тўхтовсиз ўзгариш боради.
B. Ҳамжамоанинг турлар таркиби ўзгармайди.
C. Сукцессия ҳодисасида турлар таркиби ўзгаришининг асосий омили йиртқичлик (паразитлик, рақобат) ҳисобланади.
D. Турлар хилма-хиллигининг кўрсаткичи пасаяди.
E. Органик моддаларнинг биомассаси камаяди.
F. Органик моддаларнинг биомассаси ортади.
G. Ҳамжамоаларнинг соғ маҳсулдорлиги камаяди.
H. Ҳамжамоаларнинг соғ маҳсулдорлиги ортади.
I. Агар томорқа ёки ташландик ерга ишлов берилмаса қандай ўзгариш кузатилади? Жавобингизни кузатиш натижасида изоҳлаб беринг.

4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

«ТУВАЛОҚ» (ЎЙИН)

Машгулотнинг мақсади. Экотизимда турларнинг ўзаро алоқа боғланишларини намойиш қилиш.

Машгулотнинг бориши. Ушбу ўйин экотизимда доминант турларнинг ролини кўрсатиб беради. Доминантлар маълум ҳамжамоадаги миқдор жиҳатидан ажralиб турувчи турлардир. Улар кўпинча озуқа занжирларида муҳим рол ўйнаб, ҳамжамоанинг хусусиятларини белгилаб беради.

Диққат!

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўйинни ўтлар билан қоп-

ланган майдон, қор устида ёки түшак ёзилган жойда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳар бир иштирокчининг қулоғига бирор ҳайвон номи шивирлаб айтилади. Масалан, синфда иккита калтакесак, иккита қўшоёқ, бойўғли, чўл мойқути бўлсин.

Қолганларнинг ҳаммасига улар тувалоқлар, деб шивирланг.

Ўқувчилар учун йўл-йўриқ. Доира шаклида туриб қўлларингизни маҳкам ушлаган ҳолда бирингиз ҳайвон номини шивирлаб айтинг. Ўқитувчи айтган ҳайвон номидаги ўқувчи икки ёнидаги қўл ушлашиб турган ўқувчиларнинг қўлига осилган ҳолда икки оёғини кўтариши керак. Ана шу экотизимнинг барқарорлиги демакдир.

Навбат билан айрим турларни номланг ва охирида «тувалоқ» номини айтинг. Сизнинг кўз олдингизда экотизим бузилади.

Кузатилган ҳолатни қисқача муҳокама қилинг, яъни экотизимда айрим индивидлар ёки ҳил сифат қўрсаткичларга эга бўлган турлар йўқоладиган бўлса нима бўлади?

4.10. МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш» тўғрисидаги 9 декабр 1992 йил қонуни ушбу муаммони давлат ва жамоат ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш борасида олиб бора-диган ишларининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Табиатни муҳофаза қилиш мухусус муҳофазага олинган ҳудудларни ташкил этиш ва табиий обьектларни сақлаш орқали амалга оширилади. Улар мақсади, муҳофаза қилиш режими, майдони ва бошқа хусусиятларига қараб қўйидаги турларга ажратиласди: қўриқхоналар, буюртмахоналар, табиат ёдгорликлари, миллий боғлар, резерватлар ва овчилик хўжаликлари. Махсус муҳофазага олинган ҳудудлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ташкил қилина бошланган. Ҳозирги вақтда дунё бўйича ана шундай ҳудудлар сони 3000 дан ортиб кетган бўлиб, уларнинг умумий майдони қуруқликнинг 3% дан ортиқ қисмини ташкил этади. Табиат ёдгорликларининг сони эса 25000 дан ортиқ.

Ўзбекистонда 9 та қўриқхона, иккита миллий боғ, 9 та давлат буюртмахоналари ва 500 дан ортиқ табиат ёдгорликлари ҳамда ягона экомарказ мавжуд.

Қўриқхоналар — қуруқлик ёки сув ҳавzasининг бир қисми ҳисобланиб, хўжалик мақсадида фойдаланишдан бутунлай чиқарилган. Қўриқхоналарнинг асосий вазифаси — табиатнинг диққатга сазовор, қимматли ландшафтларини жамият манфаатлари учун

сақлашдан иборат. Қўриқхонадан хўжалик мақсадларида фойдаланиш, ҳатто пичан тайёрлаш, ов қилиш, балиқ тутиш, замбуруғлар териш, мевалар йиғиш, сув ҳавзаларидан фойдаланиш кабилар қатиъян тақиқланади. Маълум сабабларга кўра қўриқхонанинг табиий комплексларида мувозанат бузилса, уни тиклаш учун (ўсимликларни санитар ҳолати ёки ҳайвон турларининг сонини идора этиш) инсоннинг аралашувига рухсат этилади.

Ўзбекистонда биринчи қўриқхона 1926 йилда Зомин туманида «Гуравлаш» тоғ-арча қўриқхонаси номи билан ташкил этилди. Қўриқхоналарнинг маҳсус тури биосферавий қўриқхоналардир. Бу қўриқхоналар халқаро табиатни муҳофаза қилиш уюшмаси қарори билан ташкил этилади. Улар дунёдаги турли географик районлар учун хос бўлган муҳофазага олинган ҳудудлардир. Биосферавий қўриқхоналар ер юзида 250 дан ортиқ бўлиб, Ўзбекистондаги Чотқол қўриқхонаси ана шундай мақомга эга бўлган қўриқхона ҳисобланади. Унинг вазифаси Фарбий Тяншан тоғ экотизимларини сақлаш ва атроф-муҳит ҳолатини экологик мониторинг (назорат) қилишдан иборат.

Буюртмахоналар доимий ва вақтинчали бўлиб, улардан хўжалик мақсадида фойдаланишга рухсат этилади. Буюртмахоналар кўпинча айрим ўсимлик ва ҳайвонларнинг турларини тиклаш ва кўпайтириш учун ташкил этилади. Бундан ташқари буюртмахоналар ҳар хил мақсадларда ташкил этилиши мумкин. Масалан, комплекс, ботаник, геологик, гидрологик, зоологик, ландшафт ва бошқалар.

Миллий боғлар дунёдаги кўпгина мамлакатларда табиат гўшаларини муҳофаза қилишнинг асосий йўлларидан бири ҳисобланади. Улар ландшафтларни сақлаш билан бирга аҳолини дам олиш, соғломлаштириш ва эстетик мақсадларда, шунингдек фан, маданият-маърифат нуқтаи назаридан ҳам муҳофазага олинган ҳудудлардир.

1872 йили биринчи миллий боғ АҚШ да Йеллустон дарёсининг юқори қисмида ташкил этилган. Бугунги кунда дунё бўйича 2300 дан ортиқ миллий боғлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида Зомин ва Угом-Чотқол миллий боғларида меҳнаткашларнинг дам олиш, спорт ўйинлари ва туризм билан шуғулланишлари билан бирга тоғ ландшафтлари (тоғ-арча экотизимлари) ҳайвонлар ва табиатнинг ажойиб намуналари муҳофазага олинган.

Резерватлар хорижий мамлакатлардаги табиатни муҳофаза қилишнинг бир қўриниши ҳисобланиб, улар фаолият кўрсатиши бўйича кўпроқ буюртмахоналарга ўхшаб кетади. Баъзи мамлакатлардаги масалан, АҚШ ва Финландиядаги резерватлар қўриқхоналарга тўғри келади. Буюк Британия, Олмония, Швеция, АҚШ

ва бошқа мамлакатларда кўпчилик ўрмон, кўл ландшафтлари, зоологик резарватлар мавжуд. Австралия резерватларида сут эмизувчилар муҳофаза қилинади. Китларни муҳофаза қилиш бўйича Хинд океанида катта резарват ташкил этилган.

Табиат ёдгорликлари илмий, маданий, тарихий жиҳатдан табиат объектларини муҳофаза қилиш учун ташкил этилади. Табиат ёдгорликларига горлар, булоқлар, шаршаралар, гейзерлар, рельеф шакллари, айрим дараҳтлар, геологик очилиб қолган жойлар, тарихий обидалар ва бошқа объектлар киритилади. Табиат ёдгорликлари мақсадига кўра геологик, геоморфологик, ботаник, палеонтологик, астрономик ва ландшафт ёдгорликларига бўлинади.

Экомарказ республикада табиатни муҳофаза қилиш ва биологик хилма-хилликни сақлаш мақсадида ноёб ҳайвон турларини кўпайтиришнинг самарали шаклларидан ҳисобланади. Ўзбекистонда «Жайрон» экомаркази ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади халқаро ва республика «Қизил китоб»ига киритилган жайрон ва тувалоқ каби ноёб ҳайвон турларини сунъий равишда кўпайтиришдан иборат.

Шундай қилиб, келгусида республикада маҳсус муҳофазага олинган ҳудудлар майдонини кенгайтириш, сув ҳавзалари, қумли чўл экотизимларида қўриқхоналар ва буюртмахоналар ташкил этиш лойиҳалаштирилмоқда.

- ! Кўриқхона, буюртмахона, миллий боғ, резерват, табиат ёдгорликлари, экомарказ.
- ? 1. Ўзбекистондаги муҳофазага олинган ҳудудларнинг турлари.
2. Кўриқхона буюртмахонадан нима билан фарқ қиласди?
3. Биосферавий кўриқхона деганда нимани тушунасиз?
4. Миллий боғларни ташкил этишдан қандай мақсад кўзда тутилган?
5. «Жайрон» экомаркази қайси ҳайвон турларини кўпайтиришга мўлжалланган?
- ★ Мазкур қўлланмадаги иловадан фойдаланиб республикадаги муҳофазага олинган ҳудудлар билан танишиб чиқинг.
2. Яшаётган жойингиздаги муҳофазага олинган ҳудудлар ҳақида қўйидаги жадвалга маълумотлар йигинг.

Мактаб атрофидаги табиий биогеоценозларга (ўтлоқзор, тўқайзор, ялов, ўрмон) экспурсия.

Т о п ш и р и қ:

 1. Намуна майдончаларида турлар сонини аниқланг.
 2. Баъзи бир ўсимлик ва ҳайвон турларидан йигинг.
 3. Биогеоценозда ўсимлик ва ҳайвон турлари сони қайси асосий омиллар томонидан идора этилишини аниқланг.
 4. Инсон хўжалик фаолиятининг биогеоценозга таъсирини баҳоланг.

№	Номи	Ташкил этилган йили	Мұхофазага олинған ҳудуд майдони (га ҳисобида)	Мұхофазага олинған объектлар. Асосий үсімлік ва ҳайвон турлари

4.11. АГРОЭКОТИЗИМЛАР

Агроэкотизимлар қишлоқ хұжалигыда фойдаланадиган экин майдонлари, ем-хашак олинадиган яйловлар ҳамда туёқли үй ҳайвонларини үз ичига олувчи ҳудудлар мажмудидир. Агроэкотизимлар таркибиға инсон ҳам киради, чунки у ҳар доим экологик занжирни бошқарып иложи борича күп энергияга зәға бўлган маҳсулот олишига ҳаракат қилади ва энергетик пирамиданинг чўққисида туради. *Агрофитоценоз* агроэкотизимларнинг энг муҳим қисми ҳисобланаби, у маълум майдондаги маданий ва бегона ўтлар мажмудидан иборат. Агрофитоценознинг маданий, бегона ўтлар ҳамда тупроқдаги сувўтлари ва микроорганизмлари агроэкотизимнинг мустақил қисми ҳисобланади. Агрофитоценознинг ҳаёті учун зарур бўлган ва уларсиз яшай олмайдиган ҳайвонлар унинг таркибиға кирмайди. Агрофитоценозлар сунъий фитоценоз, деб қаралади ва унинг табиий фитоценозларга ўхашаш томонлари ҳамда фарқлари бор. Ўхашлик томонлари қўйидагилар: 1. Ҳар икки ҳамжамоада ҳам қуёш энергияси автотроф организмлар томонидан ўзлаштирилади. 2. Табиий ва сунъий ҳамжамоаларнинг турлар ўртасида ўзаро алоқа муносабатлари мавжуд. 3. Бегона ўтларнинг турлар таркиби, табиий жамоаларнинг турлар таркиби ҳам ташқи муҳит шароитлари билан белгиланади ва улар барқарор равишда алмашлаб экишнинг баъзи босқичларида ўзгарса ҳам гуруҳ сифатида иштирок



22-расм. Пахта даласи агрофитоценози.

этади. 4. Экинлар орасида ўсадиган турлар ва табий ценозлардаги турлар учун ҳам қонуний равишда алмашинаидиган фенологик фазалар характерлидири.

Фарқлари эса қўйидагилардан иборат: 1. Миқдорий кўрсаткичи билан. 2. Агрофитоценозларда доминантлар инсон томонидан киритилиди ва бошқарилди. 3. Табий жамоаларда турларни турли мавқедаги турларга ажратиш мумкин. 4. Агрофитоценозлардаги бегона ўтлар кенг экологик доирадаги ва космополит организмлардир. 5. Агрофитоценоздаги маданий ўсимлик популяцияси маълум бир навга тегишли бўлгани учун яхши дифференциаллашмаган (22, 23-расмлар).

Маданий ўсимликлар ҳамжамоаси, яъни агрофитоценозлар экологик нуқтаи назардан энг юқори маҳсулот бериши ва ташки муҳитни энг паст даражада ифлослантириши лозим, шунингдек табий ресурслар сақлаб қолиниши керак. Масалан, пахта даласи биоценози ўзини автоматик бошқариш хусусиятига эга, бу ерда бир турлар иккинч тур билан алмашинади ва қайта тикланиш юз беради. Натижада, ҳамма организмлар сони ўз-ўзидан бошқарилади. Баҳор ва ёз ойлари бошларида пахтада фўза шираси кўпаяди. Айни вақтда хонқизи, йиртқич пашшалар ва учеб юрувчи афиidlар ҳам кўпая боради. Бир турдаги заараркундалар тамом бўлиши биланоқ,



23-расм. Бугдойзор агрофитоценози.

уларнинг кушандалари бошқа зааркунандаларга ўтади ва ёки бошқа тур кушандаларга жой бўшатиб беради. Шундай қилиб, далаларда йиртқич бургалар, канахўрлар, стеруслар каби ўргимчакканалар билан озиқланувчилар пайдо бўлади. Албатта, зааркунандалар билан курашишга қаратилган табиий конвейерлар узилиб қолиши мумкин. Энтомофаглар ҳам зааркунандаларнинг кўпайишини тўхтатиб тура олмаслиги мумкин. Бундай пайтда инсон аралашиб зарурдири. Далаларни кезиб қайси участкаларда қанчадан зааркунанда борлигини аниқлаш, энтомофаглар етарли участкаларда кимёвий воситалардан фойдаланишга шошилмаслик, кимёвий ишловни эса фақат елкага осиладиган ёки тракторларга тиркалган асбоблар ёрдамидагина ўтказиш керак. Бу ҳолда зааркунандалар кўп бўлган жойдагина кимёвий ишлов берилади. Кўшини участкаларда эса уларнинг табиий кушандалари тирик қолади. Экинзорларга кимёвий ишлов беришни биологик усуслар билан чамбарчас боғлаш янада мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинги вақтларда зааркунандаларга қарши курашда микробиологик препаратлар ва биофабрикалар ташкил қилинмоқда.

Экологик қонуниятлар асосида ўсимликлар ҳамжамоасидан ташкил топган экин майдонларини экологик кулай тизимга келтириш мумкин. Бу борада баъзи ишлар амалга оширилмоқда:

1. Айрим агроценопопуляциялар даражасида.
2. Агрофитоценозлар даражасида.
3. Бир бутун агроландшафтлар даражасида.

Айрим агроценопопуляциялар даражасида экологик қулайликка эришиш ҳар хил навларни аралаш ҳолда экиш йўли билан олиб борилиши мумкин. Масалан, маккажӯхори баланд ва паст бўйли навларини аралаштириб экилганда ўртача ҳосилдорлик 472 ц га борган.

Агрофитоценозлар даражасида ҳар хил турларни биргаликда экиш мумкин. Бу айниқса, ем-хашак етиширишда катта аҳамиятга эга. Ҳамжамоада маданий ўсимлик турлари ўртасида экологик ўринлар шаклланиб, айрим турлар ресурслардан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Агроландшафтлар даражасида олиб бориладиган ишлар мураккаб, аммо жуда самарали ҳисобланади. Бунда тупроқ, иқлим ва рельеф хусусиятлари ҳисобга олинниб, иқлиминидора этувчи ўрмон минтақаларида гидрологик режимни бошқариш учун табиий ўрмон майдонлари сақлаб қолинади. Улардан турли хил маҳсулотлар етишириш (ёғоч, резавор мевалар, замбуруғлар) учун ҳамда эстетик мақсадларда фойдаланилади.

Агрофитоценозларни экологик қулай ҳолатга келтириш учун кузги шудгор усулини такомиллаштириш, алмашлаб экинда дуккакли ўсимликларнинг ролини ошириш, экиш муддатини тўғри танлаш ва бошқалар амалга оширилиши керак.

Юқори ҳосил берадиган, табиат билан уйғунлашган агрофитоценозлар деҳқончиликнинг келажаги ҳисобланади.

- 1. Агроэкотизимлар, агрофитоценоз, агроценопопуляциялар, агроландшафтлар.
- 2. 1. Агроэкотизимлар таркибига қандай ҳудудлар киради?
 2. Агрофитоценоз деганда нимани тушунасиз?
 3. Агрофитоценоз сунъий ҳамжамоа сифатида қандай хусусиятларга эга?
 4. Сунъий агрофитоценозлар экологик нуқтаи назардан қандай афзаликларга эга?
 5. Агрофитоценозларни экологик қулай тизимга келтириш учун нима қилиш керак?
- * 1. Сиз яшётган жойдаги агрофитоценозлардан бирининг таркиби, тузылмаси билан танишиб чиқинг.
 2. Фўза ўсимлигининг ўсиши ва ривожланиши учун табиий омиллардан қандай фойдаланиш кераклиги, пахтазорларда экологик вазиятни ижобий томонга ўзгартириш ҳақидаги адабиётлардан фойдаланиб «Пахта даласи экологияси» деган мавзуда реферат тайёрланг.

4.12. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Республикадаги сугориладиган экин майдонлари қишлоқ хўжалиги ялпи майдонининг 15% ини ташкил этса-да, аммо қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98% дан ортиғи айнан шу майдонларда етиштирилади. Шу билан бирга янги ерларни сугориш тупроқнинг шўрланишига ҳам сабаб бўлади. Ҳозирги вақтда 2 млн. га сугориладиган ерлар шўрланган.

Тупроққа салбий таъсир этаётган омилларга сув ва шамол эрозиялари киради. Республикадаги 2,1 млн. га сугориладиган ерлар шамол эрозияси хавфида, 0,3 млн. га майдон эса сув эрозияси таъсирида турибди. Худди шунингдек, яйловларда тўхтовсиз чорва молларини бокиши, уларнинг аҳволини янада ёмонлашишга олиб келди.

Ҳозирги кунга қадар қишлоқ хўжалиги соҳасида минерал ўғитлар ва пестициллардан кенг фойдаланиб келинди. Оқибатда тирик организмлар ўртасидаги ўзаро боғланишларнинг бузилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, зааркунанда популяцияларининг чидамли формаларининг келиб чиқиши, аҳолининг жиддий касалликлар билан касалланиши каби ҳолатлар юзага келди.

Ўсимликлар ривожи учун азот, фосфор, калий ҳамда ҳар хил микроэлементлар зарур. Ўсимликларга азотли ўғитларни ортиқча бериш уларнинг поясини ётиб қолиши, зааркунанда ва касалликларга берилувчанлигининг ортиши ҳамда уларнинг қурғоқчилик ва совуққа чидамлилик каби хусусиятларини сусайтириб юборади. Сугориш жараённида минерал ўғитлар ва пестицилларнинг 20% и сув билан ювилиб кетади. Озуқа занжирларига ўтган ва тўпланган кимёвий моддалар тирик организмларни заҳарлаши ва ўлдириши мумкин.

Фосфорли ўғитлардан ортиқча фойдаланиш тупроқда стронций, уран, радий, торийларнинг табиий радиоактив бирикмаларининг тўпланишига ҳамда бўлади.

Калийли ўғитлар атроф-муҳитга унча зарар етказмаса-да, аммо у билан бирга тупроққа тушган ер ости сувларига салбий таъсир этиши мумкин.

Ер юзасидаги тупроқ таркибида 150 млрд. т азот сақланади. Азотли минерал ўғитлар аммоний нитрат тузлари шаклида, яъни ўсимлик ўзлаштирадиган ҳолда берилади. Минерал ўғитларнинг ўсимликларга бериш муддати ва миқдори аниқ бўлиши керак. Боғланган азотнинг ярмига яқини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига тўғри келади.


Сув ҳавзаларида азот миқдорининг ортиб бориши сув ўтларининг ҳаддан ташқари қўпайиб кетишига олиб келади. Бу ҳолат ўз навбатида сувда кислород танқислигини келтириб чиқаради. Натижада сувда яшовчи балиқлар ва бошқа ҳайвонлар нобуд бўлади. Рухсат этилган миқдордан ортиқча нитратлар фақат сувда эмас, балки сувдаги ўсимликларда ҳам тўпланади. Нитратлар кучли заҳарли моддалар бўлмаса ҳам, ичаклардаги микрофлора таъсирида нитритларга қайтарилади. Нитритлар эса анча заҳарли моддалар ҳисобланиб, улар айниқса болалар ва қарияларда ичак касалликлари, нафас йўллари, юрак-қон томири касалликларини келтириб чиқаради. Нитритлар қондаги гемоглобинга ҳам таъсир этиб, уни кислород ташиб қобилиятини пасайтиради. Натижада тўқималарнинг нафас олиши бузилади. Организмдаги ортиқча нитритлар *нитрозаминлар* деган анча мураккаб заҳарли моддани ҳосил бўлишида қатнашади.

Сабзавотларнинг истеъмол учун яроқлилиги давлат томонидан рухсат этилган нитрат ионлари миқдори бўйича картошкада 80 мг/кг, карамда 300 мг/кг, сабзида 300 мг/кг, помидорда 60 мг/кг, пиёзда 60 мг/кг, бодрингда 150 мг/кг, тарвузда 45 мг/кг, қовунда 45 мг/кг бўлишига рухсат этилади. Ёпиқ жойларда етиштирилган эртанги сабзавотлар учун ушбу миқдор икки марта ортади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги нитратларни йўқотиш учун нима қилиш керак? Нитратлар сувда яхши эрийди. Шунинг учун сабзавотларни яхшилаб қайнатиш керак. Бунда сувга кўпчилик зарарли бирикмалар чиқиб кетади. Картошка, сабзи ва лавлагилар қайнатилганда 40—70% гача нитратлар сувга чиқиб кетар экан. Булардан ташқари сабзавотларни тузлаш, мариновка қилиш йўллари билан нитратлардан қутулиш мумкин.

Пестицидлардан қишлоқ хўжалик ҳудудларида фойдаланиш, уларни авиация ёрдамида сепишиш атроф-муҳитни кенг кўламда ифлосланишига олиб келади. Пестицидлар шамол билан узоқ масофага тарқалади. Масалан, Анктарктидадаги музликлардан бирида 2000 т ДДТ тўпланганлиги аниқланган. Ушбу моддалар сув орқали экин майдонларидан дарё, кўлларда ва ниҳоят, дунё океанларида тўпланади. Энг муҳими, улар экологик озуқа занжирларига ўтиб, тупроқ ва сувдаги ўсимликларга, ундан ҳайвонлар, қушларга, озуқа, сув билан бирга эса инсон организмига ўтади.

Вақт ўтиши билан қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ҳам пестицидларнинг заҳарли таъсирига мослашади. Шу билан бирга улардан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳам пасайиб кетади. Пестицид қанчалик барқарор ва заҳарли бўлса, унинг тирик табиятга ва инсонга таъсири шунчалик хавфлидир. Атроф-муҳит омилларига пестицидларнинг барқарорлиги (куёш нури, кислород, микро-



24-расм. Ўзбекистонда пестицидлардан фойдаланиш.

биологик, парчаланиш ва бошқалар) уларнинг анча хавфлилигидан далолат беради. ДДТ типик хлор органик биринча ҳисобланиб, биосферада 50 йилдан ортиқ айланиб юриши мумкин. Америкалик олимлар аҳолининг саратон касаллиги билан хасталанишини озуқа таркибидаги 28 турдаги заҳарли пестицидларнинг учраши билан тушунтирадилар. Заҳарли пестицидлар сутда ва бошқа цитрус ўсимликларида учраб, ирсий аппаратга таъсири этиши аниқланган.

Пестицидлар билан ичимлик сувлар ҳам заҳарланиши мумкин. Калифорниядаги булоқларнинг 50 дан ортиғи пестицидлар билан заҳарланганлиги аниқланган. Пестицидларнинг туман томчилари таркибida ҳам анча миқдорда учраши кузатилган.

Республикамизда сұғориладиган ер.ўрнинг иқлим шароитлари, ёзги юқори ҳарорат тупроқда хлор органик пестицидларнинг парчаланиши ва тарқалишига ёрдам беради. ДДТдан фойдаланиш тақиқланганига қарамай, республикамизнинг деярли ярмидан күп тупроқларида ДДТ намуналари учрайди.

Пестицидларнинг зарарлы таъсирини камайтириш чора-тадбирлари. Пестицидлардан фойдаланишнинг усууллари йилдан-йилга ўзгариб бормоқда. Аввал куқун ҳолида кенг фойдаланилган пестицид ўрнига ҳозирги вақтда донадор шаклда куқунни ҳўллаш, кичик ҳажмда пуркаш каби усууллар қўлланилмоқда. Арадаш таркибли пестицидлардан фойдаланиш кенгаймоқда. Республикамизда айрим йиллар бўйича пестицидлардан фойдаланиш миқдори 24-расмда келтирилган.

Инсон ва ҳайвонлар учун хавфсиз бўлган пестицидлар яратиш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Кейинги даврларда яратилган пестицидлар ташқи омиллар таъсирида парчаланиб кетадиган ва хавфсиз моддалардир. Буларга *пиретринлар* ва уларга яқин *пиретроидларни* кўрсатиш мумкин. Экин майдонларига аввалги пестицидларга нисбатан 100—1000 баробар кам микдорда, яъни гектарига 5—20 кг гача сепилмоқда.

Ўсимлик зааркунандалари ва касалликларга қарши курашишнинг энг самарали йўлларидан бири алмашлаб экиш ҳисобланади. Борган сари, кимёвий моддалардан фойдаланиш чекланиб бормоқда. Улардан асосан, фақат инфекция келиб чиқсан жойларда ёки зааркунандалар кўпайиб кетган жойлардагина фойдаланилмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек бекарор, тез парчаланиб кетиши хусусиятига эга бўлган ҳамда маълум зааркунанда ҳашаротларга таъсир этувчи шунингдек, ташқи муҳитда тўпланиб қолмайдиган хусусиятларга эга бўлган пестицидларни синтез қилиш кўзда тутилган. Пестицидлардан қишлоқ хўжалиги майдонларидаги экологик аҳволни қатъий ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш керак. Пестицидларнинг янги турларини яратиш билан бирдан фойдаланиш методларини такомиллаштириш ҳам талаб этилади. Пуркашда кимёвий модданинг исрофи ва ҳавонинг ифлосланиши камаяди. Пуркаш усули ҳозирги вақтда экин майдонларига ишлов беришнинг 90% дан ортигини ташкил этади.

Фойдали ҳашаротлар учун хавфсизликни таъминлаш мақсадида пестицидлардан донадор шаклда фойдаланиш истиқболи йўллардан бири ҳисобланади. Ушбу усули биринчидан тежамли бўлса, иккинчидан пестицидларни ҳимоя таъсир этиш даврини узайтиради ҳамда атроф-муҳит ва инсонга таъсир даражасини камайтиради. Ҳозирги умумлаштирилган дастурларга биноан, пестицидлар фақат далаларда зааркунандалар сони ортиб кетганда, иқтисодий томондан ўзини оқлайдиган бўлгандагина ишлатилади.

Ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилиш.

Бошқа турдаги организмлар (йиртқич ҳайвон, махсус парамитлар) ёрдамида хўжаликда кераксиз организм сонини камайтириш усули ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилиш дейилади. Ер юзида қишлоқ хўжалик экинларининг ўн миллионлаб табиий зааркунандалари маълум. Улар орасида ҳашарот — энтомофаглар муҳим ўрин эгаллайди. Биологик усулдан фойдаланиш табиий муҳитни пестицидлардан ифлосланишининг олдини олади ҳамда фойдали ҳайвонларни сақлаб қолишга ёрдам беради. Ушбу усулдан қишлоқ хўжалик соҳасида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Трихограммалар (ҳашаротлар) катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, улардан 16 турдаги зааркунандалар билан курашишда фойда-



25-расм. Ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилиншада фойдаланиладиган ҳашарот — яйдоқчи.

ланилади. Шунингдек, ёпиқ жойларда шираларнинг паразитлари ва йиртқичларини (олтинкўз, яйдоқчи, афилофаглар, серфидлар) ялпи кўпайтириш ва фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган (25-расм). Олтинкўзнинг гўза тунламаси, карадрин ва колорадо қўнғизларига қарши фойдаланишининг техник усуллари яратилган. Булардан ташқари қишлоқ хўжалиги соҳасида микроорганизмлардан фойдаланиш асосида биопрепаратлар ишлаб чиқилган. Уларга энтомобактерин, боверин, дендробацилин, фитобактериомицин, аренарин ва бошқалар киради.

Шундай қилиб, қишлоқ

хўжалик зааркунандаларига қарши курашда уларнинг табиий душманлари ҳашаротлар ва микроборганизмларни саноат асосида кўпайтириш йўлга қўйилган. Ўзбекистонда биологик усул билан 4 млн. га майдон ишланади. Бунинг учун 700 дан ортиқ биолабаратория ва биофабрикалар ишга туширилди. Улар етиштирган энтомофаглардан дон, сабзавот экинлари, пахтазорларда ҳамда боғ ва токзорларда фойдаланилмоқда.

- [!]** Эрозия, шўрланиш, нитрозамин, пестицид, ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилиш, энтомофаглар, биопрепаратлар, трихограммалар.
- [?]** 1. Суғоришнинг тупроққа салбий таъсири қандай?
2. Минерал ўғитларни тирик организмларга ижобий таъсири нимадан иборат?
3. Нитратлар ва нитритлар организмда қандай ўзгаришларни келтириб чиқаради?
4. Ортиқча нитратлардан қутулиш мумкинми?
5. Пестицидлар қандай кимёвий модда?
6. Пестицидлар атроф-муҳитга ва инсонга қандай таъсир этади?
7. Пестицидларни атроф-муҳитга ва фойдали ҳашаротларга зарарли таъсирини камайтириш чора-тадбирларини санаб беринг?

8. Алмашлаб экишни биологик курашнинг кўриниши, деб ҳисобласа бўладими? Жавобингизни изоҳлаб беринг.
9. Биофабрикалар ва биолаборатория ҳақида нималар биласиз?

- Тупроқдаги ёки сувдаги тузлар миқдорини аниқлаш учун энг оддий усуlda, яъни пробиркаларга водопровод ва дистилланган сув ҳамда ариқ сувидан олинг. Улардан бир-икки томчи буюм ойнасига томизиб қиздиринг. Қиздирилгандан сўнг уларни таққослаб, хулоса чиқаринг. Ана шундай усуlda тупроқдаги тузлар миқдорини аниқланг.

НАЗОРАТ УЧУН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Биоценознинг тузилмасини аниқланг.
 - А. Ўсимликлар, ҳайвонлар, абиотик мұхит.
 - Б. Бактериялар, замбуруғлар, вируслар.
 - В. Вируслар, фазовий турлар таркиби.
 - Г. Турлар таркиби, фазовий, экологик.
 - Д. Экологик, ўсимликлар, ҳайвонлар.
2. Турлар ўртасидаги экологик муносабатларни аниқланг.
 - А. Симбиоз, паразит.
 - Б. Ўз боласини еб қўйиш.
 - В. Уруғ ва меваларнинг тарқалиши.
 - Г. Ўз-ўзини сийраклаштириш.
 - Д. Эркак ва урғочи жинсларнинг қўшилиши.
3. Комменсализм туридаги экологик алоқа муносабатини аниқланг.
 - А. Аллелопатия.
 - Б. Симбиоз.
 - В. Замбуруғ ва сув ўти.
 - Г. Бўри ва қуён.
 - Д. Арслон ва гиена.
4. Паразит туридаги экологик алоқа муносабатини аниқланг.
 - А. Арслон ва гиена.
 - Б. Сув ўти ва замбуруғ.
 - В. Беда ва тугунак бактерия.
 - Г. Буғдой ва занг замбуруғи.
 - Д. Бўри ва қуён.
5. Антибиоз туридаги экологик алоқа муносабатини аниқланг.
 - А. От ва эчки.
 - Б. Бўри ва қуён.
 - В. Беда ва тугунак бактерия.
 - Г. Исириқ ва вирус.
 - Д. Арслон ва гиена.
6. Рақобат туридаги экологик алоқа муносабатни аниқланг.
 - А. Сув ўти ва замбуруғ.
 - Б. Беда ва тугунак бактерия.
 - В. Фўза ва гумай.
 - Г. Қисқичбақа ва актиния.
 - Д. Акула ва балиқ.
7. Ўзбекистондаги табиий биоценозларнинг сони нечта?
 - А.—10;
 - Б.—15;
 - В.—5;
 - Г.—20;
 - Д.—50.
8. Псаммофитларнинг мослашилари:
 - А. Бачки илдизлар ҳосил қилиши, ёзги тиним ҳолатига ўтиш.
 - Б. Сувни кўп ўзлаштириши ва буфлатиши.

- В. Сув захираларининг вегетатив органларида тўпланиши.
Г. Кум остида қолса секин ўсиши.
Д. Кучли шамолларда учеб кетиши.
- 9. Тоғ ўрмонларидағи ҳайвонларни айтинг.**
- А. Дала чумчуғи, тўргай, мусича.
Б. Қизилиштон, қумри, ёввойи чўчқа.
В. Кум илони, эчкиэмар, калтакесак.
Г. Тустовуқ, ёввойи ўрдак, булбул.
Д. Бирқозон, кўзойнакли илон, оқкуш.
- 10. Тўқайзор деганда қандай ўсимликлар ҳамжамоаси тушунилади?**
- А. Бута, бутача, бир йиллик ўсимликлар.
Б. Даражт, чала бута, бутачалар.
В. Чала бута, эфемер, ўт ўсимликлар.
Г. Даражт, бута ва қалин ўт ўсимликлар.
Д. Эфемер, эфемероид, кўп йиллик ўтлар.
- 11. Биогеоценозга мисол келтириңг.**
- А. Аквариум ва ундаги балиқлар.
Б. Ўрмоннинг бир бўлаги.
В. Қуриб қолган даражт.
Г. Ҳайвон организми.
Д. Паҳтазор.
- 12. Экотизимнинг асосий таркиби қандай?**
- А. Тупроқ, ҳаво, ўсимлик, ҳайвон.
Б. Абиотик муҳит, функционал гурӯҳлар.
В. Продуцентлар, сув, ҳаво, иқлим.
Г. Абиотик муҳит, консументлар.
Д. Рудуцентлар, тупроқ, иқлим.
- 13. Экотизимнинг қайси таркибий қисми ўзгарувчан?**
- А. Абиотик муҳит. Б. Продуцентлар. В. Консументлар. Г. Иқлим.
Д. Редуцентлар.
- 14. Озуқа занжирининг турини топинг.**
- А. Ўтхўр, гўштхўр. Б. Чириндиҳўр, паразит. В. Паразит ва ўта паразит. Г. Сарфланиш, емирилиш. Д. Детрит, ўлаксахўр.
- 15. Тўғри тартибдаги трофик даражаларни аниқланг.**
- А. Автотроф, гетеротроф, симбиотроф.
Б. Ўтхўр, гўштхўр, ўлаксахўр.
В. Ўтхўр, чириндиҳўр, гетеротроф.

- Г. Чириндиҳүр, автотроф, сапротроф.
Д. Сапротроф, ўлаксахүр, автотроф.
- 16.** Трофик даражаларда энергия қандай миқдорда сарфланади?
А.—1%; Б.—5%; В.—10%; Г.—25%; Д.—30%.
- 17.** Биологик маҳсулдорликни топинг.
А. Тирик организмлар тўплаган органик моддалар.
Б. Продуцентлар тўплаган органик моддалар.
В. Хемосинтез натижасида тўпланган моддалар.
Г. Консументлар тўплаган моддалар.
Д. Юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри.
- 18.** Қуйидаги экотизимларнинг қайси бири маҳсулдор?
А. Ёнгоқзор ўрмони. Б. Қамишзор. В. Тўқайзор. Г. Ўтлоқзор.
Д. Яйлов.
- 19.** Қайси экотизимда биомасса захираси биологик маҳсулдорликка тенг?
А. Ўрмон. Б. Ўтлоқ. В. Яйлов, тўқай. Г. Бир йиллик ўт экилган майдон. Д. Икки йиллик ўт экилган майдон.
- 20.** Қуйидаги озуқа занжирининг қайси бўғини тушиб қолса, биоце-ноз жиддий зарар кўради?
А. Редуцентлар. Б. II тартибдаги консументлар. В. I тартибдаги консументлар. III тартибдаги консументлар. Д. Ҳайвонлар.
- 21.** Қуйидаги аралаш ўрмон экотизимида қайси тартибдаги консументларни тушиб қолиши унга катта зарар келтириши мумкин?
А. Йиртқич қушлар. Б. Ҳашаротхўрлар. В. Ўтхўр ҳашаротлар.
Г. Ҳашаротхўр қушлар. Д. Гўштхўрлар.
- 22.** Чўл экотизимидаги тўғри тузилган озуқа занжирини топинг.
А. Саксовул — ҳашарот — чўл мойқути — йиртқич қуш.
Б. Илон — калтакесак — илоқ — қушоёқ — укки.
В. Лолалар — қуёнлар — чўл геккони — тўргайлар.
Г. Тувалоқ — кўрсичон — калтакесак — бўри.
Д. Ҳашарот — саксовул — бойўғли — илон.
- 23.** Ёнгоқзор ўрмонидаги тўғри тузилган озуқа занжирини топинг.
А. Ёввойи чўчқа — ёнгоқ — замбуруғ — бошоқли ўсимлик.
Б. Каламуш — ҳашарот — ёввойи ҳина — ит кучала.
Г. Типратикон — ёввойи чўчқа — замбуруғ — қизилиштон.
Д. Ўт ўсимлик — ёввойи чўчқа — ёнгоқ — ҳашарот.

24. Экотизимдаги маҳсулотларнинг турларини айтинг.

- А. Бирламчи, иккиламчи, умумий.
- Б. Соф, умумий, иккиламчи.
- В. Ялпи, бирламчи, иккиламчи.
- Г. Соф, бирламчи, умумий.
- Д. Юқоридаги жавобларни барчаси түгри.

25. Қуидада түгри тузилган экологик пирамидани топинг.

- А. 10 одам, 12 беда, 100 ҳашарот, 200 қурбақа.
- Б. 300 ҳашарот, 1200 беда, 50 бақа, 1 одам.
- В. 10 илон, 1200 беда, 300 ҳашарот, 50 қурбақа.
- Г. 50 қурбақа, 10 илон, 1 одам, 300 ҳашарот, 1200 беда.
- Д. 1200 беда, 300 ҳашарот, 50 қурбақа, 10 илон, 1 одам.

26. Моддаларнинг биологик доирада айланиши қандай?

- А. Ҳайвон — тупроқ — сув. Б. Ўсимлик — сув — тупроқ. В. Ҳаво — сув — ҳайвон. Г. Тупроқ — ўсимлик — ҳаво. Д Ҳаво — сув — тупроқ.

27. Экотизимлардаги ўзгаришларнинг турларини топинг.

- А. Мавсумий, суткалик. Б. Циклик, аста-секин. В. Суткалик, йиллик. Г. Кўп йиллик, аста-секин. Д. Юқоридагиларни барчаси түгри.

28. Сукцессия нима?

- А. Биологик моддаларнинг айланиши.
- Б. Ҳамжамоаларда энергиянинг ўзгариши.
- В. Ҳамжамоаларнинг ташқи муҳит билан алоқаси.
- Г. Ҳамжамоаларнинг келиб чиқиши ва алмашиниши.
- Д. Ҳамжамоаларнинг ўзаро алоқаси.

29. Түгри тузилган сукцессион қаторни топинг.

- А. Қоя — лишайник — сув ўти — юксак ўсимлик.
- Б. Гулли ўсимлик — сув ўти — лишайник.
- В. Ўрмонзор — лишайник — мох — сув ўти.
- Г. Дараҳтлар — буталар — ўтлар — сув ўти.
- Д. Қоя — спорали ўсимлик — лишайник — замбуруг.

30. Сукцессиянинг турларини кўрсатинг.

- А. Фитоген, биоген, абиоген.
- Б. Абиоген, фитоген, зооген.
- В. Антропоген, ҳалокатли, фитоген.

Г. Зооген, антропоген, абиоген.

Д. Юқоридагиларнинг барчаси тұғри.

31. Тұқайзорда иккіламчы сукцессия жараёнининг боришини аникланғ.

А. Юлғун — қамиш — құға — чинғил — юлғун.

Б. Тол — турғанғил — қамиш — құға — илончирмовиқ.

В. Кендір — илончирмовиқ — тол — янтоқ — қамиш — құға.

Г. Юлғун — турғанғил — сохта қамиш — құға — янтоқ — ақриқ.

Д. Жийда — чинғил — қамиш — құға — юлғун.

32. Агрокотизимнинг қандай үзига хос хусусиятлари бор?

А. Одам томонидан бошқарилиши ва турларнинг камлиги.

Б. Қуёш энергиясини ўзлаштириш, сунъий тизим.

В. Құшимча энергиялар киритилиши, турлар иккитадан ошмайди.

Г. Маданий ва бегона үтлар, одам иштироки.

Д. Юқоридаги жавобларнинг барчаси тұғри.

33. Экотизимларнинг барқарорлыгини таъминлаш йүллари қандай?

А. Одам аралашмаслығы, моддалар айланишини бошқариш.

Б. Моддалар айланишини бошқариш, мувозанатда ушлаб туриш.

В. Мувозанатда ушлаб туриш, құшимча энергия киритиш.

Г. Гомеостаз, климакс босқичида сақлаш, моддалар ва энергиянинг тұлиқ айланиши.

Д. Маҳсулдорликни ошириш, энергия ва моддалар айланишига эришиш.

34. Тупроқ әрозияси тушунчасининг аниқ маъноси нима?

А. Тупроқнинг табиий ва инсон таъсирида емирилиши.

Б. Сув таъсирида тупроқнинг емирилиши.

В. Шамол таъсирида тупроқнинг емирилиши.

Г. Бирор ерда бўладиган ўзгариш.

Д. Металларнинг емирилиши.

35. Қишлоқ хўжалигига замбуруғ касалликларига қарши ишлатиладиган моддани айтинг

А. Гербицид. Б. Инсектицид. В. Фунгицид. Г. Акарицид. Д. Тұғри жавоб йўқ.

36. Қишлоқ хўжалигига ҳашаротларга қарши ишлатиладиган модданоми нима?

- А. Фунгицид. Б. Инсектицид. В. Акарицид. Г. Гербицид. Д. Тұғри жавоб йўқ.
- 37.** Қишлоқ хўжалигига бегона ўтларга қарши ишлатиладиган модда номини айтинг.
- А. Интектицид. Б. Акарицид. В. Гербицид. Г. Фунгицид. Д. Жавоб-ларнинг барчаси тўғри.
- 38.** Одам учун бир суткалик рухсат этилган нитратлар меъёри (мг/кг тана вазнига нисбатан) қанча?
- А.—200; Б.—23; В.—3,05; Г.—300; Д.—100.
- 39.** Пестицидлар таъсирида келиб чиқадиган хавфли касалликни айтинг.
- А. Чума. Б. Ичбуруғ. В. Сариқ. Г. Қандли диабет. Д. Саратон (рак).
- 40.** Биологик куращда фойдаланиладиган организмларни айтинг.
- А. Замбуруғ, сув ўти.
Б. Бактерия, маллюскалар.
В. Чувалчанг, бактериялар.
Г. Ҳашарот, бактериялар.
Д. Замбуруғ, паразит чувалчанглар.



5-бўлим. БИОСФЕРА

Ушбу бўлимда сизлар биосфера йирик экотизим эканлиги, унинг чегаралари, тирик модданинг асосий хусусиятлари билан танишасиз ва қўйидаги маълумотларга эга бўласиз:

- Биосфера ва унинг таркибий қисмлари.
- Моддаларнинг биосферада айланиши.
- Инсон фаолиятининг биосферага таъсири.

5.1. БИОСФЕРА ВА УНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ


Ҳозирги даврда атроф-муҳитта инсоннинг тўхтовсиз ва мураккаблашиб бораётган таъсирининг ортиб бориши биосферани ўрганишни энг долзарб вазифалардан бирига айлантириди. Инсонни табиатга кўрсатаётган таъсири натижасида келиб чиқадиган ҳар қандай оқибатларни олдиндан билиш, ҳамда келгуси авлодни фаровон, баҳтли ҳаётини таъминлаш керак. Бунинг учун албатта биосферанинг тузилиши ва фаоллик кўрсатиш, унинг айrim таркибий қисмлари, ҳар хил участкалари ҳақида етарлича билимга эга бўлишимиз лозим.

Маълумки, тирик организмлар хилма-хил шароитларда тарқалган, яъни улар қуруқликнинг деярли барча қисмларида денгиз ва океанларда ҳамда атмосферада учрайди.

Рус олими В.И.Вернадский биринчи бўлиб сайёрамиздаги барча тирик организмларнинг оламшумул аҳамиятини очиб берди. Олимнинг фикрича тирик организмлар Ер юзасини ўзгартириша энг кучли омил ҳисобланиб, тоғ жинслари, сув, атмосфера қисмлари ҳаёт таъсирида ўзгариб туради ва у *биосфера* (юононча «биос»—ҳаёт, «сфера»—шар) деб аталади (26-расм). Биосфера Ер шаридаги энг йирик экотизим деб қаралиб, у айрим экотизимларнинг йигиндисидан ташкил топган. Булар литосфера (қуруқлик), гидросфера (сув ҳавзалари), атмосферанинг қуий қатламларидан иборат. Ҳозирги вақтда тирик организмлар тарқалган чегара биосферанинг 17 км. қалинлигини, яъни литосферанинг 5—6 км гача, дунё океанларининг тубигача (10—11 км) ва атмосферада 10 км гача баландликни ташкил этади.

В.И.Вернадский сайёрамиздаги барча тирик организмлар йигиндисини *«тирик модда»* деб атаб, биосферанинг энг муҳим таркибий қисми эканлигини таъкидлайди. Тирик модданинг умумий вазни кимёвий таркиби ва энергияси каби хусусиятлар билан тавсифланади. Биосферанинг умумий вазни $3 \cdot 10^{24}$ г, шундан тирик модданинг вазни $1,8 - 2,5 \cdot 10^{18}$ г. га teng. Биосферанинг иккинчи таркибий қисми *ўлик моддалар* (иқлим, атмосфера, тоғ жинслари ва бошқалар) ҳисобланиб, В.И.Вернадский таълимоти бўйича уларнинг ҳосил бўлишида тирик организмлар қатнашмайдиган биосферадаги моддалар йигиндиси киради. Биосферада *оралиқ моддалар* ҳам ажратилиб, улар ўлик ва тирик моддаларнинг биргаликдаги фаолиятидан ҳосил бўлади. Тирик организмлар оралиқ моддалар ҳосил бўлишида етакчи ўринни эгаллайди. Оралиқ моддалар Ердаги тирик модданинг фаолияти билан боғлиқ бўлган тупроқ, емирилган тоғ жинслари ва барча табиий сувлардир. Булардан ташқари *биоген моддалар* ҳам мавжуд. Улар тирик организмларнинг ҳаёти давомида ҳосил бўлади ва ўзгаришларга учрайди. Уларга ниҳоятда катта потенциал энергияга эга бўлган тошкўмир, битум, нефт, оҳактош ва бошқалар киради. Шундай қилиб, биосфера тирик модда таъсиридаги Ернинг қобиғи ҳисобланади. Биосферада катта доирада моддалар айланиши амалга ошади.

- ! Биосфера, литосфера, гидросфера, атмосфера, тирик моддалар, ўлик моддалар, оралиқ моддалар, биоген моддалар.
- ? 1. Биосфера қандай келиб чиқкан?
2. Сайёрамизда қандай учта геологик қобиклар ажратилади?
3. Тирик организмларни атмосферанинг юқори қатламларida тарқалишини қандай омил чеклаши мумкин?
4. Тирик организмлар литосферанинг қуий қатламларида нима учун учрамайди?
5. «Тирик модда» деганда нима тушунилади?



26-расм. Биосферада тирик организмларнинг тарқалиши.

6. Биосфера нечта таркибий қисмдан ташкил топади?
- Күйидаги маълумотлардан фойдаланиб биосферанинг асосий таркибий қисмларини ажратиб, жадвални тўлдиринг.

13-жадвал

Тирик модда	Ўлик модда	Оралиқ модда	Биоген модда

Тоғ жинслари, ўсимлик, тошкўмир, тупроқ, ҳайвон, ёнувчи сланецлар, булоқ суви, замбуруғ, нефт, оҳактош, битум, бактериялар, микроблар, лишайниклар, қора тупроқ, бўз тупроқ, гипсли тупроқ.

5.2. ТИРИК МОДДАНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ҳозирги давр фан ютуқларига асосан тирик модда бир неча маҳсус хусусиятларга эга бўлиб, у биосферада маълум биогеокимёвий вазифаларни бажаради:

- I. Тирик модданинг маҳсус хусусиятлари қўйидагилар:
 1. Биосферанинг тирик моддаси катта энергия захирасига эга.
 2. Тирик ва ўлик моддалар ўртасидаги кескин фарқ уларда борадиган кимёвий реакциялар тезлигидадир (тирик моддада борадиган кимёвий реакциялар тезлиги минг ва миллион марта ортиқ).
 3. Тирик модданинг ўзига хос хусусиятларидан бири, ундаги оқсиллар, ферментлар ва бошқа кимёвий бирикмалар фақат тирик организмларда барқарор бўлади.
 4. Биосферада ҳар қандай модданинг эркин ҳаракати ва маълум даражада ўз-ўзини идора этиши умумий хусусият ҳисобланади.
 5. Тирик модда ўлик моддага нисбатан морфологик ва кимёвий хилма-хиллиги жиҳатидан ажралиб туради. Тирик модда таркибига кирадиган 2 млн.дан ортиқ органик бирикмалар маълум бўлиб, табиий минераллар эса икки минг атрофида холос.

6. Тирик модда биосферада айрим организмлар сифатида намоён бўлиб, уларнинг ўлчами ҳам жуда хилма-хил. Энг кичик вируслар 20 нм. дан ошмайди. Энг йирик ҳайвон ҳисобланган китларнинг узунлиги 33 м га боради. Энг баланд дараҳт (эвкалипт) нинг эса бўйи эса 100 м дан ортади.

II. Тирик модданинг асосий биогеокимёвий хусусиятлари қуидагилар:

1. Энергетик хусусияти. Фотосинтез жараёни орқали қуёш энергиясини тўплаш ва уни кейинчалик биосферанинг айрим таркибий қисмларига тақсимланиши. Биосферада қуёш энергиясининг тўпланиши туфайли унда ҳаётнинг барча кўринишлари мавжуддир.

2. Газлар ҳосил қилиш ва уларнинг ҳаракатини амалга ошириш хусусияти. Газларнинг айланиб юриши, ўзгариши орқали биосферанинг газ таркибини таъминлайди. Сайёрамиздаги асосий газлар биоген йўй билан келиб чиқсан. Тирик модда фаолияти натижасида азот, кислород, карбонат ангидрид гази, водород сульфид, метан ва бошқа газлар ҳосил бўлган.

3. Биоген моддаларни тўплаш хусусияти. Тирик модда таркибида енгил элементларнинг атомлари (H, C, N, O, Na, Mg, Al, Si, S, Cl, K, Ca) кўп миқдорда учрайди. Ушбу элементларнинг миқдори тирик организмлар таъсирида ташқи муҳитга нисбатан юз ва минг баробар ортиқ тўпланади. Ана шу хусусият туфайли биосферанинг кимёвий таркиби хилма-хил эканлиги ҳамда ўлик моддалардан кескин фарқ қилиши намоён бўлади.

4. Оксидланиш-қайтарилиш хусусияти. Маълум моддалар (атомлари ўзгарувчан даражадаги оксидланиш хусусиятига эга бўлган) доимий равишда кимёвий ўзгаришлардан иборат бўлиб, бунда Ер юзасида биоген моддаларнинг оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари устунлик қиласи.

5. Парчаланиш хусусияти. Тирик организмларнинг нобуд бўлишидан кейин парчаланиш, яъни органик моддаларнинг минераллашиш жараёни содир бўлади. Натижада биосферада биоген ва оралиқ моддалар ҳосил бўлади.

6. Муҳит ҳосил қилиш хусусияти. Организмларнинг ҳаёт фаолияти натижасида муҳитнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини ўзгартиришидан иборат бўлиб, В.И.Вернадский «Организмлар ташқи муҳит билан боғланган, шунинг учун у ташқи муҳитга нафақат мослашиб қолмай, балки унга мослашган», деб ёзган эди.

7. Транспорт хусусияти. Моддаларнинг Ернинг тортиш кучига қарши горизонтал йўналишда ташиб юрилиши.

- ! Биогеокимёвий, энергетик, газ, концентрацион, оксидланиш-қайтарилиш, парчаланиш, мұхит ҳосил қилиш, транспорт.
- ? 1. Тирик модданинг асосий маңсус хусусиятларини айтиб беринг.
2. Сайёрамизда тирик модда қандай асосий вазифаларни бажаради?
- * Ўсимлик қолдиги ёки ҳайвон жасади қолдигининг парчаланишини кузатинг. Сизнинг фикрингизча парчаланиш натижасида қандай минерал моддалар ҳосил бўлади?


5.3. МОДДАЛАРНИНГ БИОСФЕРАДА АЙЛANIШИ

Биосферада кимёвий элементлар тирик организмларнинг фаолияти натижасида айланиб туради. Кимёвий элементларнинг биосферанинг бир таркибий қисмидан иккинчисига ўтиши шу билан бирга дастлабки ҳолатга қайтиши *биосферада моддаларнинг айланиши* дейилади. Биосферада турли кимёвий моддаларнинг айланиши бир хил эмас. Баъзи моддалар айланишнинг маълум бир босқичида захира сифатида (тошкўмир, торф, тупроқ гумуси) вақтингча ушланиб қолиши мумкин. Аксинча, кўпчилик кимёвий моддаларнинг биосферада фаол айланиши кузатилади.

Маълумки, табиатда моддаларнинг айланиши учун уч экологик гуруҳдаги организмлар қатнашиши шарт. Улар продуцентлар, консументлар ва редуцентлардир. Продуцентларсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди, улар бирламчи маҳсулдорликни ташкил этади. Турли тартиблардаги консументлар бирламчи ва иккиламчи маҳсулотни истеъмол қилган ҳолда органик моддаларни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказади. Редуцентлар эса органик моддаларни минерал моддаларга парчалаб, сайёрада ўлик қолдиқлардан иборат бўлган катта «мозор» нинг келиб чиқишига имкон бермайди. Ерда борадиган ҳар қандай жараёнларнинг манбаи ва бошланиши Күёш нури энергияси ҳисобланади. Күёш нури энергияси фотосинтез жараёни натижасида органик моддаларда тўпланади.


Энергиянинг айланиши моддаларнинг айланиши билан чамбарчас боғлиқ. **Моддаларнинг кичик доирада** (биологик) ва **кatta** (геологик) доирада айланишлари кузатилади. Биологик доирада айланиш организмлар ўртасида, қуруқликда тупроқ билан организм ўртасида, гидросферада эса организм билан сув ўртасида содир бўлади. Моддаларнинг катта доирада айланиши қуруқлик билан дунё океанлари ўртасида борадиган жараёндир.

Сувнинг биосферада айланиши. Сув биосферанинг барча таркибий қисмларида учрайди. Тирик организмларнинг 80—90% биомассасини сув ташкил этади. Сувнинг биосферада айланиши қўйидагича боради (27-расм). Сув Ер юзасига атмосферада сув буғларидан ҳосил



27-расм. Сувнинг табиатда айланиши.

бўлган ёғинлар сифатида тушади. Ёғинларнинг маълум бир қисми юздан буғланиш ҳисобига тўғридан-тўғри атмосферага сув буғлари сифатида қайтади. Иккинчи бир қисми тупроққа ўтиб, ундан ўсимлик илдизлари орқали ўзлаштирилади ва ўсимлик орқали транспирация жараёнида буғланади. Сувнинг учинчى бир қисми тупроқнинг чуқур қатламлари орқали ўтиб, ер ости сувларига қўшилади. Тўртинчى бир қисми эса қуруқликдаги сув ҳавзалари ва ер ости оқимлари сифатида катта сув ҳавзаларига қўшилиб улардан буғланиб яна атмосферага кўтарилади. Ниҳоят, сувнинг бир қисми ҳайвонлар ва инсон томонидан уларнинг эҳтиёжларини қондириш учун сарфланади. Барча буғланган сувлар атмосферада тўпланиб, томчи ҳолатга ўтгач атмосфера ёғинлари сифатида ерга тушади. Шундай қилиб, сувнинг биосферада айланишининг муҳим йўлларидан бири **транспирация** ёки ўсимликлар томонидан уларнинг ҳаётини таъминловчи биологик сув буғлатиш ҳисобланади. Сув буғлатишнинг миқдори ўсимликнинг тури ҳамжамоаларнинг типи, биомассаси, иқлим омиллари, йил фасллари ва бошқа шароитларга боғлиқ



28-расм. Карбонат ангидриднинг табиатда айланиши.

бўлади. Ўртача иқлим зоналарида ўсимлик ҳамжамоаларнинг ўртача ийллик транспирация миқдори 2000—6000 м³ ни ташкил этади.

Углероднинг биосферада айланиши. Ўсимликлар атмосфера ҳавоси таркибидаги карбонат ангидридни ўзлаштиради. Яшил ўсимликлар Қуёш энергияси таъсирида дастлаб шакар моддалари, сўнгра мураккаб углеводлар, оқсил, липид ва бошқа моддаларни тўплайди. Бунда Қуёш энергиясининг кимёвий энергияга айланиши содир бўлади. Ҳосил бўлган органик моддалар гетеротроф организмлар, яъни замбурууглар, ҳайвонлар ва бошқалар учун озуқа бўлиб хизмат қиласди. Шу билан бирга кўпчилик тирик организмлар нафас олиб ҳавога карбонат ангидридни ажратиб чиқаради. Шундай йўл билан яшил ўсимликлар томонидан ўзлаштириладиган углероднинг ярми ҳавога қайтариб чиқарилади. Гетеротроф организмларнинг ҳаёт фаолияти натижасида органик моддаларнинг кимёвий энергияси механик, электр ва бошқа турдаги энергияларга айланади. Углероднинг бир қисми бактериялар томонидан ўсимлик қолдиқлари ва ҳайвон жasadларини парчаланиши натижасида карбонат ангидрид сифатида ажралиб чиқади. Унинг бошқа бир қисми эса Ерда фойдали қазилма сифатида тўпланади. Фойдали қазилмалардан инсон ёқилғи сифатида фойдаланиши натижасида углерод яна карбонат ангидрид сифатида атмосферага қайтади. Денгиз ва океанлар тубида углерод асосан CaCO₃—оҳактош сифатида тўпланади. Вақтлар ўтиши билан тоф ҳосил бўлиши жараёнларида оҳактошлар Ер юзасига чиқиб қолади. Шу вақтдан бошлаб абиотик ва биотик омиллар ҳамда инсоннинг оҳактошдан фойдаланиши натижасида углерод яна биосферада айланишга кўшилиб кетади (28-расм).

- ! Биосферада моддаларнинг айланиши, моддаларнинг биологик доирада айланиши, моддаларнинг геологик доирада айланиши, транспирация.
- ? 1. Биосферада моддалар қандай айланади?
2. Биосферада моддалар айланишида тирик организмларнинг роли қандай?
3. Яшил ўсимликларнинг моддалар айланишидаги аҳамияти нимадан иборат?
4. Биологик доирада моддаларнинг айланиши қандай боради?
5. Геологик доирада моддаларнинг айланиши қандай боради?
6. Сувнинг биосферада айланишини тавсифлаб беринг.
7. Углеродни биосферада айланишини тавсифлаб беринг.
- * Куйидаги тўғри тўртбурчак ичидаги маълумотлар асосида уларни стрелкалар ёрдамида бирлаштириб, биосферада кислороднинг энг оддий айланиш схемасини тузинг.

Ультрабибиғаша нурланиш

Озон

Атмосфера кислороди

Фотосинтез қылувчи организмлар

Организмларнинг нафас олами

Қылувчи фойдалы қазилмалари ёқиш

Карбонат ангидрид

5.4. ИНСОН ФАОЛИЯТИНИНГ БИОСФЕРАГА ТАЪСИРИ

Инсон дастлаб биосферанинг тузилмасига деярли таъсир этмай, ибтидоий ҳаёт кечирган. Овчилик қуроллари ва оловдан фойдаланиш кабиларнинг кашф этилиши билан инсоннинг атроф-муҳитга бўлган таъсири бироз кенгайди. Ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиш, ўсимликларни маданийлаштириш кабилар озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпайишига ва аҳоли сонининг ортишига сабаб бўлиб, бу эса ўз навбатида инсоннинг биосферага бўлган таъсирини кучайтириди.

Деҳқончиликнинг ривожланиши давомида ўрмонлар кесилиб, унумдор ерларга айлантирилди, чорвачиликнинг ривожланиши ўсимликлар қопламининг камайишига, пайҳон қилинишига сабаб бўлди. Натижада миллион йиллар давомида шаклланган барқарор ҳамжамоалар сунъий бекарор экотизимга айланди. Инсоннинг биосферага таъсирини шартли равишда қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

1. Ўрмонларни кесиш ва янги ерларни ўзлаштириш биринчи навбатда биосферанинг сув режимига салбий таъсир кўрсатади. Натижада дарёлар саёzlаниб қолиши, ботқоқланиш, ўт босиш, балиқлар сонининг камайиши кузатилади. Ер остки сувлари захираси камаяди, қор ва ёмғир сувлари тупроқقا сингимай унинг юза қисмини юваб кетади. Сув эрозияси билан қўшилиб тупроқقا янада кучли таъсир этади.

2. Инсоннинг биосферага таъсирида муҳим рол ўйнайдиган омиллардан яна бири сугоришидир. Инсон қадим замонлардан бери сугориладиган дәхқончилик билан шуғулланиб келади. Сугориш ишлари унумсиз ерларни унумдор ерларга айланишига имкон бериши билан бирга гидрологик шароитни ҳам ўзгаририб юборади. Чунончи, бунда ер остки сувлари сатҳининг ботқоқланиши ва сув босиши мумкин. Бундан ташқари, сугориладиган ерларнинг кенгайиши, дарёлар сув режимининг ўзгаришига, баъзан дарёларнинг қуриб қолишига олиб келади.

3. Инсоннинг биосферага таъсиридан яна бири кимёвий ўғитлардан фойдаланиш ҳисобланади. Сугориладиган дәхқончиликда кимёвий ўғитлардан фойдаланиш ҳосилдорликни бир неча марта оширади. Шу билан бирга ўғитлардан фойдаланиш ичимлик сувлари сифатининг ёмонлашишига, эвтрофикация жараёнининг сусайишига, нитрит ва нитратларнинг сувда тўпланиши натижасида хавфли канцероген модда — *нитрозаминлар* ҳосил бўлишига сабаб бўлмоқда. Ушбу моддалар одам саломатлигига салбий таъсир этади. Бундан ташқари чучук сувларда нитратлар ва фосфатларнинг ортиб кетиши фито- ва зоопланктонларнинг ҳаётига ҳам таъсир этиб, (азот ва калий миқдорини чеклайди) фитопланктонларни кўпайиб кетишига олиб келади. Сувда яшовчи кўк-яшил сув ўтлари минерал ўғитлар билан ифлосланган сувларда жуда тез кўпайиб кетиб, сув ҳавзасининг юзини беркитиб қўяди, бу эса балиқларнинг ялпи қирилишига, шунингдек ботқоқланишига олиб келади.

4. Ниҳоят инсоннинг биосферага кўрсатадиган кучли таъсириларидан бири ўсимликлар касалликлари, зааркунанда ҳашаротлар ва бегона ўтларга қарши курашда фойдаланиладиган кимёвий кураш воситаидир.

Инсоният бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида заҳарли ва зарарли кимёвий моддалардан фойдаланишдан ҳали воз кечгани йўқ. Келажакда ўсимликларни ҳимоя қилишда биологик назорат ва услубларни қўллаш яхши самара бериши кутилмоқда.

Ҳозирги вақтда экин майдонлари 1,2 млрд. га эканлигини ҳисобга олсан (шундан чўллар, қутб атрофи ва тоғларнинг юқори қисмлари ҳисобга олинмаса), янги экин майдонлари захираси кўп эмас. Шунинг учун инсон биосферага бўлган муносабатини ўзгартирмаса, сайёрамизда ортиб бораётган аҳолини озуқа маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириб бўлмайди.

Биосферада инсоннинг эҳтиёж кўлами ортиб бораётган сари «иккинчи табиат», яъни инсониятнинг сунъий яшаш муҳити шаклланмоқда. Инсоннинг энергетик материаллардан фойдаланиши оқибатида атмосфера, гидросфера, литосферадаги углероднинг асосий манбай сифатида унинг динамик мувозанати бузилганилигини кўриш мумкин.

Атом энергияси ва саноатнинг ривожланиши билан бирга радиоактив чиқиндиларнинг түпланиши жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш учун кенг кўламда ишлаб чиқараётган пластмассалар, синтетик толалар, бетонлар, резиналар ва улардан тайёрланган хилма-хил ва қўп сондаги маҳсулотлар биотик моддалар айланишига бутунлай қўшилмайди. Улар ўз навбатида тупроқни, сувни чиқиндилар билан ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Ниҳоят, йирик шаҳарларнинг пайдо бўлиши, урбанизация жараёнининг кучайиши, туар жойлар курилишлари, саноат корхоналарининг катта майдонларини эгаллаши табиий биогеоценозларнинг қисқаришига олиб келмоқда.

- ! Инеон-биосфера, экологик мувозанат, атроф-муҳитнинг ифлосланиши.
- ? 1. Инсоннинг биосферага таъсири дастлаб қандай характерга эга бўлган?
2. Инсоннинг биосферага таъсирининг асосий йўналишлари нимадан иборат?
3. Ўрмонларни кесиш ва унинг салбий оқибатлари нималарда намоён бўлади?
4. Суориш ва унинг табиий жараёнларга таъсири нимадан иборат?
5. Кимёвий ўғитлардан фойдаланиш ва унинг одам саломатлигига таъсири қандай?
6. Пестицидлар ўрнига қандай экологик қулай усуллардан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларидан ўсимликларни ҳимоя қилиш мумкин?
- * Ҳозирги даврда инсоннинг атроф-муҳитга кўрсатаётган таъсирини баҳоланг.

Экологик тадқиқотнинг баъзи услублари

Ташқи мұхитті омилларини ўлчаш услуби.

Ташқи мұхиттің асосий омиллари бўлмиш тупроқ, рельеф ва иқлим (сув, намлик ҳарорат, ёруғлик ва шамол) кабилар бирор-бир организмнинг экологиясини ўрганишда биотик омиллар билан бир қаторда эътиборга олиниши керак бўлган абиотик маълумотлар ҳисобланади. Тупроқ омиллари ўзининг тузилиши ва кимёвий таркиби билан фарқланади. Шунинг учун тупроқнинг намлиги, органик моддаси, гумуси, кислород миқдори, қаттиқ жисмларнинг нисбати ва тупроқнинг pH кўрсаткичи каби хусусиятлари мұхим аҳамиятга эга. Тупроқ намуналари маҳсус қавлагичлар ёрдамида қатламлар бўйича олиниб, унинг тузилиши ҳақида умумий холоса чиқариш ҳамда айрим хусусиятларини таҳлил қилиш мумкин.

Тупроқ намлигини аниқлаш услуби:

1. Алюминий стаканчалар торозида тортилиб, унинг вазни ёзиб қўйилади (а).
2. Стаканчаларга тупроқ намуналари солиниб, улар тарозида яна тортилади ҳамда тупроқ намунаси билан биргаликдаги вазни ёзиб қўйилади (В).
3. Стаканчалар тупроқ намуналари билан бирга қуриткич шкафда 24 соат давомида 110°C ҳароратда қуритилади.
4. Бир суткадан сўнг стаканчалар олиниб экспикаторларда совитилади.
5. Совиган идишлар тортилиб, уларнинг вазни ёзиб қўйилади.
6. Тортилган идишлар яна бир сутка давомида 110°C қиздирилган қуриткич шкафда сақланади.
7. Намуналарнинг вазни доимий ҳолатга келгунча (с) ушбу жараён бир неча марта такрорланади.
8. Натижа қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$\frac{B - c}{B - a} \times 100.$$

Тупроқдаги органик моддалар миқдорини аниқлаш услуби ҳам юқоридаги тупроқнинг намлик миқдорини аниқлаш услубига ўхшашиб бўлиб, бунда тупроқ намуналари тигел идишларга солиниб қиздирилади ва юқоридаги тартибда тортиш, совитиш ва бошқа жараёнлар амалга оширилиб формула асосида фоиз миқдори ҳисоблаб чиқарилади.

Тупроқ намуналаридаги кислород миқдорини аниқлаш услуги:

1. Бүш банка идишни 500 см³ ҳажмли стаканга тушириб, унга сув түлдирилади ва стакандаги сув сатҳи белгилаб қўйилади.
2. Банкадаги сув ҳажми ўлчов цилиндри ёрдамида аниқланади (а), стакандаги сув сатҳи банкадаги сув миқдорига баробар ҳажмда пасаяди.
3. Банканинг тубида тахминан 8 та кичик тешикчалар очилади.
4. Банканинг оғзини тупроққа ботириб (тешикчалардан тупроқ чиққунча) банкани аста-секин тупроқдан чиқариб олиб оғзидаги ортиқча тупроқлар олиб ташланади.
5. Банкани қайтадан сув солингган стаканга тушириб, тупроқни бироз силкитилса ичидаги ҳаво чиқиб кетади.
6. Стакандаги сув сатҳи аввалги ҳолатдан пасаяди, чунки сувнинг бир қисми тупроқдаги ҳаво ўрнини эгаллайди.
7. 100 см³ ҳажмли ўлчов цилиндри ёрдамида стакандаги сув сатҳи аввалги ҳолатга келгунча сув қўйилиб унинг ҳажми ёзиб қўйилади (В).
8. Тупроқдаги кислород миқдори қўйидаги формула билан хисобланади:

$$\frac{B}{a} \times 100$$

9. Ушбу жараён турли районлардан олинган тупроқ намуналарида такрорланиши керак.

Тупроқдаги қаттиқ заррачаларни тахмииий нисбатини аниқлаш услуби.

1. Тупроқ намуналари ўлчов цилиндрига солиниб, устига сув қўйилади.
2. Тупроқ билан сув яхшилаб аралаштирилади.
3. Аралашмани 48 соат тиндириб қўйилади.
4. Тупроқ намунасидаги турли фракцияларнинг ҳажми аниқланади.

Тупроқ намунасининг рН кўрсаткичини аниқлаш услуби.

1. Пробиркага 1 см³ тупроқ ва шунча миқдорда барий сулфат қўшиб кузатилганда коллоид лойқа пробирка тубига паға-паға бўлиб чўқади.
2. Унга 10 см³ дистилланган сув ва 5 см³ универсал индикатор қўйилади. Пробирканинг оғзини пўқак ёрдамида беркитиб яхшилаб силкитилади, сўнгра тиндирилади.
3. Пробиркадаги суюқлик рангини эталон ранглар билан тақ-қослаб, унга мос келадиган рН кўрсаткичи аниқланади.

Иқдим омиллари.

Сув, ҳаво ва ёруғлик кабилар энг муҳим иқдим омиллари ҳисобланади.

Сувнинг рН кўрсаткичини аниқлаш услуби.

1. Текширилаётган сувга универсал индикатор қофози туширилади ва унинг рангини этalon ранглар шкаласига таққосланади, натижада сувнинг рН қиймати топилади.

2. рН-метрнинг зондини дистилланган сув ёрдамида чайқаб, текширилаётган сувга зонд туширилади ва рН-метрдаги кўрсатилган қиймат ёзиб олинади.

Сувнинг тахминий шўрланиш даражасини аниқлаш услуби.

1. Текширилаётган сувдан 10cm^3 ҳажмда конуссимон колбага олиб, унга икки томчи калий хромат индикатори эритмаси қўйилади.

2. Кумуш нитрат эритмаси билан намуна титрланади.

3. Титрлаш охирида куму什 хлорид чўкмаси қизил рангга бўялади.

4. Текширилаётган 10 cm^3 ҳажмдаги сув яна титрланади. Титрлаш учун ўртача сарф бўлган кумуш нитрат эритмасининг миқдори тахминан сувдаги хлориллар миқдорига tengdir.

Сувдаги кислород миқдорини аниқлаш услуби.

1. Шиша банкага ёки бутилкага сув солиб, унга ҳаво кириб қолмаслиги учун сув тагида сақланади.

2. Сув намунасига пипетка ёрдамида 2 cm^3 марганец хлорид ва шунча миқдорда йоднинг ишқорли эритмасидан қўшилади. Бунда пипетканинг учи бутилка тубига тегиб туриши керак. Натижада сувдан бироз оғир бўлган эритма бутилкадан тенг ҳажмдаги сувни сиқиб чиқаради.

3. Хлорид кислотасидан 2 cm^3 қўшиб бутилканинг оғзи беркитилади. Чўкманинг эриб кетиши учун бутилка яхшилаб силкитилади. Натижада калий йодиднинг ортиқча эритмаси ҳосил бўлади. Энди сувдаги кислород миқдори ҳисобга олинади.

4. Текшириш учун конуссимон колбага 50 cm^3 сувдан олиб, уни $0,01\text{ M}$ натрий тиосульфат эритмаси билан титрланади. Аввал колбани чайқатиб турган ҳолда сариқ ранг йўқолгунча тиосульфат эритмасидан қўшиб борилади, кейин уч томчи крахмал эритмасидан қўшиб титрлашни давом эттирилади, бунда крахмалнинг тўқ ҳаво рангги йўқолиши керак. Натрий тиосульфатнинг сарф бўлган ҳажми ёзиб олинади.

5. Титрлаш икки марта такрорланади. Ҳар галги титрлаш учун 50 cm^3 текширилаётган сувдан олинади. Титрлаш учун сарф бўлган ўртача (\bar{x}) натрий тиосульфат эритмасининг ҳажми ҳисоблаб чиқилади.

6. $0,01\text{ M}$ тиосульфатнинг 1 cm^3 ҳажми (нормал шароитда) $0,056$

см³ кислороднинг миқдорига тенг келади. І л сувдаги кислороднинг миқдорини қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Нормал шароитда кислороднинг миқдори} = \frac{0,056 \cdot x \cdot \bar{x} \cdot x}{50} \cdot 1000$$

х—50 см³ сувни титрлаш учун сарфланадиган тиосульфатнинг ҳажми.

Сувнинг оқиши тезлиги ҳам оддий усулда сувда қалқиб турувчи бирор нарсани маълум бир масофага оқиб бориши учун кетган вақт билан аниқланади.

Ҳавонинг нисбий намлигини аниқлаш услуби. Ҳавонинг нисбий намлиги ҳароратнинг ўзгариши билан ўзгариб туради. Уни ўлчашиб учун психрометр деган асбобдан фойдаланилади. Психрометр металл ёки ёғоч рамага маҳкамланган нам ва қуруқ термометрлардан иборат. Термометрларнинг кўрсатишига қараб маҳсус психрометрик жадваллар ёрдамида ҳавонинг нисбий намлиги фоиз миқдорида ҳисоблаб чиқарилади. Ҳаво ва тупроқнинг ҳароратини симбли термометрлар билан ўлчашиб мумкин, аммо экологик ишларда айни жойдаги ёки вақтдаги ҳарорат катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳарорат сутканинг ҳар хил вақтлари ҳамда мавсумий даврларида максимал ва минимал термометрлар ёрдамида аниқланади. Айрим органлар айниқса, ўсимлик танаси, барглари ҳароратини ўлчашда термисторлардан фойдаланилади. Улар анча қулай ва ихчам электр асбоблардир.

Экологик ишлар учун шамолнинг эсиш частотаси, кучи ва ўйналиши муҳим аҳамиятга эга. Аммо, кўпчилик ҳолатда анемометрлар кўрсатган шамолнинг йўналиши ва тезлиги билан чекланилади.

Популяциялар сонини баҳолаш усуllibari.

Популяцияларнинг ўлчамини бевосита баҳолаш учун қуйидаги квадрат, кузатиш ва суратга олиш усуllibари қўлланади. Бивосита усуllibарига эса ажратиб олиш, ҳалқалаш, қайта тутиш (овлаш) кабилар киради.

Квадрат усули. Маълум тур яшаётган жой бир неча сондаги квадрат майдончаларга бўлиб ташланади. Кейинчалик танлаб олинган квадратдаги организмлар сони ҳисобга олиниб, уларни ушбу майдондаги квадратлар сонига кўпайтириб организмларнинг умумий сони аниқланади.

Кузатиш усули. Индивидларни ҳисоблашда ушбу услугуб ўтроқ ёки секин ҳаракатланувчи ҳайвонлар, шунингдек йирик ҳайвонлар учун тавсия этилади. Масалан, тунаш жойларини ташлаб кетаётган вақтда уларни ҳисобга олиш мумкин.

Фотосуратлардан фойдаланиб, катта майдонларга тўпланадиган

йирик сут эмизувчилар ва қушлар популяцияларининг ўлчами ва индивидларини ҳисобга олиш ҳам мумкин.

Ажратиб олиш. Ушбу усул майда организмларнинг сонини баҳолаш учун қулай. Масалан, маълум сув ҳавзаси ёки майдондаги учрайдиган ҳашаротларни ҳисобга олиш мумкин. Ҳайвонлар махсус тўрлар ёрдамида тутилиб, уларнинг сони қайд этилади ҳамда тажриба тугагунга қадар ушлаб турилади. Ҳайвонларни тутиш уч марта тақорорланади. Ҳар бир тақрор ушлашда уларнинг сони камайиб боради. Навбатдаги вазифа ҳар бир тутиш натижасидаги ҳайвонлар сонини аниқлаб, сўнгра умумий тутилган ҳайвонлар сонини график равишда ифодалаш билан якунланади.

Текширилаёттан майдонда намуналарни йиғиш усули. Маълум бир экотизимнинг абиотик ва биотик таркибий қисмларини текшириш учун одатда, трансектлар ёки квадратлардан фойдаланиб, у ердаги намуналар йиғилади.

Чизиқли трансект бир хил майдонлардан намуна йиғиш учун фойдаланилади. Кўпинча, текширилаётган майдонда популяцияларнинг яшаш жойлари бири иккинчиси билан алмашинадиган ҳолатларда яхши натижа беради. Ер юзасига қоқилган иккита қозик оралиғидаги чизимча ёки арқон трансектнинг ҳолатини билдиради. Айнан ана шу чизиқли трансект чегарасидаги турлар йиғилади.

Лентали трансект иккита чизиқли трансект орасидаги ўрганиладиган майдон бўлиб, турларни ҳисобга олиш учун 0,5 м ёки 1,0 м майдон ажратилади. Текширилаётган ҳамжамоанинг миқдор ва сифат жиҳатидан ишончли маълумотлар олиш учун чизиқли ва квадрат рамкалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Квадрат рамка металл ёки ёғочдан ясалган, ўлчами $0,25 \text{ m}^2$ ёки 1m^2 майдончани чегараловчи йифма асбобидир. Рамкани трансектнинг бир томонига ташлаб майдонча текширилади. Кейин чизиқли трансект бўйлаб иккинчи бир намуна майдончасига ташланади. Текшириш характеристига қараб, рамка ичидаги турлар рўйхатга олинади ва уларнинг миқдори баҳоланади.

Кегайли рамка бир неча катақчаларга эга бўлган ва катақчалардан сим (кегай) тушириш мумкин бўлган рамка. Ушбу усулдан текширилаётган жойда ўсимликлар жуда зич ўсаётган бўлса, фойдаланиш анча қулай бўлади. Ҳар бир катақчалардан сим туширилиб симга тегиб турган турларнинг барчаси ҳисобга олинади.

Доимий квадрат. Узоқ муддатли экологик тадқиқотларда, яъни ҳамжамоаларнинг алмашинишларида (сукцессиялар) ёки мавсумий ўзгаришлар доимий квадрат ёки трансектлар ёрдамида ўрганилади. Қозиқлар ёрдамида чегараланган майдончада абиотик ва биотик омиллар маълум муддатларда текшириб турилади. Текшириш натижасида ўзгаришларнинг йўналишлари ва уларни келтириб чиқарган омиллар аниқланади.

ҲАМЖАМОАЛАРНИ ТАСВИРЛАШ

Маълум географик ҳудуддаги экотизим ўрганилаётганда унинг абиотик ва биотик таркиби ҳамда бир неча яшаш жойларининг турлари ҳисобга олинади. Агарда тўқай ёки ёнгоқзор ўрмони ўрганилаётган бўлса, унда бир неча тур ўсимлик ва ҳайвонлар яшайди.

Ҳамжамоаларни тасвирлаш учун қўйидагилар зарур:

1. Текширилаётган туманнинг режаси ва экотизимларининг тури яшаш жойлари, керак бўлса профили ҳам чизилади.

2. Турлар аниқланиб, уларнинг ҳар бирининг миқдори баҳоланади.

3. Яшаш жойларидаги абиотик омилларнинг баъзи бирлари ўлчанади ва таҳлил қилинади.

Экотизимларни текширишдан мақсад ўсимлик ва ҳайвон турларининг популяциялари, улар ўртасидаги ўзаро боғланишлар, миқдор ва сифат таркиби, шунингдек тупроқ, иқлим ва топографик омилларни ўрганишдан иборат.

Жойнинг ҳаритасини тузиш учун унча катта бўлмаган майдон (10×10 м) ёки сув ҳавzasи танлаб олинади. Рулетка ёрдамида намуна майдон ўлчаниб, қозиклар қоқилади. Миллиметрли қофозга тегишли масштабда ажратиб олинган жой туширилади. Майдоннинг тузилмаси ва ўсимликлари билан фарқланувчи жойлари белгилаб олинади. Ўрганилаётган жойнинг характеристига кўра у ерда учраган барча турларнинг миқдори қайд этилади. Агарда майдон катта бўлса, унда маълум оралиқларга трансектлар ташлаб намуна майдончаларида текшириш ўтказилади.

Турлар сонини аниқлаш ва баҳолаш.

Текширилаётган майдоннинг намуна майдончалари рамалар ёки трансектлар орқали тадқиқ қилинади. Ҳамжамоанинг таркибига кирувчи организмлар махсус аниқлагичлар ёрдамида аниқланиб, уларнинг миқдори бевосита ҳисоблаш ёки чамалаш усули билан баҳоланади.

Йигилган маълумотларни қайд этиш.

Маълумотлар дала кундалик дафтарига туширилади.

Дала кундалик дафтариининг намунаси

1. Жойнинг номи ва жойлашиши
2. Профилнинг характеристикиаси
3. Жойнинг схематик ҳаритаси
4. Бошқа хусусиятлари (денгиз сатҳидан мутлоқ баландлиги, экспозицияси ва бошқалар)
5. Кун (сана)
6. Об-ҳаво шароитлари

7. Маълумотларни қайд этишда фойдаланилган шартли белгилар...

Барча маълумотлар тўпланганидан сўнг, тирик организмлар билан атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро боғланишни тўлиқ ифодалайдиган диаграмма тузиш зарур.

II ИЛОВА

Ўзбекистондаги муҳофазага олинган ҳудудлар ҳақида маълумот

№	Номи	Ташкил этилган йили	Майдони, км ²	Фоиз нисбати	Вилоят
ҚЎРИҚҲОНАЛАР					
1	Зомин	1926	268,4		Жizzах
2	Чотқол (биосферавий)	1947	451,6	2	Тошкент
3	Бадай-Тўқай	1971	64,6		Қорақалпогистон
4	Қизилкум	1971	101,4		Хоразм, Бухоро
5	Зарафшон	1971	23,5		Самарқанд
6	Китоб	1971	53,7		Қашқадарё
7	Нурота	1975	177,5		Жizzах
8	Ҳисор	1983	814,3		Қашқадарё
9	Сурхон	1987	276,7		Сурхондарё
Жами		17080,1	8		
БҮЮРТМАХОНАЛАР					
1	Арнасой	1983	633		Жizzах
2	Корақўл	1990	100		Бухоро
3	Судоче	1991	500		Қорақалпогистон
4	Сайгач	1991	10000		Қорақалпогистон
5	Сармиш	1991	25,2		Навоий
6	Қорақир	1992	300		Бухоро
7	Қўшрабод	1992	165		Самарқанд
8	Карнабчўл	1992	400		Самарқанд
9	Денгизкўл	1992	86		Бухоро
Жами		12209,2	56		
МИЛЛИЙ БОҒЛАР					
1	Зомин	1976	241,1		Жizzах
2	Уғом-Чотқол	1990	5745,9		Тошкент
Жами		5987			
ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИ					
1	Варданзе	1975	3		Бухоро
2	Ёзёвон	1991	31,9		Фарғона водийси
Жами		34,9			
ЭКОМАРКАЗ					
"Жайрон"		1976	51,4	4	Бухоро
Умумий		20514,0	100		

**Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»нинг янги нашрига
киритилган ноёб ўсимлик турлари рўйхати**

1. Бошқизилсой анжобори
2. Бинафша гулли аргувон
3. Арчазор астрагали
4. Баранов астрагали
5. Бойсун астрагали
6. Борис астрагали
7. Ёнбаргчали астрагал
8. Икки ранг астрагали
9. Кнорринг астрагали
10. Масачетов астрагали
11. Михали астрагали
12. Модест астрагали
13. Патсимон астрагали
14. Пахмоқтукли астрагал
15. Сохта чўл астрагали
16. Тўполон астрагали
17. Қашқадарё астрагали
18. Қолдиқ тоф астрагали
19. Кўргошин астрагали
20. Сертук бузоқбош
21. Комаров бузоқбоши
22. Тоф зўрчаси
23. Винклар иридиодикиуми
24. Бештикон каррак
25. Бутков карраги
26. Введенский карраги
27. Гнездилло карраги
28. Киндиқчали каррак
29. Кулранг каррак
30. Невесский карраги
31. Узунбарг каррак
32. Анна кирпиўти
33. Екатерина кирпиўти
34. Нор коврак
35. Тугунакли коврак
36. Қизилқум ковраги
37. Маргарита мармараги
38. Тяншан мармараги
39. Тўмтоқ мармарак
40. Майда мовийгул
41. Нурота мовийгули
42. Оқтоғ мовийгули
43. Йирик нўхат
44. Мўғултоғ нўхати
45. Введенский олигохетаси
46. Боботоғ окситрописи
47. Бойсун окситрописи
48. Зарафшон окситрописи
49. Майда гулли окситропис
50. Нимранг пушти окситропис
51. Она ўлган сой окситрописи
52. Тахта окситрописи
53. Шоҳимарддон окситрописи
54. Юпқа пардали окситропис
55. Нинасимон оқ тикан
56. Амударё оқ тўшаси
57. Введенский патбарги
58. Бошқизилсой пиёзи
59. Мотор пиёзи
60. Шаширсимон пуфакбўгин
61. Ҳисор сарпояси
62. Бунге такасоқоли
63. Йирик ҳалқа гулли тангабарг
64. Бухоро танга ўти
65. Ошловчи totim
66. Дробов шўраги
67. Бежирим юринея
68. Майнин тукли қандим
69. Маттей қандими
70. Нозик қандим
71. Оҳактош қандими
72. Палецкий қандими
73. Туксиз қарғатирноқ
74. Алберт қисрони
75. Кўримсиз қўзиқулоқ
76. Пилдироқ қўшшоҳ
77. Бухоро ғичмоласи

Ўзбекистон Республикаси «Қызыл китоби»га киритилган умуртқасиз ҳайвонлар рўйхати

Ҳалқали чувалчанг:

Соясевар аллобофора

Моллюскалар:

Бактрия тиҳсизи

Сўғд тиҳсизи

Қўқон тиҳсизи

Юрак шаклли саватча

Дарё саватчаси

Қирмизи саватча

Жаддин сўғд булоқ чиганоги

Архангелский булоқ чиганоги

Шоҳимардан булоқ чиганоги

Қайнар меланаидеси

Хаттон гастрокоптаси

Ургут левозебринаси

Бўғимоёқлилар:

Дала қоракурти

Ниначилар:

Кириченко ниначиси

Ярим қаттиқ қанотлилар:

Федченко йиртқиччаси

Богданов йиртқиччаси

Кристоф йиртқиччаси

Глазунов чиройлитанлиси

Зарудний ташқоли

Сўғд ташқоли

Антия

Туркистон скарити

Тилларанг тўқай тиллакўнфизи

Жарқўргон шарсимон қоракўнфизи

Фарғона кескури

Турк арвоҳқапалаги

Ғулжа арвоҳқапалаги

Комаров арвоҳқапалаги

Прозерпина арвоҳқапалаги

Тўқай кокилдори

Туранғи пиллакаши

Туранғи нишон тасмаси

Темур нишон тасмаси

Тўқай нишон тасмаси

Фарғона олачипори

Алексанор

Глауконома

Томирис

Елканли зегрис

Гофман сатири

Аkreина катак гулли капалаги

Каллимах

Тўқай феруза

Икки қанотлилар:

Кожевников гингпашшаси

Геренгия гингпашшаси

Ферула гингпашшаси

Ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон турлари

№	Ҳайвон турининг номи	Камёблик даражаси
Сут эмизувчилар синфи		
1.	Узунбармоқли түншапалак	3
2.	Шалпангкулоқ кўршапалак	3
3.	Қўнғир айик	4
4.	Ҳинд асалхўри	3
5.	Ўрга Осиё қундузи	3
6.	Сиртлон, дулта	0
7.	Қоплон	0
8.	Қоракулоқ	2
9.	Силовсин	3
10.	Ирбис	2
11.	Хонгул	1
12.	Қорақўйруқ, жайрон	2
13.	Мархўр	3
14.	Устюрт қўйи, аркал	2
15.	Қизилқум ёввойи қўйи	4
16.	Бухоро қўйи	2
17.	Қўқ сугур	3
Кушлар синфи		
1.	Бирқозон	2
2.	Жингиладор бирқозон	2
3.	Қорабузов, қоравой	3
4.	Кичик оқ қўтон	3
5.	Қозиқбурун	3
6.	Қорабой	2
7.	Оқ лайлак	4
8.	Қора лайлак	3
9.	Оқ куш	2
10.	Мармар, чуррак	1
11.	Сув қўйғир	2
12.	Илон бургут	2
13.	Кичик бургут	4
14.	Қирғий бургут	0
15.	Қорақуш	2
16.	Қиронқора	2
17.	Бургут	3
18.	Болтаютар	4
19.	Тасқара	4
20.	Оқ бошли қумой	4
21.	Қумой	3
22.	Итолғи	4
23.	Саҳро лочини	3
24.	Зарафшон қирғовули	2
25.	Бизғалдоқ	2

Давоми

26.	Йүрға-тувалоқ	2
27.	Қора бошли балиқчи	3
28.	Оқбовур, булдуруқ	2
29.	Үкки	2
Судралиб юрувчилар синфи		
1.	Хентог курбақабоши	1
2.	Штраух қурбақабоши	2
3.	Рустамов геккони	2
4.	Чипор калтакесак	2
5.	Эчкемар	2
6.	Капчабош илон	4
Балиқлар синфи		
1.	Бахри балиқ	1
2.	Қилқүйрүқ Амударё катта куракбуруни	1
3.	Тошибакра, Амударё кичик куракбуруни	1
4.	Филбүйин, Сирдарё куракбуруни	0
5.	Орол сұлаймонбалиғи	0
6.	Кал балиқ, чұрттан марка	3
7.	Суген, орол мүйловдори	2
8.	Танғачали күкчә, танғачали осман	2
9.	Паррак	2
10.	Оқ күз балиқ	3

Э слатма: Камёблик даражасы :0 — йўқолаётган тур; 1 — жуда ноёб тур; 2 — сони ва ареали қисқариб бораётган тур; 3 — ноёб турлар; 4 — сони ва ареали назоратдаги турлар.

Экологик атамалар лугати

Абиотик мұхит — Биоценотик мұхиттің асоси ҳисобланиб, унга «жонсиз» табиат, қүёш ёруғлиги, ҳарорат, тупроқ, намлық ва бошқалар киради.

Автомтроф — Организмларнинг фотосинтез ёки хемосинтез йүйлари билан ҳаво ва тупроқдаги анорганик моддалардан фойдаланыб озиқланиши.

Агроландшафт — Күпчилик қисми қишлоқ хұжалиги майдонларидан иборат ландшафт.

Агрофитоценоз — Инсон томонидан сунъий равища ҳосил қилинган ва бошқариладиган бекарор ҳамжамаадан иборат экин майдони.

Агрокомплекс — Агрофитоценозлардаги үсимлик турлари билан ташқы мұхит ўртасидаги мураккаб алоқалар тизими.

Азот тұйловчилар — Үсимликларнинг атмосфера ёки тупроққа ажратыб чиқарадиган кимёвий моддалар орқали бир-бирларига ўзаро таъсири.

Антибиоз — Бирор турдаги организмнинг ташқы мұхитта чиқарған зақарлы моддаси ҳисобига бошқа турнинг яшай олмаслиги.

Антропоген — Ер тарихининг IV ламчи давр охири, яъни одам пайдо бўлгандан бошлаб то ҳозирги кунгача бўлган давр, турли маълумотларга кўра ушбу давр 1,8 млн. йилдан 5,5 млн. йилгacha бўлган давр.

Антропоген ифлосланиш — Одамнинг хұжалик фаолияти натижасида келиб чиқадиган ифлосланиш, шунингдек инсоннинг табиий ифлосланишнинг таркиби ва жадаллигига бевосита таъсири.

Антропоген таъсир — Инсон хұжалик фаолияти натижасида табиат ва унинг ресурсларига кўрсатадиган таъсири.

Анаэроблар — Эркин кислородсиз шароитда яшашга мослашган организмлар.

Аутэкология — Экологиянинг айрим турларининг ташқы мұхит шароитларига мослашишини ўрганадиган бўлим.

Аэроблар — Кислородли шароитда яшашга мослашган организмлар.

Аэропланктон — Ҳаво қатламида тарқалган тирик организмлар.

Аэротенк — Биологик усуlda сувни тозаловчи қурилма бўлиб, оқова сувларни тозалаш учун аэроб микроорганизмлардан фойдаланилади.

Бентос — Ҳаётини бутунлай ёки кўп қисмини океан ва сув ҳавзалари тубида ўтказадиган ва мослашган организмлар.

Биоген моддалар — Тирик организмларнинг яшаши учун зарур бўлган ва уларнинг ҳаёт фаолияти натижасида синтезланадиган моддалар.

Биогеокимёвий цикл — Қўёш ёки кимёвий реакциялардан фойдаланиш натижасида абиотик мұхитдан кимёвий моддаларнинг ўсимлик ва ҳайвонлар организмига ўтиши ва аксинча, абиотик мұхитга қайтиши, яъни кимёвий моддаларнинг айланиш жараёни.

Биогеоценоз — Муайян тупроқ шароитида ўсимликлар, ҳайвонлар ва замбуруглар ҳамда айрим содда ҳайвонлардан ташкил топган микроорганизмларнинг биргаликда яшаши.

Биологик маҳсулдорлик — Экотизимларнинг ҳаёт фаолияти натижаси ҳисобланиб, маълум вақт оралиғида экотизимдаги организмлар томонидан тўпланган органик моддалар (I ламчи ва II ламчи маҳсулдорликларга ажратилади).

Биологик хилма-хиллик — Экотизимдаги турларнинг хилма-хиллиги ҳисобланиб, улар ҳайвонлар, ўсимликлар, замбуруглар ва микроорганизмларнинг хилма-хиллиги кабиларга ажратилади.

Биомасса — Тирик организмларнинг маълум майдон бирлигига тўғри келувчи оғирлик ёки энергия бирликларида ифодаланган умумий вазни.

Биоиндикатор — Атроф-мухитнинг ўзгаришлари, шунингдек ифлослантирувчи моддаларнинг иштироки ва миқдори ҳақида маълумот олиш мүмкин бўлган турлар ва ҳамжамоалар.

Биосфера — Ҳозирги даврда яшаб, фаоллик кўрсатиб турган организмлар тарқалган қобиқ.

Биота — Ҳар қандай турдаги тўсиқлар билан ажralган маълум бир йирик ҳудудда яшётган тирик организмлар йиғиндиси.

Биотоп — Нисбатан бир хил абиотик мұхит билан тавсифланувчи биоценоз эгаллаган майдон.

Биотик алоқалар — Биоценоздаги организмларнинг турли шакллардаги ўзаро муносабатлари.

Галофитлар — Шўрланган тупроқларда ўсуви ўсимликларнинг турлари.

Гелиофитлар — Қўёш ёруғлиги яхши тушиб турадиган жойларда ўсуви ўсимликлар.

Гетеротерм — Фаол ҳолатда тана ҳарорати ўзгарувчан гомойотерм, доимий уйқуга кетганда эса ўзгарувчан ҳамда маълум шароитда ташқи мұхит ҳароратига нисбатан бир оз юқори доимий ҳароратни ушлаб турувчи пойкилотерм ҳайвон.

Гетеротроф — Тайёр органик моддалар ҳисобига ҳаёт кечиравучи организмлар, уларга барча ҳайвонлар, текинхўр ўсимлик турлари, замбуруглар ҳамда кўпчилик микроорганизмлар киради.

Генофонд — Маълум гуруҳдаги индивидларнинг (популяциялар, популяциялар гуруҳи ёки тур) барча генлар йифиндиси.

Гигрофит — Ортиқча намлик шароитида яшашга мослашган ўсимлик.

Гидатофит — Кўпчилик қисми ёки бутунлай сув қатламида яшовчи сув ўсимликлари.

Гидрофит — Фақат остки қисми сувда бўлган ўсимликлар.

Гомойотерм — Ташқи муҳит ҳароратига боғлиқ бўлмаган ҳолда тана ҳарорати доимий бўлган (иссиқ қонли) ҳайвонлар.

Гомеостаз — Мураккаб мослашиш реакциялари ёрдамида табиий тизимларнинг динамик ҳаракатдаги мувозанатининг бузилиши: модда ва энергия таркиби, ички хусусиятлари ҳамда барча бўғинларни ўзидан бошқариш, доимо янгиланиб туриш хусусияти.

Даминг — Чиқиндиларни яшириш учун денгиз ва океанларга ташлаб юбориш.

Дезактивация — Радиоактив заараланган буюмларнинг юзасини зарарсизлантириш.

Дизенфекция — Ташқи муҳитдаги одамлар ва уй ҳайвонларида юкумли касалликларни кўзгатувчиларни физик, кимёвий ва биологик усуулларда йўқотиш.

Детрит — Экотизимдаги ўлик органик модда.

Доминант — Ҳамжамоадаги миқдор жиҳатидан кўп бўлган ҳукмрон тур.

Зообентос — Сув ҳавзасининг тубида яшовчи ҳайвонлар йифиндиси.

Зооценоз — Маълум биоценоздаги ўзаро бир-бирларига боғлиқ бўлган ҳайвонлар йифиндиси.

Индикатор — Экотизимдаги ташқи муҳит хусусиятларини билдирувчи тур.

Инсектицид — Зааркунанда ва паразит ҳашаротларга қарши курашда фойдаланиладиган кимёвий модда.

Инсон экологияси — Инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқа муносабатларини ўрганувчи экологиянинг соҳаси.

Йиртқичлик — Тирик ҳолдаги ҳайвонлар билан озиқланишга мослашган ҳайвон.

Каннибализм — Индивидларнинг ўз турини еб қўйиши. Баъзан ўз авлодини ҳам еб қўяди.

Канцероген — Хавфли ўсмалар ва уларнинг келиб чиқишига сабабчи бўладиган модда ёки физик омил.

Комменсализм — Организмларнинг вақтинчалик ёки доимо биргаликда яшаш шакли. Бунда бир тур организм иккинчисига зарар келтирмаган ҳолда ундан фойдаланади.

Консорция — Биоценознинг марказий аъзосидан ташкил топган тузилиш бирлиги. Консорция гуруҳлари функционал жиҳатдан бир-бирлари билан боғланган.

Консументлар — Фотосинтез ёки хемосинтез йўллари билан тўпланган тайёр органик моддаларни истеъмол қилувчи организмлар йиғиндиси.

Коэволюция — Яқин экологик муносабатдаги икки ва ундан ортиқ систематик гуруҳларнинг биргаликдаги эволюцияси. Табият — жамият тизими учун ҳам қўлланилади.

Ксенобиотиклар — Табиий бирикмалар қаторига кирмайдиган сунъий йўл билан олинган моддалар.

Ландшафт — Табиий географик мажмуя ҳисобланиб, унинг барча асосий таркибий қисмлари, яъни рельеф, иқлим, сув, тупроқ ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси бир-бирлари билан ўзаро мураккаб алоқада бўлган бир бутун тизим.

Литосфера — Ер қобиғининг юқори қатламлари.

Мезофит — Ўртача тупроқ намлиги шароитида ўсуви ўсимлик.

Миграция — Сувда яшовчи ҳайвонларнинг қўпайиши ёки қуруқликдаги ҳайвонларнинг мавсумий кўчиб юриши.

Мониторинг — Атроф-муҳит ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва олдиндан башорат қилиш тизими.

Мутаген — Мутацияни келтириб чиқарувчи ҳар қандай омил.

Мутуализм — Симбиоз ҳаёт кечиришнинг бир кўриниши, бунда ҳар икки организм ҳам бир-биридан фойда кўради.

Нейтрализм — Тирик организмларнинг биотик алоқа муносабат шакли.

Необиосфера — Ҳозирги замон биосфераси.

Ноосфера — В.И.Вернадский томонидан таклиф этилган тушунча бўлиб, биосферанинг келажаги, яъни уни инсон томонидан ўзлаштирилиши, уйғунлаштирилиши, «ақл қобиги» демакдир.

Озуқа занжира — Бири иккинчисига озуқа бўладиган организмларнинг кетма-кет келадиган бўғини.

Озуқа тўри — Продуцентлар, консументлар ва редуцентларнинг ўзаро трофик алоқа боғланишларининг шартли равишда ифодаланиши.

Паразитлик — Турлараро муносабатларнинг бир кўриниши. Бунда бир организм «хўжайн», иккинчisi эса «текинхўр» ҳисобланади.

Пестицидлар — Ўсимликлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ёғочдан, жундан, пахтадан ва теридан тайёрланган материалларни ҳимоя қилиш ҳамда хавфли қасалликларни қўзғатувчи ташқи текинхўрларга қарши курашда фойдаланиладиган заҳарли ва зарарли кимёвий моддалар.

Планктон — Сув оқимига фаол қаршилик кўрсата олмайдиган сув қатламида яшовчи организмлар.

Продуцентлар — Анорганик моддалардан органик моддалар тўпловчи автотроф организмлар.

Пойкилотерм — Тана ҳароратини идора қила олмайдиган организмлар. Уларнинг тана ҳарорати ташқи мухитга боғлиқ бўлади.

Псаммофитлар — Кўчиб юрувчи қумларда яшашга мослашган ўсимликлар.

Популяция — Бир турга мансуб бўлган индивидлар йиғиндиси ҳисобланиб, умумий генофондга эга муайян шароитда ва майдонда тарқалган бўлади.

Рақобат — Ҳамжамоадаги турлар ўртасидаги ҳар қандай қарамакарши муносабатлар. Турлар ўртасида озуқа, бошпана, ёруғлик ва бошқалар учун рақобат бўлади. Яшаш учун қураш рақобатнинг бир кўринишидир.

Редуцентлар — Ҳаёт фаолияти давомида (бактериялар, замбуруглар) органик қолдиқларни анорганик моддаларга парчаловчи организмлар.

Резерват — Кўриқхона ёки буюртмахонага ўхшашиб табиий мухофазага олинган худуд.

Рұксат этиладиган меъёр (РЭМ) — Ҳозирги давр усуслари билан текширилганда одамларнинг соғлиғи ва ҳаётига зиён етказмайдиган заарли модда миқдори.

Симбиоз — Организмларнинг биотик алоқа шаклларидан бири. Бунда ҳар икки организм биргаликда яшашдан ўзаро манфаатдор бўлади.

Синэкология — Экологиянинг ҳамжамоалар тузилиши, энергетикаси, динамикаси, шаклланиши, ташқи мухит билан ўзаро алоқаси кабиларни ўрганадиган бўлими.

Склерофитлар — Қаттиқ, дағал баргли ҳамда сув буғланишини пасайтирувчи қалин кутикула қаватига эга бўлган қурғоқчил шароитда ўсувчи ўсимликлар.

Суккулент — Серсув ва этдор барг ёки пояларга эга бўлган ўсимлик.

Сукцессия — Ер шарининг муайян майдонларидағи экотизимларнинг кетма-кет алмасиниши.

Табиий ресурслар — Жамиятнинг моддий, илмий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган ёки фойдаланиш мумкин бўлган табиий обьектлар, жараёнлар.

Терморегуляция — Иссик қонли ҳайвонларнинг тана ҳарорати доимиyllигини таъминловчи физиологик-биокимёвий жараёнлар йиғиндиси.

Тирик модда — Систематик ўрнидан қатъи назар, сайёрамиздаги тарқалган барча тирик организмлар йиғиндиси. Тирик модданинг умумий вазни (қуруқ вазн ҳисобида) $2,4\text{-}3, 6 \times 10^{12}$ т.

Толерантлик — Организмларнинг ташқи мухит омилларининг ўртача кўрсаткичининг ўзгаришларига чидаш қобилияти.

Тропосфера — Атмосферанинг энг қуи қатлами; унинг баландлиги 8—18 км.

Трофик алоқа — Бир тур иккинчи тур билан озиқланишидаги муносабат.

Тупроқ эрозияси — Тупроқнинг табиий ёки инсон хўжалик фаолияти натижасида емирилиш жараёни. Табиий эрозия одатда жуда секин боради ва хавфли эмас. У сув ва шамол эрозияларига ажратилади.

Фабрик алоқа — Бир тур бошпана учун иккинчи турдан унинг чиқарган маҳсулотлари ёки қолдиқларидан фойдаланади.

Фитоценоз — Ер юзининг бир хил майдонида яшаётган ўсимликларнинг ҳар қандай йифиндиси бўлиб, улар ўзаро ҳамда ташқи муҳит билан алоқада бўладилар. Натижада маҳсус фитомуҳит ҳосил бўлади.

Фитофаг — ўсимликхўр ҳайвон.

Фотосинтез — Ёруғлик энергияси ёрдамида органик моддалар синтезини амалга оширувчи оксидланиш-қайтарилиш реакцияси.

Фреон — Галогенли органик моддалар гуруҳи: Ф-11/ClCH₃/, Ф-12/Cl₂CH₂/, Ф-22/CHClF₂/ ва бошқалар.

Эдафик омил — Тирик организмлар ҳаётига тупроқ ва грунт шароитларининг таъсири.

Эдификатор — Экотизимларнинг тузилиши ва фаоллик кўрса-тишида муҳим рол ўйновчи ўсимлик ва ҳайвон тури.

Экологик омил — Тирик организмнинг мослашиш характеристига жавоб берадиган ташқи муҳитнинг ҳар қандай элементи. Унинг абиотик, биотик ва антропоген турлари ажратилади.

Экологик пирамида — Экотизимдаги продуцентлар, консументлар ва редуцентларнинг оғирлик, сон ёки энергия бирликларидаги график тарзда ифодаланган ўзаро муносабатлари.

Экотизим — Организмлар ва уларнинг яшаш муҳитидан иборат табиий ёки сунъий антропоген мажмуи; ундаги тирик ва ўлик экологик таркибий қисмлар бир-бирлари билан чамбарчас боғланган.

Экотоп — Ҳамжамоанинг яшаш жойи.

Ўлик модда — В.И.Вернадский таълимоти бўйича унинг ҳосил бўлиш жараёнида тирик модда иштирок этмайди.


ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИНГ КЕСКИНЛИК ДАРАЖАСИ

Масштаб 1:10 000 000

Экологик вазиятнинг кескинлик даражаси

Каноатлонорли - атмосфера ҳавоси, сув ва бошқа табиат компонентларининг сифатий ҳолатлари белгиланган мөйёрга яқин

Үртacha қониқарли - атмосфера ҳавоси, сув ва бошқа табиат компонентларининг сифатий ҳолатларида салбий томонга ўзгариш белгилари кузатилади



Назорат учун тест топшириқларининг жавоблари

1-бўлим. Экология фани ва уни ривожланиш тарихи

Тестнинг тартиб рақами	1	2	3	4	5	6	7
Жавоб	В	Д	Г	Г	Б	Б	Г

2-бўлим. Тирик организмларнинг яшаш мұҳити

Тестнинг тартиб рақами	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Жавоб	А	Б	Д	В	Г	А	В	В	Г	Б/Г	В	А

3-бўлим. Табиий популяциялар ва уларнинг хоссалари

Тестнинг тартиб рақами	1	2	3	4
Жавоб	А	Д	Д	В

4-бўлим. Биоценоз, биогеоценоз ва экотизимлар

Тестнинг тартиб рақами	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Жавоб	Г	А	Д	Г	Г	В	В	А	Б	Г	Б	Б	В	Г	Б
Тестнинг тартиб рақами	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27			28
Жавоб	В	Д	В	Б	А	Г	А	Б	Д	Д	Г	Д			Г
Тестнинг тартиб рақами	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38		39			40
Жавоб	А	Д	Д	Г	Г	А	В	Б	В	В		Д			Г

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992.
3. Алимбеков Л. Ландшафтларни муҳофаза қилиш. Т., «Фан», 1985.
4. Бекназов Р.У., Новиков Ю.В. Охрана природы. Т., «Ўқитувчи», 1995.
5. Зиёмуҳамедов Б. Экология: тарих, назария ва ҳозирги замон. Т., «Меҳнат» 1990.
6. Зохидов Т.З., Мекленбурцев Р.Н. Природа и животный мир Средней Азии. Т., «Ўқитувчи», 1976.
7. Мухамеджанов М.Е., Шарофутдинова Ф.Х. Охрана и рациональное использование природных ресурсов Узбекистана. Т., «Фан», 1989.
8. Одум Е. Экология. М., «Просвещение», 1968.
9. Одум Ю. Основы экологии. М., «Мир», 1975.
10. Отабоев Ш.Т., Набиев М.Н. Инсон ва биосфера. Т., «Медицина», 1995.
11. Рафиков А. Табиатда экологик мувозанат. Т., «Фан», 1990.
12. Рафиков А.А. Геоэкологик муаммолар. Т., «Ўқитувчи», 1997.
13. Расулов М. Ўрта Осиё табиатшунослик фанлари тарихи. Т., «Ўқитувчи», 1993.
14. Тўхтаев А. С. Ўсимликларнинг иссиқликка чидамлилиги. Т., «Фан». 1984.
15. Тўхтаев А. С. Экология. Т., «Ўқитувчи», 1998.
16. Тўхтаев А. С. ва бошқалар. Экология атамаларининг русча-ўзбекча қисқача лугати. Т., «Фан», 1995.
17. Тўхтаев А.С., Ҳамидов А., «Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т., «Ўқитувчи», 1994.
18. Ўзбекистон «Қизил китоби», I—II томлар. Т., «Фан», 1983, 1984, 1998.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-бўлим. ЭКОЛОГИЯ ФАНИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ	5
1.1. Экология фани нимани ўрганади	5
1.2. Экология фанининг қисқача ривожланиш тарихи	9
1.3. Экологик муаммолар	13
Назорат учун тест топшириқлари	19
2-бўлим. ТИРИК ОРГАНИЗМЛАРНИНГ ЯШАШ МУҲИТИ	21
2.1. Сув, тупроқ, ҳаво ва тирик организмларнинг яшаш мұҳити	21
2.2. Тирик организмларнинг ташқи мұҳитга мослашиши	23
2.3. Мұҳит ва экологик омиллар	29
2.4. Ёруғлик	31
2.5. Намлик	33
2.6. Антропоген омиллар	36
1-Амалий машғулот. Маҳаллий атроф-муҳиттинг ҳолати	38
Сув ҳавзасига экспурсия	39
Назорат учун тест топшириқлари	40
3-бўлим. ТАБИЙ ПОПУЛЯЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ	42
3.1. Популяцияларнинг хоссаси ва тузилмаси	43
3.2. Популяцияларнинг ўзгариши	47
3.3. Популяциялар сонининг бошқарилиши	51
2-Амалий машғулот. Турларнинг хилма-хиллиги керакми?	53
Назорат учун тест топшириқлари	54
4-бўлим. БИОЦЕНОЗ, БИОГЕОЦЕНОЗ ВА ЭКОТИЗИМЛАР	57
4.1. Биоценоз ва унинг тузилмаси	57
4.2. Биоценозлардаги организмлар ўртасидаги экологик муносабатлар	61
3-Амалий машғулот. «Дараҳтлар» ва «қушлар»	64
4.3. Табий биоценозлар	64
4.4. Тоғ биоценозлари	69
4.5. Дарё ва дарё бўйи биоценозлари	72
4.6. Экотизимлар ва уларнинг таркибий қисмлари	74

4.7. Экотизимлардаги озуқа занжирлари ва энергиянинг сарфланиши	80
4.8. Ҳамжамоаларнинг маҳсулдорлиги	84
4.9. Экотизимлардаги ўзгаришлар	88
4-Амалий машгулот. Тувалоқ (ўйин)	92
4.10. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар	93
4.11. АгроЭкотизимлар	96
4.12. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва атроф- муҳит муҳофазаси	100
Назорат учун тест топшириқлари	105
5-бўлим. БИОСФЕРА	111
5.1. Биосфера ва унинг асосий таркибий қисмлари	111
5.2. Тирик модданинг асосий хусусиятлари ва вазифалари	114
5.3. Моддаларнинг биосферада айланиши	116
5.4. Инсон фаолиятининг биосферага таъсири	120
I илова. Экологик тадқиқотнинг баъзи услублари	123
II илова. Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ҳақида маълумот	129
III илова. Ўзбекистон «Қизил китоби»нинг янги нашрига киритилган ўсимликларнинг рўйхати	130
IV илова. чоёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон турлари	132
V илова. Экологик атамалар лугати	134
Экологик вазиятнинг кескинлик даражаси	140
Назорат учун тест топшириқларининг жавоблари	141
Адабиёт	142
Мундарижа	143